

**М.У. АТАМУРАТОВ, Ф.А. ПРИМОВА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**ТОШКЕНТ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**М.У. АТАМУРАТОВ, Ф.А. ПРИМОВА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**(Монография)**

**Тошкент – 2018**

**УЎК: 378:37(575.1)**  
**КБК 74.5**  
**A-91**

**A-91 Атамуратов М.У., Примова Ф.А. Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тамойиллари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, 144 бет.**

**ISBN 978-9943-11-727-3**

Мазкур монографияда ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялаш масалалари ёритилган бўлиб, унда тарбиянинг талаба-ёшлар калби ва онгига етиб борадиган ранг-баранг шакллари, услуб ва воситалари ҳамда ёшларнинг маънавий дунёқарашини, маънавий-ахлоқий туйғуларини шакллантириш усуллари ифода этилган.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, инсонлар, айниқса, ёш авлод калби ва онгига халқига, она юртига муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис ушбу монографияда ҳар бир фуқаро, жумладан, талаба-ёшлар ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини чуқур англаган ҳолда яшаши, ўзбек халқининг қутлуг меросидан мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлиши, юксак маънавий мухитни яратишдаги ишгиروي, комил инсон сифатида шаклланиши, бутук келажак сари интилиши ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши зарурияти каби назарий тамойиллар таҳлилига алоҳида эътибор берилган.

Монография соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**УЎК: 378:37(575.1)**  
**КБК 74.5**

**Масъул муҳаррир: И.Эргашев – с.ф.д., профессор.**

**Тақризчилар: Р. Холиқова – т.ф.д., профессор (ТДТУ);  
Ф.Акрамова – п.ф.н., доцент (ТДИУ).**

*Монография Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2017 йил 6 майдаги қарорига асосан нашр этилди.*

**ISBN 978-9943-11-727-3**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2018;  
© И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, 2018;  
© М.У.Атамуратов, Ф.А.Примова, 2018.

---

## КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу муваффақиятлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуришни ўзида ифода эттирувчи бозор муносабатларига асосланган концепциянинг ҳаётийлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда ушбу концепциянинг тўғрилиги жаҳондаги йирик сиёсий арбоблар томонидан эътироф этилмоқда ва тажриба сифатида амалиётга жорий қилинмоқда.

Тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтишдаги "ўзбек модели"нинг ўзига хос томонларидан бири – мавжуд ва ўтиш даврида пайдо бўладиган янги муаммоларни ҳал этишда аждодларимиз қолдирган улкан маънавий меросга, халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига таяниш ва улардан кенг фойдаланишга асосланганлигидир. Ҳақиқатан ҳам маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбида жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, ялқовлик каби салбий иллатлар йўқолиб, унинг ўрнида ватанпарварлик, яратувчанлик туйғулари юксак даражага кўтарилади, ўзаро муносабатларда самимийлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, иймон-этикод, масъулият ва бошқа бир қатор ижобий фазилатлар халқимиз турмуш тарзининг ажралмас бойлиги даражасида яна ҳам мустаҳкам ўрин олиб бораверади.

Ана шу ўта муҳим вазифаларни ҳал қилишимиз учун миллий истиқлол ғоясини чинакам моддий кучга айлантириш стратегик аҳамиятга эгадир. Бу ўз навбатида, биз қўлга киритган истиқлолнинг маъно ва мазмуни, миллий ўзлигимизни тўла англашимизга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашимизга, Ватан ва миллат истиқболи учун ҳар биримизнинг масъуллигимизни тушуниб етишимизга ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Бундай натижага эришимизда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан маънавиятимизни янгилаш борасида олдимизга қўйган устувор вазифалар ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ватанимиз мустақилликка эришган бугунги кун ўзбек халқининг асрий орзулари амалга оша бошлаган қутлуг даврдир. Биз мустақил давлатимиз, фуқаролар жамиятини қуриш, миллий маънавиятимизни мустақил, эркин ривожлантириш йўлидан бормокдамиз. Бу – Аллоҳ таолонинг бизга берган табаррук инояти, халқимизнинг буюк саодатидир. Бунинг қадрига етмоқ, бу имкониётдан унумли фойдаланмоқ барчамизнинг, айниқса, ёшларимизнинг бурчидир.

Миллий мустақиллик туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида аста-секин амалга оширилаётган покланиш маънавий ҳаёт соҳасида яққол намоён бўла бошлади. Халқимиз ўзлигини, ўз тарихини англади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик сингари хислатларни шакллантириш, ҳар бир фуқарони мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш – хуллас комил инсонни, ҳар тарафлама соғлом, фидойи баркамол авлодни вояга етказиш ҳозирги кундаги маънавий-маърифий тарбия ишининг асосий мақсади эканлигига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Бунда қуйидаги йўналишларда амалий фаолият кўрсатиш зарур:

**биринчидан**, миллий онгни ривожлантириш, ёшларимизда миллий ўзликни англаш, уларда миллий ифтихор, гурур ва миллатимизга хос бўлган гўзал туйғуларни шакллантириш;

**иккинчидан**, миллий мерос, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий юксалтиришнинг зарурий эҳтиёжига айланишига эришиш, дунёвий илмларни чуқур эгаллашга қаратилган руҳиятни шакллантириш;

**учинчидан**, ёшларимизда миллий ахлоқий қадриятларга эътиқодни мустаҳкамлаш, уларни эъозлаш, ривожлантириш ҳамда уларнинг бой жозибали, гўзал ва устун эканлигини ҳис этишларига эришиш, миллий обрўсини керак бўлганида ҳимоя қилиш каби ҳар қандай маданият учун умумий бўлган қадриятларни, садокат туйғуларининг мустаҳкам бўлишига эришиш;

**тўртинчидан**, четдан кириб келаётган маданиятсизлик, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, яъни ғоявий, мафкуравий, инфор-мацион хуружлардан ёшларни ҳимоя қилиш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш йўлларини ёшлар онгига сингдириш;

**бешинчидан**, ҳар бир ёш авлод калбида мутеъликдан холи бўлиш, ўз фикрини эркин ифодалай олиш ва уни ҳимоя қила олиш қобилиятини шакллантириш ва уларни мустаҳкам иродали, миллий ғоя эътиқодига собит, иймонли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш.

Шуни унутмаслик керакки, ёшлар тафаккурини ўзгартирмасдан, унда ҳар томонлама ислоҳотларини амалга оширмасдан туриб, озод ва обод Ватанни барпо этиш мумкин эмас. Шу ўринда ёшлар маънавияти инсон тафаккурини ўзгартирадими ёки тафаккур ўзгариши уларнинг маънавиятини такомиллаштирадими, деган савол туғилиши табиий. Аслида ёшлар маънавияти инсон тафаккурини ўзгартаришга таъсир этгани каби, тафаккур ислоҳоти ҳам ёшлар маънавиягининг шаклланишида алоҳида ўрин тутади.

Хуллас, маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг энг катта бойлиги ва куч-қудрат манбаи, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодатга эришиб бўлмайди. "Маънавият" тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шундай экан, бу масалага жиддий эътибор бериш замон талабидир.

---

## **1 БОБ. МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

### **1.1. Маънавият тушунчаси, унинг ривожланиш хусусиятлари ва маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш жараёнлари**

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, унинг ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нурдирки, у ҳеч бир жонзотда мавжуд эмас. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди.

Умуман олганда, "маънавият" арабча сўз бўлиб, рух, ақл, онг, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш диди каби бир неча маъноларни англатади. Инсоннинг руҳий ва ақлий олами йиғиндисини маънавият ташкил этади ва у жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир шахснинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи буюк куч ҳисобланади.

Шу боис маънавият – инсоннинг руҳияти, онги, ақли-заковати, ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, идрокидан ҳамда адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата олиш қобилиятидан, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидан ташкил топган гавҳар, - деб ҳисоблаймиз.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, оила муҳити, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг кейинги ривожланиш босқичлари жамиятдаги ҳамжиҳатлик, ҳукумат томонидан олиб бориладиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварлик даражасига амал қилинишига бевосита боғлиқ ҳолда давом этади. Маънавиятнинг юқори чўққиларга кўтарилиш ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади.

Қисқа қилиб айтганда, инсоннинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси, даставвал, оилада шаклланса, унинг ривожини жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иктисодий муносабатлар белгилаб беради. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у, ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади, уни белгилаб берадиган омиллардан бирига айланади. Одамларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик эътиқоди, ватанпарварлик, миллий ва инсоний гурур туйғуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг тараққий этишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврни юзага келтиради. Адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамиятни маънавиятсиз тасаввур қилолмаганимиздек, маънавият ҳам жамиятдан айро ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Жамиятнинг иктисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш энг тўғри йўл ҳисобланиши кекса тарихдан маълум.

Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи буюк куч саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жохиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, туҳмат қилиш каби салбий иллатларга ўрин қолмайди.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. "Маърифат" сўзи араб тилидан олинган бўлиб, "билиш", "билим олиш", "танишиш" маъноларини билдиради. Кўплик маънода маориф, маърифат жамиятдаги барча таълим жараёнларини англатади. Маърифат "маъруф" сўзи билан алоқададир. "Маъруф" сўзини олий ҳиммат, яхшилик қилувчи деб ифодалаш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, маърифат – инсоннинг билим даражаси ва унга алоқадор бўлган жиҳатларини акс эттирувчи тушунчадир. Шу боис "маърифатли инсон" сўзи ишлатилганда, кўз ўнгимизда билимли, доно, кенг мушоҳадали шахс гавдаланади.

Умуман олганда, маърифат инсоннинг маънавий маданияти савиясини юксалтиришга қаратилган таълим ва тарбия жараёнлари



бўлиб, у том маънода инсон фаолиятининг барча жиҳатларини камраб олади. Бу олий туйғу инсон онгига турли соҳалар, услублар орқали сингдирилади. Булар оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари бўлиши билан бирга, кўп асрлик инсоний ва миллий қадриятлар, диний қарашлар ва ҳаётий удумлар, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчалар ҳамда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмлари, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган турли кўринишдаги самалари услублардан иборат.

Агар ўтмишга мурожаат қилсак, маърифатнинг асосий манбалари сифатида зардуштийлик динининг асоси "Авесто", Ислом динининг муқаддас китоби "Қуръони Карим", Пайғамбаримиз ҳадислари, буюк аждодларимизнинг "Қобуснома", "Зафарнома", "Бобурнома", "Темурнома" каби тарихий битиклари, Абу Райҳон Берунийнинг "Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар", Абу али ибн Синонинг "Тиб қонунлари", Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандийнинг тариқатлари, Абу Наср ал-Фаробийнинг фалсафий қарашлари, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғитларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

"Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп мисолларда исботлаб беради"<sup>1</sup>, - деган эди мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Ислом Каримов ўзининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли китобида халқимизнинг маърифат масканига айланган улугвор қошоналари, жумладан, Тошкент шаҳрида барпо этилган Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, "Минор" масжиди каби ҳар бири миллий ва замонавий меъморчиликнинг ноёб намунаси бўлган ўнлаб биноларни санаб ўтади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир Т.: "Ўзбекистон", 2015. 80 бет.

Юқорида таъкидланганидек, маърифатнинг муҳим асосларидан бири бу илмдир. Маърифий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм-фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, ҳунар эгаллашга иштиёқ бўлмаслигини жуда яхши билган Ислом Каримов жамият тараққиётининг барча босқичларида, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни маърифатли этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратди. Зеро, "Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур, зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабудур"<sup>2</sup>. Қолаверса, "Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур"<sup>3</sup>.

Ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти илмий тафаккур салоҳияти даражаси билан белгиланади. Юзага келган муаммоларни ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билим кучи ва иродаси билан аниқлайди.

Барчамизга аёнки, мамлакатимизда қисқа муддат ичида барча соҳалар қатори маънавият ўчоги – таълим тизими фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги қонуни" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топтирувчи, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратувчи, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартирувчи, республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб тарих саҳнасига чиқди. Натижада Биринчи Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими шаклланди ва раванқ топди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти бўлиб хизмат қилди.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоной. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т. 1994. 9-бет.

<sup>3</sup> Абдулла Авлоной. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т. 1994. 10-бет.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек, таълимга эътибор, бу маънавиятга, маърифатга эътибордир. Унинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ундаги узвийлик жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтирмоқда, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминламоқда. Жумладан, 2013 йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг бошланғич синфидан хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир янги тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг, миллатнинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билан шуғулланганлар. Чунки, маърифат – маънавий қарамлик, кўрқув ва ҳадикни бартараф этади, инсонга бекиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Мамлакат, миллатнинг озодлиги – унинг маърифий уйғоқлигида. Одамзод наслининг улуғлиги – билимда.

Шуни унутмаслик керакки, билим ва маънавият ўйлаб кўрилса, мисоли бир жолов. Уни эгаллаш имконияти ҳар бир шахсда мавжуд, бунинг учун инсонга фақатгина хоҳиш, ирода, бардош керак холос. Билим инсонларни барча ёмон, ярамас иллатлардан, яъни маънавиятсизликдан тийиб туради ва уни истаса ҳам, истамаса ҳам олам узра машҳур этади. Ота-боболаримиз, авлодаждодларимиз доимо маърифат ва маънавиятга интилиб яшаганликлари боис Турон замини гуллаб-яшнаганлиги, ер юзида шуҳрат қозонганлиги ҳам бунга ёрқин мисол бўлади.

Маънавиятли одамларнинг ҳаммаси ҳам доимо маърифатли, илмли кишиларнинг барчаси юксак маънавиятли бўлмаган. Доно халқимиз бундай кишиларга қарата ҳақли равишда олим бўлибдию, аммо одам бўлмапти, ибораси ишлатилади. Бошқача айтганда, инсонлар борки, олим эмас, аммо маънавияти юксак, олим борки, инсон зотига лойиқ эмас. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, олим бўлиш муҳим эмас, аммо маънавиятли одам бўлиш зарурият. Шунинг учун халқимиз: "Олим бўлма – одам бўл", - дейди. Бу билан биз маънавият ва маърифат бир-бирини инкор этади демоқчи эмасмиз. Аксинча, маънавият ва маърифат бир-бирига чамбарчас

боғлиқ бўлиб, улар бир-биридан қувват олиб, ўзаро таъсир остида ривожланиб боради.

Заминимизда камол топган, эл-юртга танилган буюк зотлар, комил инсонлар ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этганлар. Шу боис уларнинг номи тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битиб қўйилган. Шундан келиб чикиб, айтиш мумкинки, ҳозирги даврда ҳам миллий камолот йўли комил инсонни, соғлом авлодни вояга етказишнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Маънавият ва маърифат халқимизнинг, миллатимизнинг келажаги учун сув ва ҳаводек зарурлигини инобатга олсак, маънавий ва маърифий тарбияни бирга олиб бориш бугунги куннинг асосий вазифаси эканлиги янада теранроқ мазмун касб этади. Уларни бир-биридан айро ҳолда олиб бориб бўлмайди.

Маънавият ҳам ўзининг бир қатор категорияларига – тушунчаларига ва ривожланиш қонуниятларига эгадир. Унинг тушунчаларига шахснинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозалик, сахийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, қонунларга итоаткорлик, вазминлик ҳамда мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик сингари чин маънодаги инсонийлик тамойиллари киради.

Маънавиятнинг юқорида келтирилган тушунчаларидан кўришиб турибдики, маънавият ҳар бир инсоннинг миллат, жамият, давлат ҳаёти, инсонлараро ва ижтимоий ҳаётга нисбатан бўладиган муносабатларини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан ташқари, маънавиятнинг бошқа бир қатор тушунчалари ҳам бор. Бу ерда гап уларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб ўтишда эмас, балки маънавиятнинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлиги, у инсон онги, руҳияти, ички дунёсининг салоҳияти, хатти-ҳаракатлари каби бир қатор масалаларни ўз ичига олишини тушуниб етиш ҳақида бормоқда. Маънавиятни чуқур англашда юқорида кўрсатиб ўтилган тушунчаларни уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маънавиятнинг ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қилади. Агар ички салоҳият ночор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллатнинг бир бутунлигини сақлашга ва айни пайтда жамиятнинг юксак тараққиёт поғонасига эришишига салбий таъсир килади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ички салоҳият асосий таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражалари эса объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда бўлишини тақозо этади. Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиш жараёни қанчалик мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда шахс маънавий камолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятини шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган "ўзаро таъсир" ва "ўзаро бойитиш" орқали намоён бўладиган жараёнлар ташкил қилади. Яъни шахс маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек, миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида пайдо бўлади. Ҳеч қачон шахс, инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан алоқа қилмасдан тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда "соф" миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик ёки кафолат бера олмайди. Жамият ҳам худди мазкур қонуният асосида ривожланади. Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва "таъсирлар" асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир "беради" ва ниманидир "қабул" қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги "таъсир" ва "акс таъсир" қонуниятини юзага келади, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади. Юқорида маънавиятнинг жамият, шахс ва миллат ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида фикр юритилди. Аммо уни реал ҳаётга қанчалик татбиқ қилиш ё қилмаслик давлат олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ.

Шу ўринда, шахс ва миллат шаклланиши ёки жамият тараққиёти босқичларида маънавиятнинг роли ва аҳамиятига эътибор бериб келинган. 1998 йилнинг 24 июлида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Юқорида қайд этганимиздек, Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик биринчи сессиясида ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш, ислохотларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йуналиши эканлиги яна бир бор қайд этилди. Бу соҳадаги муҳим вазифалар, муаммолар ва уларни кечиктирмай ҳал этиш зарурлигига халқимиз эътибори қаратилди.

Маънавиятнинг миллий ва умуминсоний тамойиллари мавжуд. **Миллий маънавият – муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликдир.**

**Минтақавий (регионал) маънавият – муайян жуғрофий минтақа миллатларига хос, улар учун умумий бўлган маънавий жавҳардир.** Бунга Ўрта Осиё халқларининг маънавиятидаги муштараклик, ўхшашлик мисол бўлади.

Абдулла Авлоний ва бошқа маърифатпарвар фидойилар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятдан таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ахлоқни юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини таъкидлаганлар. "Тарбия, – деган эди Абдулла Авлоний, – бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир"<sup>4</sup>.

Миллий тарбиянинг яна бир йўналиши – ота-она, қариндош-уруғларнинг ҳурматини жойига қўйиш, оиланинг муқаддас ҳисобланишига эришиш, ўзаро муносабатларда ёнма-ён яшаётган ўзга миллатлар ва элатлар вакилларининг манфаатларини ҳисобга олиш кабиларни ташкил этади.

Олтин зангламас, қуёш қораймас деганларидек, умуминсоний маънавият ҳам доим қадимий ва навқирон бўлиб қолаверади. Улар умумбашарий маънавият деб ҳам юритилади. Инсон озодлиги, саломатлиги, ҳар бир шахснинг яшаш, билим олиш, кексайганда ижтимоий ҳимояланиш имкониятлари ва ҳар бир шахсга ғамхўрлик кўрсатиш каби маънавий масъулият ўз аҳамиятини доим сақлаб қолаверади. Адолат, тенглик, аҳил қўшничилик каби маънавий қадриятлар асрлар оша яшаб келмоқда, уни бутун инсоният

<sup>4</sup> Тузувчилар: Курбонов Ш., Саидов Ҳ., Аҳмединов Р. Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарк», 3-бет.

авайлаб-асрамоқда. Меҳнатсеварлик, эзгулик, яхшилик қилиш, тинчлик, дўстлик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби буюк туйғулар умуминсоний маънавият саналиб, у ҳар бир халқ, миллатда ўзига хос равишда намоён бўлади. Ўзидан катталарни, энг аввало, ота-онани ҳурмат қилиш, фарзандларга ғамхўрлик кўрсатиш, виждон амрига кулоқ солиш, бурчга садоқатли бўлиш, байналмилалчилик умуминсоний маънавий жиҳатларнинг ажралмас қисмидир. Бу маънавий тушунчаларнинг миллати йўқ, у ҳамма миллат, халқ учун баб-баробар тегишлидир. Аммо уларнинг ҳаммаси фақат муайян миллий шаклда намоён бўлади. Умуминсоний маънавиятда биз миллий маънавиятнинг энг олижаноб, энг юксак кўрсаткичларининг умумжаҳон миқёсида мужассамлашган бирлигини кўрамыз.

Агар миллий маънавият бўлмаса, умуминсоний маънавият ҳам бўлмайди, умуминсоний маънавиятсиз миллат эса оломонга айланади. Миллатлар умумжаҳон, умумбашарий маънавиятнинг яратувчиларидир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов айтганидек: "Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний кадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний кадриятлар тақомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам". Умумжаҳон, умуминсоний маънавият эса ҳозирги замон илғор миллатлар тараққиётининг замини, таянчи ва негизидир.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси – Ўзбекистон Конституциясида яққол белгилаб берилган. Унда "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"<sup>5</sup>. Мустақиллик йиллари миллатлараро маънавий, маданий-маърифий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви ана шу қонун доирасида ривожланиб келмоқда. Истиқлол йилларида миллий уйғониш жараёни нафақат ўзбеклар, балки Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатлар вакиллари орасида такомиллашди, шу билан бирга халқларнинг этник-маданий, маънавий асосларда жипс-

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда. -Т.: "Ўзбекистон", 1999. 8-бет.

лашиш жараёнлари юз берди. 1989 йилдаёқ жамоат ташкилотлари – миллий-маданий марказлар ташкил этила бошлаган эди. Ҳозир республикада 130дан ортиқ ана шундай марказ фаолият кўрсатмоқда.

Жамиятимиз этник гуруҳлар ва миллатидан қатъи назар ҳар қандай Ўзбекистон фуқаросига ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиши имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатишга интилмоқда. Шу боис юртимизда миллий айирмачиликнинг ҳар қандай кўринишлари қораланади ва унга қарши жиддий курашиш чоралари кўрилади.

Шуни унутмаслик керакки, миллий калондимоғлик – ғоят зарарли иллат. Негаки, бу салбий "гуйғу" касаллигига йўлиққан кишилар ўз миллий маънавиятидан бошқа миллатлар маънавиятини тан олмайдилар, жаҳон халқлари маънавий мероси ўртасидаги алоқадорликни, бир-бирини бойитишини тушунмайдилар. Энг ёмони, бундай шахслар кўпинча миллатчилик гирдобига тушиб қоладилар.

"Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч-имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади"<sup>6</sup>, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарида.

Дарҳақиқат, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Бунда жамоат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари, диний идоралар ходимларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Фарзандларини маънавиятли қилиб тарбиялаш ота-онанинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юсуф Хос Хожиб айтадики, оилавий тарбия – болаларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиришда энг асосий воситадир. "Мабодо болаларнинг хулқ-атвори ёмон бўлса, бунда гап болада эмас, ота айбдор"<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2008. 4-бет.

<sup>7</sup> Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу-билик. –Т.: "Фан", 1972. 233-бет.



Халқимиз, "Нима эксанг, шуни ўрасан" деганидек, фарзандимизнинг яхши, ёмон, маънавиятли ёки маънавиятсиз бўлиши кўпинча ўзимизга боғлиқ. Шу боис ҳам оилалар билан иш олиб борувчи ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, уларни амалий ишлар билан кўпроқ шуғулланишга даъват этиш лозим.

Тарбияда олий мақсадга эришиш учун маълум вазифаларни бажаришимиз лозим бўлади. Бу вазифаларни эса тарбиянинг таркибий қисмлари деб аташ ҳам мумкин.

**Ақлий тарбия** – бу баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми бўлиб, талаба-ёшларни табиат ва жамият, киши тафаккури ҳақидаги билимларни юксалтириш, уларда илмий дунёқараш, юқори онглилик хислатларини парваришlash, фан асосларидан хабардор қилиш, тафаккур ва нутқ қобилиятларини янада ўстиришдан иборатдир.

**Ахлоқий тарбия** – бу талабаларда жамиятга, оилага, Олжуртга, меҳнатга ва ўз-ўзига нисбатан ахлоқий муносабатларни раванқ топтириш жараёнидир.

**Меҳнат тарбияси** – бу тарбиянинг олдида турган асосий вазифа талабалардаги меҳнат таълимига оид илмий билимларни ривожлантириш, меҳнат қуроллари билан муомала қилиш тажрибасини ортириб бориш, ҳаётга, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашдир.

**Эстетик тарбия** – талабаларда санъатга, табиатга, ҳаётга нисбатан эстетик муносабатларини юксалтиришдан иборатдир.

**Ҳуқуқий тарбия** – бу талабаларни ривожланган демократик давлат қонун-қоидалари асосида шахс ҳақ-ҳуқуқлари меъёрлари билан қуроллантиришга қаратилган жараёндир.

**Экологик тарбия** – бу талабаларда атроф-муҳитга, табиатга нисбатан онгли экологик муносабатларни шакллантириш тизимидир.

**Иқтисодий тарбия** – бу талабаларда иқтисодий тафаккур ва маданиятни такомиллаштиришга қаратилган заруратдир.

**Жисмоний тарбия** – талабалар танасидаги барча аъзоларининг соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, Ватан мудофаасига тайёрлашдир.

"Илмларнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга

бўлишдир"<sup>8</sup>. Биз ҳам юқоридаги ҳикматда айтилганидек, фарзандларимизни олган билимларини инсоният равнақи йўлида ишла-тишга мойиллик руҳида юксак маънавиятли этиб тарбиялашимиз зарур. Шундагина илмнинг самараси ўзини намоён этади.

Маънавиятнинг энг йирик ғаними, шубҳасиз, ёвузликдир. Чунки ёвузлик инсонни ваҳшийга айлантириб, жамият ҳаётини издан чиқаришга, халққа зўравонлик қилишга ҳаракат қилади. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз айтганидек, халққа зўравонлик қилиш энг улкан ёвузлик бўлиб, маънавий қашшоқликнинг юқори босқичидир. Бундай киши моддий неъматларни ҳар қандай нарсадан устун қўяди ҳамда бойлик, мансаб учун инсонийлик деган тушунчадан ҳеч иккиланмай воз кечади. Демак, ёвуз киши маънавиятли бўлолмайди, маънавиятли кишининг қўлидан эса ёвузлик келмайди.

XXI асрга ҳос хусусиятлардан бири – инсонларнинг онги ва калбини эгаллаш учун курашнинг кучайганлиги, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилишида, ёвузликнинг маънавиятга қарши кураши авж олишида кўзга ташланмоқда. Мафкуравий курашлар натижасида дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм балоси яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда. Бунга "2000-2005 йилларда Иккинчи интифада, 2001 йил Македониядаги можаро, 2002-2007 йиллардаги Кот-д'Ивуардаги фуқаролар уруши, 2003-2009 йиллардаги Чад ва Эритрея ўртасида Дарфур можароси, 2004-2009 йиллардаги Киву можароси, 2005-2008 йилларда Кенияда аксилҳукумат исёни, 2005-2010 йилларда Чадда иккинчи фуқаролар уруши, 2006 йилги иккинчи Ливан уруши, 2006-2007 йиллардаги Фаластиннинг Фатх ва Ҳамас гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувлар, 2006-2012 йиллардаги Сомалидаги уруш, 2007 йил Шимолий Ливандаги можаро, 2007-2008 йиллардаги Кенияда юз берган снёсий инқироз, 2007-2009 йилларда кузатилган Малида Туареглар исёни, 2008 йил Камбоджа-Таиланд чегара можароси, 2008 йил Жибути-Эритрея чегара можароси, 2010-2011 йилларда Тунисдаги инқилоб, 2011 йилги "Араб баҳори", 2011-2012 йиллардаги Ямандаги исён, 2011 йил Ливияда фуқаролар

\* Абу Райҳон Бериуний. Ҳикматлар. -Т.: "Ёш гвардия", 1973 й, 44-бет.

уруши, 2011-2012 йилларда Баҳрайнда юз берган исён, 2011 йилдан бери Сурияда давом этаётган фуқаролар уруши, Украинадаги вазият, Мисрдаги инқилоблар ва ҳарбий тўнтаришлар..."<sup>9</sup> ёрқин мисол бўла олади.

XXI асрнинг 15 йилида бир ярим миллион киши урушлар қурбонига айланди. Шу даврда зўравонлик оқибатидаги йўқотишлар 13,6 триллион доллар (дунё ялпи маҳсулотининг 13,3 фоизи)ни ташкил этди. Бошқачарок қилиб айтганда, зўравонлик мақсадларига ишлатилаётган харажатларни сайёранинг барча фуқароларига тақсимлаб чиқилса, одам бошига 1942 доллардан тўғри келади.

Бундай урушлар, фожиалар, йўқотишларга сабаб бўлаётган энг жиддий омиллардан бири, бу маънавиятнинг ашаддий ғанимлари – диний экстремизм, халқаро терроризм, деб аталмиш иллатдир. "Дин" никоби остида иш кўраётган, аслида диний қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган диний экстремизм, халқаро терроризм каби таҳдидлар XXI аср янги технологиялари билан қуролланган ҳолда кириб келмоқда. Восита, шакл ва мақсадлар ўзгариб бораётган, турли номларда аталаётган, турфа қиёфаларда намоён бўлаётган бўлса-да, уларнинг замирида умуминсоний ва миллий қадриятларга, маънавиятга мутлақо зид бўлган бузғунчи гоёлар турганлиги айни ҳақиқатдир.

Диний экстремистик гуруҳларнинг бош мақсади – мутаассиб ва бузғунчи гоёларни омма онгига сингдириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, ер ости ва усти бойликларидан фойдаланишни чеклаш, аҳоли ўртасида қўрқув, парокандаликни келтириб чиқариш, қадриятларни оёқ ости қилиш, барча давлатларда яшовчи одамларда ишончсизлик уйғотиш ва диний соҳада олиб борилаётган сиёсатни обрўсизлантириш, одамлар, хусусан, ёш авлод қалбидан маънавият аталмиш инсоний туйғуларини йўқотиб, уларнинг ўрнини билимсизлик, жоҳиллик каби иллатлар билан захарлашдан иборат.

Шу туфайли ёш авлодни маънавиятли қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг асосий вазифасидир. Негаки, "ақл кучи моддий манфаат кучидан устунлик қилади, ана ўшандагина инсон яхшиликка интилади... Борди-ю моддий манфаат ақлни забт этиб олса, унда инсонни, албатта, ёмонликка чорлайди"<sup>10</sup>. Афсуски,

<sup>9</sup> [www.kun.uz](http://www.kun.uz) сайтидан олинди.

<sup>10</sup> Зоҳидов В. Мир идей и образов. А.Навои. стр. 316.

диний экстремизм. халқаро терроризмнинг асосчилари моддий неъматларга эгалик қилиш, бузғунчилик ишларини амалга ошириш учун ўзга кишилардан, айниқса, ёшлардан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар. Натижада, ҳеч нарсадан хабари йўқ, билим даражаси паст одам уларнинг қурбонига ва миллатдошларининг ғанимига айланади. Бунга йўл қўймасликнинг энг содда ва ишончли усули ҳар бир фуқаро қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборатдир.

Мафкуравий иммунитет деб, кишилар, шу жумладан, ёшларнинг жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўладиган бузғунчи, вайронкор ғояларга қарши кураша олиш қобилиятини айтамыз. Ёшлар онгида ана шундай мафкуравий иммунитетни шакллантириш гоётада муҳим масаладир. Бу вазифани амалга оширишда оиланинг ўрни ва роли беқиёс.

Инсон онги ва қалби учун кураш ҳозирги кунда турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди, чунки муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаш, аниқроғи, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда бирон-бир ғоя фақат муайян хабар-ахборот сифатида сақланиб қолиб, гўё кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгаллаб, ётавериши мумкин. Маънавийатли инсон вужудида қудратли кучга эга бўлган мафкуравий иммунитет бўлиши шарт. Бунинг учун эса қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

**биринчидан**, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса-да, унинг қалбида доимо мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уни босқичма-босқич ривожлантириш талаб этилади;

**иккинчидан**, мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлишини инобатга олиб, тарбия жарёнини одамлар ёши, миллати, ирки ва динига қараб олиб бориш муҳим аҳамият касб этади;

**учинчидан**, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин эканлигини унутмаган ҳолда иш кўриш лозим.

Мафкуравий иммунитет тизимига қуйидагилар киради:

диний ва дунёвий билимлар;

дунёвий, илмий. тараққийпарвар билимлар замирида шаклланидиган маънавият.

Демак, таълим муассасаларида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш жараёнида мураббийлар асосий диққат-эътиборларини ёш авлоднинг воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттирадиган, инсон маънавиятининг бойишига, жамият тараққиётига хизмат қиладиган билим кўникмаларига эга бўлишларига қаратишлари зарур. Чунки билимнинг "билим"дан фарқи бор. Мисол учун, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик, диний ақидапарастлик, фундаментализм ёки экстремизм мафкураси, амалиёти тарафдорлари ҳам муайян "билим"ларга таянадилар ва уни бошқаларга, хусусан, ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, ёшлар онгида ана шу каби билимларга таяниб, тарғиб қилинадиган бузғунчи, вайронкор ғояларга қарши кураша оладиган мафкуравий иммунитетни шакллантиришлари лозим. Бу вазифанинг ижросини таъминлаш нафақат мураббийларнинг, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчидир. Шу боис ота-оналар фарзандлари олаётган билимлар мазмун-моҳияти билан қизиқишлари, бу билимларининг характеридан бохабар бўлишлари керак. Дастурхон атрофида бир пиёла чой устида ота-оналар давлатимиз, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг нечоғлик тўғрилигини, унинг туб моҳиятини айрим мисоллар ёрдамида тушунтириб беришлари мақсадга мувофиқ.

Ислом динининг муқаддас китоби – "Қуръони Карим"да ва ҳадисларда ҳам илм олишга даъват этилгани маълум. Айтайлик, ислом дини, унинг тарихи, ақидаларининг моҳияти тўғрисида пухта билимга эга бўлган ёшлар турли хилдаги диний экстремистик оқимларнинг таъсирига тушиб қолмаслиги аниқ. Негаки, Абдулла Авлоний айтганидек, "Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазиладир. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатларимизни ойна каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдондан аюруб берур, тўғри йўлга раҳномалик қилиб, дунё ва охирада масъул бўлишимизга сабаб бўлур. Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур... Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охирагимиз илмга боғлиқдир"<sup>11</sup>. Шу ўринда Соҳибқирон бобомиз Амир Темур улкан империяни бошқаришда "Куч адолатдадир", деган ҳикматни асосий шиор қилиб олган

<sup>11</sup> Ибраҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. –Т., 1996. 350-бет.

бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов уни "Куч – билим ва тафаккурда", деган ҳикмат билан рамзий маънода тўлдириши ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Инсон ҳаётида муаммоларнинг адолатли ҳал этилиши катта аҳамият касб этади. Киши чуқур билим, теран тафаккур ва юксак интеллектга эга бўлган тақдирдагина у ёки бу ҳаётий муаммони адолатли тарзда ҳал этиши мумкин. Шу ўринда бир ривоятни мисол келтирсак:

Ўрта асрларда бир шоҳ қирқ мартаба ҳажга борган ўта тақводор мусулмонни саройга чорлабди. Тақводор киши подшо ҳузурига келгач, шоҳ унга шундай таклиф ва савол билан мурожаат қилибди: "Сиз қандай мукофот эвазига ўзингизнинг қирқ марта қилган ҳаж зиёратингизнинг савобини менга инъом эта оласиз?" Шунда тақводор донишманд: "Шоҳим! Сизнинг давлатни бир соат адолатли идора қилишингиз эвазига мен ўзимнинг қирқ мартаба қилган ҳаж зиёратимдан ҳосил бўлган савобни Сизга инъом этишга розиман", – деб жавоб берган экан. Бундан адолат нақадар қимматбаҳо неъмат эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Мафкуравий иммунитет асосларидан бири инсоният билимлари замирида шаклланган маънавиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлмиш кадриятлар тизимидир. Ота-оналар ўз фарзандларини миллий ва умуминсоний кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашлари, комиллик сари бошлашлари лозим.

Юқорида биз билимлар мафкуравий иммунитет тизимининг асосини ташкил этишини таъкидлаган эдик. Бироқ, шуларнинг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифодамайди. Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Яъни, ҳар бир киши каби халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шартлигини ота-оналар фарзандларига доимо уқтириб боришлари зарур. Шу билан бирга, бу мақсад англаган бўлиши ҳам уни амалга оширишда собитқадамлик даркорлигини ҳам фарзандларга уқтириб бориш керак. Зеро, ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши мушкул. Ёшлар онгида бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни ниҳоятда катта. Чунки у, ўз моҳиятига

кўра, ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига қамраб олади. Бундай мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мазмунини, аниқроқ айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган, мунтазам олиб бориладиган таълим-тарбия тизимини қамраб олади, деган хулоса чиқариш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов "Ўзининг келажагини кўрмоқчи ва курмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур",<sup>12</sup> - деб таъкидлаган эди. Шундай экан, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, вояга етаётган фарзандларимизни маънавий баркамол, кучли мафкуравий иммунитетга эга комил шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шarti ҳамда миллий мафкурамизнинг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Хуллас, ҳалол, пок, маънавий етук, миллий гурури юксак, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, озод ва обод Ватан тараққиёти учун кураша оладиган, керак бўлса олийжаноб мақсад йўлида ўз жонини қурбон қилишга тайёр маънавиятли ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Бундай авлод ўз келажагини ярата олади. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир ёш авлодни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

## **1.2. Маънавиятнинг тарихий, назарий, илмий, амалий заминлари ва илдиэлари (Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари)**

Марказий Осиё халқлари миллий маънавияти такомил босқичлари ушбу ўлка халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу ҳудудда юз берувчи ҳодиса саналади. Халқимиз маданий тараққиёти ўта мураккаб тарихий ҳодисалар

<sup>12</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максалимиз. 8-том. –Т.: "Ўзбекистон", 2000. 464-бет.

мажмуини ташкил этиб, ўз ичига бир неча минг йилликларни қамраб олади.

Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз маънавият ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача сақланиб қолган миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақланиб келаётир. Марказий Осиё халқларининг қадимий миф ва афсоналари турли мавзуларга багишланган. Чунончи, космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифларда яхшилик, бахт-саодат, куёш нури ва иссиқлик ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйилган. Шу асосда бахт ва бахтсизлик ўлкаси, деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Эликбек ва бошқа мифологик образларда мужассамлаштирилган. Булар ҳақидаги мифлар биз кейинги масалада кўриб ўтадиган зардуштийликнинг "Авесто" китобига ҳам кирган.

Халқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам юзага келган. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидо-корлик кўрсатадилар. Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енган, ўлимдан кўркмас, мард, баҳодир, кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи қаҳрамонлар образлари тасвирланган.

"Тўмарис" эпосида Марказий Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига, хусусан, эрамиздан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган эрон аҳмонийлари шоҳи Кирга қарши массагет қабилаларининг қаҳрамонона кураши акс этган. Босқинчилар ва массагетлар қабиласи ўртасида шиддатли жанг узоқ вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозонадилар. босқинчилар сардори Кир эрамиздан аввалги 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади, қалласи танасидан жудо этилиб, қон билан тўлдирилган мешга солинади.

"Широқ" эпоси ҳам Марказий Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, Ватан ва ўз халқи бахт-саодати йўлида жон фидо қилишга шай туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Юқоридаги ҳар иккала халқ оғзаки ижоди намуналари заминидан ҳақиқий тарихий фактлар ётади. Хусусан, Тўмарис ва Широқ



халқ қахрамони бўлиб, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайди-ган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка халқлари ёзувининг жорий этилишини мисол тариқасида келтириш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик арафасида оромий, грек ёзувлари, форсий миҳхат мавжуд бўлган. Кейинроқ авесто, хоразм, суғд, кушон, рун (Ўрхун-Енисей), уйғур ёзуви келиб чиққан.

Марказий Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суғориш иншоотлари курганлар, каналлар очганлар, чиғир ва кориз усули билан сувсиз ерларга сув чиқарганлар. Албатта, булар кишилардан маълум даражада тажриба ва билимни талаб этган.

Бундан бир неча минг йиллар аввал аجدодларимиз Сирдарё ва Амударё бўйларида ўтроқ ҳаёт кечириб яшаганлиги тарихдан маълум. Ўша даврлардан буён маънавиятнинг дастлаб кўриниши бўлмиш – мақоллар халқ оғзаки ижоди сифатида шаклланиб, сайқалланиб, тадрижий такомил топиб келмоқда.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг азалий мавзуларидан энг асосийси ахлоқ-одоб муаммоларидир. Негаки, азалдан аجدодларимиз ахлоқ-одобга катта аҳамият бериб, уни инсонни инсон қилгувчи буюк куч, деб билганлар ва бу гоё ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини асло йўқотгани йўқ.

Ёзув, алифбе юзага келмаган даврда узоқ вақт мобайнида оғзаки адабиёт афсона, яъни мифология тарзида таркиб топган. Ўзбек халқи тарихида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Мақоллар ҳам жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда қўлланиб келинган ва келинмоқда. Мазкур сўз санъати тури бой ҳаётий тажриба, узоқ йиллик кузатувлар, хулосалар маҳсули бўлиб, тугал фикр, тўғри йўл-йўриқ сифатида гавдаланди.

Умуман олганда оғзаки адабиётда мақол, матал, ҳикматли сўзлар гоёт муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Бу жиҳатдан Шарқда ўзбек халқи энг салмоқли, нуфузли мавқега эга. Бунинг далили сифатида 1926 йилда босмадан чиққан "Ўзбек мақоллари"ни, 1936 йилдаги "Мақоллар ва ҳикматли сўзлар"ни, 1988 йил "Фан" нашриётида биринчи марта чоп этилган 2 томлик "Ўзбек халқ мақоллари"ни, 1989 йили Ғ.Ғулом нашриётида шундай ном остида босиб чиқарилган 1 томлик қалин мажмуани, 2003 йилда "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Ўзбек халқ мақоллари"ни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Халқ

мақолларини ўрганишда Т.Мирзаев, К.Имомов, Ғ.Жаҳонгиров, С.Қосимов, З.Хусаинова, А.Мусақулов, М.Жўраев каби ўнлаб олимлар фаол иштирок этган. Сўз гавхарини ўзида жамулжам этган барча китобларда ҳам ахлоқ-одобга доир мақоллар устувор ўринни эгаллаган.

Тарбиячи мақоллардан фойдаланишдан олдин мақолнинг нима эканлигини, унинг маъноси нимани англатишини чуқур тушуниб етиши шарт, шунинг учун ҳам биз мақол деб нимага айтилади, деган саволга жавоб беришга аҳд қилдик: **мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадий, образли мулоҳазаларидан иборат ҳикматли сўзларга айтилади.** Мақол ўзбек тилида "мақол", тожик тилида "зарбулмасал", русларда "пословица", арабларда "нақл", туркларда "ата сўзи" дейилади.

Маънавият – инсоннинг ўз хатти-ҳаракатига онгли муносабати, ишига, меҳнатига талабчанлик даражаси, гўзаллик, нафосат тушунчаси ҳамда бу муносабат, талабчанлик ва тушунчаларни ўз фаолиятига, оиласига, жамоасига, жамиятга сингдириб юбора олишдир. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, "Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан уйғонишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эъгиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир"<sup>13</sup>. Аслида маънавият инсон онгига она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити, хусусан, мақоллари билан сингади.

Демак, маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этади, шу боис унинг асл мазмунини талабаларга етказишда халқ мақолларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов кўпинча ўз ғоясини илгари суришда халқ оғзаки ижодидан намуналар келтирарди ва ўз фикрининг тўғрилигини мақоллар орқали исботлаб берарди. Масалан, унинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарида шундай жумлаларни учратиш мумкин: "Халқ – бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар хамиша бўлган, бундан кейин

<sup>13</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008 й. 19-бет.

хам бўлиши мумкин. Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч – маънавият бор!"<sup>14</sup>.

Биринчи Президент халқ мақолларидан шунчалик усталик билан фойдаланардики, натижада билдираётган фикрининг тўғрилигига ҳеч кимда бирор бир эътирозга ўрин қолдирмасди. Шундай экан, тарбиячи ҳар қандай мавзунини ёритишда И.А.Каримовдан ўрнак олган ҳолда аждодларимиз ўғитига алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган, деган хулоса чиқара оламиз ва бу билан фахрланамиз.

"Авесто" – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Зардушт эрампиздан аввалги 660 йилда Хоразмда дунёга келган. Отаси саводли бўлиб, кароматгўй бўлган экан. Зардушт 20 ёшидан бошлаб яқка худоликни тарғиб қила бошлаган. 28 ёшида шуҳрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмайди. Уни осийшга ҳукм этадилар. Зардушт ўзи билан 300га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон томонга йўл олади ва ўз гоёларини 77 йил умри давомида тарғиб этади.

"Авесто"да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатга яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи деб қаралади. Инсон саховатли бўлиши учун, аввало, меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади. "Авесто"да: "Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, иймонни озиклантириб туради", – дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг эканлиги тараннум этилади. Экин экиш, меҳнат қилиш – ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. "Ғалла ердан униб чиққанда, – дейилади "Авесто"да, – девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв бўлади"<sup>15</sup>, – дея меҳнат улуғланади.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Бухорий, Ғаззолий, Ҳамадоний, Ғиждувоний ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи,

<sup>14</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. . -Т.: "Маънавият", 2008 й.172-бет.

<sup>15</sup> <http://dereksiz.org/> . "Авесто" ва қадимий дехқончилик анъаналари ҳусусида айрим мулоҳазалар.

илм учун фидойилиги, эътикод-иймонининг поклиги билан бизларга ибратдир. Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики, диндорлик ҳам маърифатни, юксак маънавиятни талаб қилади. Киши қанча чуқур илм эгаси бўлса, олам ва одам моҳиятини тушунса, Аллоҳни англаса, иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Гап хоҳ диний, хоҳ дунёвий маърифатни тўғри ва чуқур англашда, ҳар икковини ҳам эгалламай нодон, жоҳил бўлиб қолмасликдадир.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига хирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун, аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ҳамда таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштирувчи ҳиссиётдир. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Аллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини яхши билади. Хожа Баҳоуддин айтади: "Ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир".

Шуни ифтихор билан қайд этишимиз лозимки, тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизмати беқиёс бўлган. Хожа Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳнамолари бўлдилар. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий-ахлоқий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунончи, Аҳмад Яссавий ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастиликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиритишда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш – нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш, деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шох – қул, нафсдан устунликка эришган ғариб – шохдир, деб айтади.

Нақшбандия маънавий-ахлоқий таълимотида хурфикрликка кенг ўрин берилган. Бу таълимотга амал қилувчилар меҳнат қилиш.

илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшилиқни раво кўришни ҳар қандай моддий бойликдан афзал билганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд айбсиз одам йўқ, шунинг учун агар айбсиз дўст ахтарсак дўстсиз қоламиз, - дер эди. Бу билан буюк аллома билиб-билмай айб иш қилиб қўйганларни кечириш, у билан дўст тутиниб, тўғри йўлга бошлаш ҳаёт тақозоси эканлигини кўрсатиб ўтади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари одамларга яхшилиқ қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, шам каби бўлгин ва одамларга ёруғлик бер, ўзинг эса қоронғуда бўл, деб барчага уқтириб келган.

1998 йилда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди. Куръони Карим, ҳадислар ва бошқа диний китоблар нашр қилинди, қилинмоқда. Ўтмишда бирорта ҳам диний уламанинг юбилейи ўтказилмасди, диний китобларни нашр этиш таъқиқланган эди, мавжудлари ҳам йўқ қилинарди. 1999 йилда Тошкент ислом университети ташкил этилди. Мустақиллик йиллари ислом дини ва исломий кадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар бажарилди. Ислом ва исломий кадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди.

Сўнги йилларда бизнинг диёримизда ҳам тараққиётимиз, осойишталигимизни кўролмайдиган "ваҳҳобийлик" ва "ҳизбуттаҳрир" каби оқимларнинг гуруҳ ва тўдалари пайдо бўлди. Бундай тўдалар ўзларича масжидларда ғавго кўтариб, ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, айрим ёшларнинг онгини заҳарламоқдалар. Мустақиллик берган эркинликни суистеъмол қилмоқдалар. Бу мутаассиб диндорлар ўзларини "ваҳҳобий" ёки "динни тозаловчилар", "фундаменталистлар" деб атасалар-да, аслида эса биринчи навбатда ислом динининг ғанимларидир. Ваҳҳобийлар бир ярим минг йиллик илм-фан, маданият тарихидан воз кечиш, Имом Бухорий, Имом Ғаззолий, Имом Абу Ханифа, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Навоий, Жомий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб мутафаккирлар, сўфийлар, олимлар меросидан юз ўгириш, уларнинг асарларини ёкиб юбориш, мақбараларини бузиб ташлаш каби вайронкор ғояларни илгари суради. Улар, умуман, инсон ақли, инсон қалби билан яратилган жамики маънавий бойликларни улоқтириб ташлашга даъват эт-

моқда. Ахир бу ваҳшийликдан, нодонликдан, жохилликдан бошқа нарса эмас-ку. Маънавиятли ва маърифатли киши, буни мутлақо кабул қилмайди.

Ваҳхобийлик – бизни орқага, жаҳолатга тортадиган, ислом динини, ислом аҳлини бузадиган хавфли оқим. "Динни тозалаш", "соф динга қайтиш" ниқоби остида ташвиқотлар олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар содир этишга уринаётган, отани болага, акани укага душманга айлантиришга ҳаракат қилаётган, жамиятимизни хавф остига қўяётган бундай кимсалардан миллий кадриятларимизни авайлаб-асрашимиз лозим.

Диёримизда дин ниқоби остида иш қўраётган экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституциявий тузумга қарши бориб, ҳокимиятни эгаллаш ва Ўзбекистонда ислом давлати қуриш, халқни кўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринмоқда. Уларнинг асл мақсади ҳукуматпарастлик, яъни давлатни қўлга олишдан иборат. Мустақил юртимизда уларга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пайи қирқилди.

Ёшларимиз доимо ва ҳар он огоҳ ва яна огоҳ, сергак бўлишлари – замон талаби. Бунинг учун ёшларимиз онгига мустақиллик ғоясини чуқур сингдиришимиз лозим. Токи улар миллий илдишлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жохил ақидапарастнинг "даъвати" ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Марказий Осиё тарихий воқеаларга ғоят бой ўлка бўлиши билан бирга азалдан илм-фан, маданият ва маънавиятнинг марказларидан бири ҳисобланади. Бу ўлка дунёга маънавият ва маърифатнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул улуғ зотлар, давлат арбобларини тарбиялаб берган. Умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда буюк аждодларимиз бевосита ишгирок этишган, унинг тараққиёти ва бойишига улкан ҳисса қўшишган. Марказий Осиё маданий мероси жаҳон маданияти ва маърифатининг узвий ажралмас таркибий қисмидир.

Шарқ фалсафий, ижтимоий, ахлоқий фикри ривожини Абу Наср Форобийсиз (873-950) тасаввур этиш қийин. Маълумки, Шарқда қадим Юнонистоннинг энг машҳур файласуфи Аристотель "Биринчи муаллим" деб юритилган. Наср Форобий эса "Шарқ

Аристотели", "Иккинчи муаллим" деган унвонга сазовор бўлган машхур мутафаккирдир. Форобий – кўп тилларни билган қомусий олим. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) қадимги юнон файласуфлари ва табиатшунослари - Аристотель, Платон, Евклид, Гален ва бошқа олимларнинг илмий меросларининг таржималари, шархлари, тарғиботи ва ўрганишга бағишланган асарлар;

б) Ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий-фалсафий соҳаларига оид рисоалари. Жумладан, Аристотелнинг "Метафизика", Аристотелнинг "Осмон системаси" асарларига изоҳлар, "Аристотелнинг "Этика" китобига шарҳ", "Субстанция ҳақида сўз", "Масалалар манбаи", "Қонунлар ҳақида китоб", "Бўшлиқ ҳақида китоб", "Муסיқа ҳақида сўз" каби китобларни кўрсатиш мумкин. Форобийнинг фикрича, инсоннинг ва жамоатнинг галабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлокий ва аклий мукамалликка кўтарилиши инсон ва жамоатнинг ўз қўлидадир.

У давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Фазилатли шаҳарларда илм, фалсафа, ахлоқ-маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Фозил шаҳар бошлиғи билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан каровчи, адолатни яхши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак деб айтади. Форобий инсон камолоти учун хизмат қилувчи хатти-ҳаракатни, хайр-эҳсонли ишларни, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалик, бекорчилик каби ёмон одатлар, билимсизлик, онгсизлик, касб-ҳунарга эга бўлмаслик каби нуқсонларни ёмонлик деб атайди ва кишиларни бундай иллатлардан фориғ бўлишга чақиради.

Форобий ҳаётнинг олий мақсади бахт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-ҳунар ва илмларни ўзлаштириш – маърифатли бўлиш оркали эришади деб қарайди.

Инсоннинг олий фазилати бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Ўрта аср қомусий алломаларидан яна бири Абу Райҳон Беруний доимо халқларнинг дўст, иноқ, иттифок бўлиб яшаши учун курашиб келди. У инсониятга, у яратган маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қоралаган. Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берган алломадир.

Инсоннинг абадийлигини белгиловчи омиллардан бири илм-дир, дейди мутафаккир. Инсон умрининг боқийлиги, абадийлиги ҳақидаги бундай қарашлар таҳсинга сазовор. Зеро, тарихда абадий номи қолган маънавий тирик сиймолар фақат илм-маърифат ва ўзларининг яхши ишлари билан номларини абадиётга муҳраб кетганлар. Улар ёққан илм-маърифат шамлари неча асрлар буён инсоният йўлини ёритиб келмоқда ва яна неча асрлар ёритгусидир. Бундай сиймолар қаторига дунёвий ва диний илмлар соҳиблари киради.

Амир Темур – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, истеъдодли меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машхури жаҳон қилган инсон. Амир Темур фаолиятининг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди.

Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Шаҳрисабзнинг Хўжа Илғор кишлоғида таваллуд топди. Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат оғир ижтимоий-сиёсий бўҳрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Буюк саркарданинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта. Биринчидан, у мамлакатда юқорида айтганимиздек, кучайиб кетган феодал таркоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, марказлашган йирик феодал давлатини яратди. Бу билан ҳунар-мандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун "Темур ва Темурийлар маданияти", "Темурийлар давлати", "Темурийлар маданияти", "Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби", "Навоий" ва "Бобур" каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида учратар эканмиз, бунинг заминида, албатта, Амир Темурнинг улкан хизматлари ётади. Амир Темур замонида ёзилган асарларни таҳлил қилсак, ўргансак, унинг ибратли хислатлари: гўғрилик, мурувватлилик, эл-юртга меҳр-муҳаббат ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин. Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздийларнинг "Зафарнома"лари, Ибн Арабшоҳнинг "Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари" ва бошқа асарларда келтирилган соҳибкироннинг ибратли ишлари, панд-насихатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва фуқароларнинг ташвиши, меҳр-мурувват,



яхши қўшничиликка риоя қилиш ва, ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ўғитлардир.

Абдурахмон Жомий теурийлар даври дунёкараши, мафқураси бўлмиш нақшбандийчиликка ихлос қўйган, уни қабул қилган. Ўзи шу йўлдан борган ва унинг ғояларини тарғиб этган буюк сиймодир. Нақшбандийчилик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, фирром йўллар билан мол-мулк тўплашни қоралаган. Бу таълимот инсон-парварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, камтарлик, самимийлик каби чин инсоний фазилатларни улуғлаган. Унинг "Дил ба ёру, даст ба кор" – "Кўнгил Аллоҳдаю, қўл меҳнатда" шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу икки улуғ сиймо, сўз санъаткорлари нақшбандийчилик йўлини қабул қилган ва ўз ижодларида унинг ғояларини тараннум этган.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Марказий Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутди: У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. "Чор девон", "Ҳамса", "Маҳбубул-қулуб". "Муҳокама-тул-луғатайн", "Мажолисун-нафоис", "Лисонут-тайр" ва бошқалар шулар жумласидандир.

Теурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданияти жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Теурунинг хизматлари бекиёс ва беназирдир.

Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда, маърифатни билмоқ кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг маъноси юқорида айтганимиздек, маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани – билимли, муайян соҳада маълумоти бор инсон демакдир. Фанлар чуқур ва кенг ривожланиб бораётган ҳозирги даврда билим ва илмга интилган ҳар бир киши, талаба, фан намояндаси илмнинг, яъни маърифатнинг маълум соҳасинигина эгаллашга эриша олади.

Жамиятда маърифат, яъни билим маърифатпарварлар оркали ёйилади. Маърифатпарвар – маърифат учун курашувчи, илм, билим чироғини ёқувчи, маърифат ҳомийси ва тарафдори демакдир.

Туркистон маърифатчилилик мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурӣй, Ашурали Зоҳирӣй, Саидрасул Саидазӣй, Исҳоқхон Ибра́т ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифатда, деб билдилар. Бу фидойи зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу Маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироғи билангина парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам, энг аввало, юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатдилар.

Жадидчиларнинг қисмати чор ҳукумати, вақтли ҳокимият ва, айниқса, собиқ шўролар тузуми даврида ниҳоятда фожиали бўлди. Уларнинг кўпчилигига юқорида баён қилинган талаблари учун миллатчи, "пантуркист" деган тамға босилиб, қатагон қилинди, жадидлар ғоялари ва ҳаракатига қора чизик тортилди. Унинг заминлари шаклланиши тарзини ўрганишга интилганлар ҳам таъйиқ остига олинди. Жадидчилар фаолиятини ўрганишга интилганлар ҳам таъкиб қилинди. Мустақиллик шарофати билан Туркистон халқларининг эрки, мустақиллиги, миллий давлатчилик ғоялари, маърифати учун курашган ватанпарварларнинг муборак номлари тикланди, асарлари чоп этилди. Жадидларнинг ғоялари ўлмас ғоялар бўлгани учун ҳам мустақиллик билан бирга ҳаётимизга қайта кириб келди.

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўллари билан бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига синдириб

юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш, миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий кадриятлари ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади.

Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил илгари ўз императорига шундай маслаҳат берган: "Хоконим, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бўҳронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди". Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар хитой донишмандининг ғоясини амалга оширишни олдиндан режалаштириб қўйишади.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлса, одамлар ўз-ўзидан этикодсиз бўлиб қолади. Бундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик бошланади. Охир-оқибатда миллий гурур, ифтихор, миллий кадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай ўлкани, мамлакатни. унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантириш мумкин.

Чингизхон ҳам Марказий Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтанглар, маҳаллий халқларнинг, ақлли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинглар, деб топширик берар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўз маданиятидан, обрў-эътиборли, доно вакилларида жудо бўлган халқ маънавий раҳнамосиз қолади ва бир мақсад сари бирлаша олмайди.

Маънавият ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истиқболини тушуниб етишига ёрдам беради, Ватанни севиш ва у билан фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва

мустамлакачиларга қарши мурасасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди.

Маънавият ва маърифатдан маҳрум қилинган халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб олмайди, тақдирга тан бериб яшашга кўникиб кетади. Чор амалдорлари буни яхши англаган ҳолда мустамлака асоратига солинган Туркистон халқларини маънавият, маърифат ва маданиятдан бебаҳра қолдириш масаласига алоҳида аҳамият берди, бу йўлда ҳеч тап тортмай инсофу диёнатни, раҳм-шафқатни бутунлай унутди.

Ўтмиш халқ оғзаки ижоди маънавиятимизнинг илк сарчашмаси саналади. Тоталитар тузум даврида халқимизнинг қадимий кадриятлари, халқ оғзаки ижодининг юксак намунаси сифатида асрлардан-асрларга маънавий мерос бўлиб ўтиб келаётган афсона, ривоят, эртак, мақолларга, "Алпомиш", "Гўрўгли", "Рустам", "Авазхон", "Ҳасанхон", "Равшанхон" каби дostonларга бир ёқлама муносабатда бўлинди, уларга синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан туриб баҳо берилди, камситилди. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ҳар бир асарига икки синф, икки маданият назарияси асосида баҳо берилди, коммунистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Улардаги миллий ва умуминсоний кадрият ва ғоялар назар-писанд қилинмади. Чунончи, "Алпомиш" дostonида хонлар, беклар макталади, босқинчилик ва зўравонлик тарғиб қилинади, ислом динига мансуб бўлмаган бошқа халқларга ёмон муносабат тасвирланади, деган айблар қўйилди. Дostonнинг бош қахрамони Алпомиш меҳнаткаш халқнинг олижаноб фазилатларини ва орзу-умидларини ўзида ифода этмайди, аксинча, у ҳоким, конхўр бек, типик зўравон ва зolim сифатида ҳаракат қиладди, деб даъво қилинди.

Миллатни дунёга миллат қилиб танитадиган муҳим белгиларнинг энг асосийси тилдир. Ер юзида жуда кўплаб миллат, элатлар мавжуд. Улар бир-бирлари билан ўз тилларида сўзлашганликлари боис миллат, элат, деган номга эгадирлар. Тилсиз халқ бўлмайди, халқсиз эса тилнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Биринчи Президент И.А.Каримов бу ҳақда фикр юритар экан: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, энг аввало, она алласи, она гилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу

миллатнинг руҳидир"<sup>16</sup>, дейди. Шу боис биз миллат ва тилни ўзаро эгизак тушунча сифатида талкин этамиз.

Буюк немис тилшунос олими В.Гумбольдт "Тил – халқ руҳи" дир дейди. Дарҳақиқат, тил кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб қолмасдан, инсоннинг қайси миллатга мансублигини ва қайси миллий маданий-маърифий қадриятларни эъозлашини белгилаб берувчи қудрат хилқатдир.

Дунё тиллари ичида энг гўзал ва жозибадор тиллардан бири – бу ўзбек тилидир. Аммо "Мевали дарахтга тош отишади", деганларидек жонажон тилимизга қарши чиққанлар ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлиши муқаррар. Тарихга назар ташлар эканмиз, XV асрга қадар туркий тилга паст назар билан қараб, "Бу тил авом тили, ундан фойдаланган ҳолда ижод қилиб бўлмайди", деган даъволар илгари сурилганлигига гувоҳ бўламиз. Аммо ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари туркий тилда "Ҳамса", яъни беш дostonни ва бошқа йирик, бадий жихатдан ўта мукамал асарларни яратиб, бу тилни адоват ботқоғидан адолат осмонида олиб чиқди.

Алишер Навоий Шарқ адабиётининг ҳам миқдор, ҳам сифат жихатидан энг етук қаламкашидир. Аллома-адибнинг ўзи "Лисон-ут-тайр" достонида ёзади:

Чунки топтим ул калом ичра камол,

Турк алфози била сурдум мақол...

Турк назмида чу мен тортиб қалам,

Айладим ул мамлакатни якқалам...<sup>17</sup>

XIX асрнинг ўрталарида бошланган чоризм ва XX асрнинг 20-йилларида рўй берган худосиз коммунистлар истилоси яна тилимизни аросат кўчасига олиб кириб қўйди. Улар ўзбек миллатини йўқ қилиш, унинг руҳини синдириш мақсадида Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон юртда рус тилини давлат тили, деб эълон қилишди. Рус тилида гаплашиш маданиятли кишиларга хос, деган ғояни илгари суриб, ўзбекларни она тилида сўзлашиш бахтидан жудо қилишга уринишди.

– Москов миллатни қиришни унинг тилидан бошлади, – деб ёзади таниқли олим Абдурахмон Авторхонов ўзининг "Кремл салтанати" номли китобида. Бу бежиз эмасди, албатта, чунки тилда

<sup>16</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008 йил. 83-бет.

<sup>17</sup> Бафоев Б.Топтим ул калом ичра камол. <http://www.e-adabiyot.uz>.

халқнинг руҳи акс этади, тил ўлса шу тилга мансуб миллат ҳам ўлади, аксинча, тил тирик ва соғлом экан, шу тилда сўзлашувчи халқ ҳам тирик ва соғлом бўлади. Соғлом халқ ўзлигини теран англайди, ўзлигини англаган халқ эса ҳеч қачон бошқа халққа қарам бўлмайди. Бу ғояни яхши англаган мустамлакачилар ўзбек халқини йўқ қилиш учун унинг тилини ўлик тилга айлантиришдек, ахлоқона ва амалга оширишнинг имкони бўлмаган ишга қўл уришди ва ўзларининг аслида ким эканликларини намоён этдилар. Шу тариқа рус тили давлат тили бўлиши билан биргаликда фан, иш юритиш тилига ҳам айланди. Деярли барча кўчалар, майдонлар, илм даргоҳларига русча номлар берилди. Қайси идорага борманг рус тилида гаплашишга, русча ҳужжат тўлдиришга мажбур қилишди. Ҳаттоки, ўзбекча исм-шарифларни ҳам бузиб, унга русча атамаларни кириб ёзиш одат тусига кирди. Натижада Ғулом Ғуламга, Омон Аманга, Жўра Джурага, Ўктам Уктамга, Қаршибой Каршибайга, Нажмиддин Наджмиддинга айланиб қолди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига келиб миллий уйғониш даври тарих саҳнасига чиқди. Бу деярли барча соҳаларда, шу жумладан, тил билан боғлиқ масалалардаги муаммоларга бўлган муносабатда яққол кўзга ташланди. Халқимизнинг асл намояндalари ўзбек тилига давлат мақомини беришни талаб қила бошлади, бу борадаги оммавий норозиликлар сони тобора кўпайиб борди. Сиёсий жиҳатдан кучсизланиб қолган совет мафқураси ниҳоят чекинишга мажбур бўлди. 1989 йилнинг 21 октябрь куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги Қонуни эълон қилинди ва бир ярим асрлик қарамликдан сўнг ўзбек тили яна давлат тили мақомини олди. Ҳали собиқ иттифок ўз кудратини йўқотмаган, коммунистик пуч ғоя ҳукмрон бўлган мамлакатда бундай ишга қўл уришга ҳар кимнинг ҳам ҳадди сиғмасди. Аммо ўзбек халқи ўз ҳақ-ҳуқуқларини, жумладан, жамиятда ўз она тили устувор бўлишини талаб қилишдек буюк жасоратни кўрсатишга ўзида куч топди. Натижада Биринчи Президент И.А.Каримов айтганидек: "Халқимизнинг муқаддас кадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақомига ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа бўлди"<sup>18</sup>.

<sup>18</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008 йил. 84-85-беглар.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустақамланиб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди. 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги "Давлат тили ҳақида"ги Қонун ўзбек тилининг жаҳон миқёсидаги расмий Давлат тили сифатида эътироф этилиши ва нуфузининг юксалишини таъминлади.

Тилнинг ривожланиши, даврлар ўтиши билан ўзгаришини инobatга олган ҳолда тилни доимий ҳаракатда дейишга ҳақлимиз. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, немис тилшунос олими В.Гумбольдт тилни энергия (фаолият) эканлигини таъкидлайди. Ҳар қандай тил шу тил эгаларининг нутқи орқали фаолият кўрсатади.

Ҳар қандай озодлик, эркинлик, маънавият тил озодлигидан бошланади. Шу боис она тилимизга давлат тили мақоми берилган кунни истиклол ва мустақилликка эришиш йўлида қўйилган энг дадил ва энг шарафли қадам, деб билишимиз, бу кунни энг улуғ ҳамда энг азиз байрам сифатида нишонлашимиз керак.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий "Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз", деб бежизга айтмаган. Чунки қайси халқ она тилига нисбатан юксак меҳр-муҳаббат кўрсатмай, уни бошқа тиллар билан айрибошлар экан, бу халқнинг келажаги бўлмайди, у ўз-ўзидан инкирозга учраб, дунё халқлари қаторидан тушиб қолади. Шу боис она тилимизга доимо эътиборли бўлиш, унинг бузилишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг миллатимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Дунёда ўлик тиллар, шу билан бирга ўз тилни йўқотиш эвазига йўқ бўлиб кетган миллатлар мавжуд. Қадимги копт, аққад, лотин, санскрит, авес тиллари ва қачонлардир шу тилларда сўзлашган миллатлар шулар жумласига киради. Энди ўзингиз тасаввур қилинг, бизнинг кимлигимиз, қайси миллатга мансублигимиз нимада кўпроқ намоён бўлади? Албатта, тилимизда, чунки қаерга бормайлик бизни сўзлашишимизга қараб қайси миллатга мансуб эканлигимизни билиб олишади. Агар биз бирор бошқа тилда гаплашсак ўзбеклигимизни ҳеч ким билмайди. Мана шу оддийгина мисол ҳам тил миллатнинг энг муҳим белгиси эканлигидан далолат беради.

Шуни унутмаслик керакки, маънавияти юқори бўлган, ўз тилини ардоқлаган халқ енгилмасдир, қолаверса, унинг келажаги ҳам буюк бўлиши муқаррардир.

Маънавият эса, даставвал, тилимиздан бошланади. Демак, тил – миллат кўзгуси, маънавияти ҳамдир. У миллатнинг узоқ ўтмишидан тортиб, то бугунги кунигача бўлган улкан даврни ўзида мужассам этувчи, унинг ички ва ташқи маънавий қиёфасини яққол намоён этувчи улкан илоҳий неъматдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда ёшлар мактаблар ва олий ўқув юртларида рус, инглиз, немис, француз, испан тиллари билан бир қаторда Шарқ халқлари тилларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Араб, форс, ҳинд, хитой тилларини ўргатиш натижасида ёшларнинг аксарият қисми араб ва форс тилларида ёзилган қадимий қўлёзмаларимизни бемалол ўқиб-ўрганадиган етук мутахассисларга эга бўламиз. Бу ҳам маънавиятимизнинг тобора юксалаётганидан дарак беради.

### **1.3. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш омили**

Мустақиллик Ўзбекистонда туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Халқнинг, айниқса, ёшларнинг ўз куч-қудратига ишончини уйғотди. Улар ташаббусига, ижодига, истеъдодига йўл очди. Истиклол шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилиб келинаётган ислохотлар одамларда яшириниб ётган ижодий фикр ва туйғуларни рўёбга чиқариш имкониятларини вужудга келтирди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимизда бўлаётган ислохотларни талабалар онгига чуқурроқ сингдириш, шунингдек, уларнинг мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва ёшлар интеллектуал салоҳиятларини Ватан, миллат равнақи томон йўналтириш, уларни Ўзбекистоннинг етук, камол топган фуқароси этиб шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим ва зарур вазифаларидан биридир.

Маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб вазифага айланмаган. Маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани, мафкуравий таҳдид ва ахборот хуружи кучайиб бораётгани, одамлар онги ва



қалбини эгаллаш йўлидаги кураш авжига чиқётганлиги, ҳаётнинг барча жабҳалари, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари, аҳолининг ҳар бир қатлами, айниқса, ёшлар орасида маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғиботни янги босқичга кўтариш эҳтиёжини юзага келтиради. Шу боис маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари қандай дастур ва йўналиш, қай савияда, қимлар тарафидан олиб борилаётгани ғоят муҳим масалага айланди.

Олий таълим муассасаларида талабаларни ўз юртининг фидойиси, миллий истиқлол ғоясининг онгли тарафдори, танлаган соҳасининг юқори малакали устаси бўлиб етишишида тарбия соҳасида таркиб топган самарали шакл ва усуллардан кенг фойдаланиш, уларни ривожлантириш, янги тарбиявий технологияларни жорий этиш замон талабидир. Талабаларни етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, она Ватанга муҳаббат, тарихий ва миллий урф-одатларимизга, анъаналаримизга ва умуминсоний қадриятларга юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтириш, инсонийлик меҳр-мурувватини янада мўстаҳкамлаш, ёшларнинг жамоат ишларидаги фаолликларини ошириш ва уларнинг бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказишни ташкил этиш, миллий-маънавий қадриятларни талабалар онгига сингдириш ҳар бир тарбиячининг Ватан равнақи йўлидаги муқаддас бурчи бўлиб, маънавий қадриятлар устувор аҳамият касб этган жамият тараққиётнинг равои йўлига тушиши ҳисобланади.

Ёшларни тарбиялаш, ўқитиш, уларга таълим бериш, ўз фикрларини эркин баён этиш хусусиятларини шакллантириш, миллий мафкуранинг тарғибот ва ташвиқоти маънавий-маърифий ишлар борасидаги муҳим масалалардандир. Юртимиз буюк келажагини таъминлашда ёшларимизни маънавий-маърифий жиҳатдан ҳар томонлама тарбиялаш, миллий истиқлол ғояси, мафкурасини шакллантириш ва қалбларига сингдириш давримизнинг энг долзарб масалаларидан саналади. Маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёли-мутахассис ва тарбиячининг виждоний бурчи ва ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи, эркин фикрга эга бўлган, мустақил ўз ишини ўзи бошқара оладиган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ватанпарвар, ғайратшижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларни тарбиялашни ўзининг асосий вазифаларидан бири ҳисоблаши керак. Ҳеч қандай давлат, жамият ва миллат тафаккурсиз, тарбиясиз яшолмайди. Чунки ҳар

бир давлат, миллат ва жамиятнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг барча хусусиятларини ҳисобга оладиган, унинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафқураси бўлиши зарур.

Кенг жамоатчиликнинг, илғор фикрли зиёлиларнинг тажрибаси, билими, салоҳиятига таянган ҳолда жамиятнинг ҳар бир аъзоси юрт тинчлиги, эл саодати йўлида хизмат қиладиган интилиш, изланиш ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали кучли давлатдан кучли жамият яратиш тамойилини мунтазам тарғиб ва ташвиқ этишни уюштириш, рўёбга чиқариш маънавиятнинг бош вазифасидир. "Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим"<sup>19</sup>, - деб бежизга айтмади Президент. Бундан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган кўп минг сонли талабалар ҳам мустасно эмас.

Янгиланаётган фикр, ўзгараётган замон, покланаётган жамият маънавий-маърифий тарбиянинг етакчи бўлишини истади. Таълим-тарбиянинг қамровини кенгайтириш билан эмас, балки чуқурлаштириш йўли билан қутилган натижаларга эришиш мумкин. Таълим-тарбия жараёни талабалар учун ҳаётга тайёргарлик босқичи эмас, балки ҳаётнинг ўзи бўлиши шарт. Талаба-ёшлар маънавий-маърифий тарбия талабига кўра ҳаётга ўргатилиши керак эмас, балки ҳақиқий ҳаётда чинакамига яшамоғи лозим. Олий таълим муассасасида ёшларнинг руҳиятига хос сифатларни атрофлича ўрганиш, тизимлаштириш, муайян ҳулосалар чиқариш тақозо қилади. Маърифий ишларда халқ тарбияшунослиги тажрибаларини гоят синчковлик билан ўрганиб, умумлаштириш лозим бўлади.

Тарбиячи тарбияланувчининг табиий майлларига, имкониятларига гаянгандагина мақсадга эришади. Инсон табиатидаги камолотга, такомиллашувга, ривожланишга бўлган майллар оқар сувга ўхшаш хусусиятга эгадир. Сувга оқишни ўргатиш шарт эмас, уни бошқариш, олдининг тўсилиб қолишига йўл қўймаслик керак. Худди шунингдек, инсон феъл-атворига эзгу инсоний фазилатлар ҳам ташқаридан келтирилиб киритилмайди, камолотга мойиллик,

<sup>19</sup> Президент иштурикида навбатдаги йиғилиш ўтказилди [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 2017 йил, 25 декабрь.

аввало, инсон табиатининг ўзида мавжуд бўлиши керак.

Асрлар давомида халқнинг маънавий эҳтиёжи, талаби асосида яратилган қадриятларда илгари сурилган илғор ғояларни ўз онгида яхлит шакллантирган, уларнинг моҳиятини амалий фаолиятида намоён қила оладиган, оиланинг, халқнинг, жамиятнинг маънавий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган шахс маънавий маданиятли ҳисобланади. Миллий ва умуминсоний маънавият ва қадриятлардан тўла баҳраманд бўлмаган, она тилини билмаган, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига онгли равишда ҳисса қўшмаган инсон маънавий қашшоқ инсон ҳисобланади. Маънавий қашшоқлик эса халқни, миллатни, умуман жамиятни таназзулга олиб боради. Маънавий маданият манбаларини ўрганиш, уларда илгари сурилган ғояларга амал қилиш, уларни келгуси авлодлар онгига сингдириш жамият ҳар бир аъзосининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир. Маънавий қадриятларнинг талаба-ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришдаги устуворлиги шундаки, маънавий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тафаккури, орзу-истаги, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайкал топган маънавай бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Талаба-ўқувчиларнинг маънавий маданиятини юксалтириш, мустақил фикрлаш жараёнини шакллантириш методологияси маънавий онг ва тафаккурни, миллий мустақилликни амалга ошириш ва ривожлантириш жараёнини таъминловчи асосий омил ҳаёт жараёнида адолат, инсонпарварлик, ўз-ўзини англашни ва жаҳон ижтимоий, маданий таракқиётини, умуминсоний, миллий, маданий, маънавий қадриятларни уйғун ҳолда ўзлаштириш маҳоратини шакллантиришга хизмат қилмоғи даркор.

Янгича ёндашув асосида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришда асосий йўналиш берувчи методология асосида иш олиб борилса, берилаётган таълим-тарбия ўз самарасини беради. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- ҳар бир талаба-ўқувчи хатти-ҳаракати, хулқ-атворида умуминсоний, миллий-маънавий қадриятларни таркиб топтириш, талаба-ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатган ҳолда уларга миллий, умумбашар йўлланма бериш, уларни маданий қадриятлар орқали жаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларга интилишини таъминлашда тўғри йўлланма бериш;

- ёшларнинг ўзлигини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланишига эришиш;

- мамлакат аҳолисини истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг стратегиясини белгилаш, ҳаракат услублари устида ишлаш ва амалга ошириш;

- барча таълим-тарбия масканлари, аҳоли турар жойлари ва ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий муҳитнинг аҳволини, омманинг кайфиятини, интилиши ва муддаоларини ҳисобга олган ҳолда ижодий анъана ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсирини таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини ҳаётга тадбиқ этиш;

- маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини, мунтазамлигини, ҳаққонийликка асосланишини таъминлаш, суҳбат, баҳс-мунозаралар, семинарлар ва конференциялар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида фаол иштирок этиш йўли билан мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларнинг, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш ва кундалик фаолият дастурига айлантиришга раҳбарлик қилиш;

- ўзбек халқининг улуғ мутафаккирлари қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавият муҳитида камол топишига шароит яратиш;

- миллий мафқуранинг асосий мақсадларини халққа, ёшларга содда, ҳаққоний ва тушунарли тарзда етказиш учун эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан ёшлар қалби ва онгига йўл топа оладиган фидойи инсонларни сафарбар этиш;

- ўзбек халқининг бой тарихи, илмий-фалсафий, маданий ва ахлоқий меросига миллий ўзлигини таниш орқали юксалтириш йўлини босиб ўтган пешқадам давлатларнинг тажрибасига таянган

ҳолда миллий истиқлол ғоясини омманинг онги ва қалбига теран сингдириш ҳамда мустақиллик мафқурасини умуммиллат мафқурасига, гоёвий, рухий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш;

- ёш авлоднинг дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, фаол фуқаролик ва фидойи ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;

- мамлакат озодлигини ҳимоя этиш, боққинчиларга қарши курашдаги буюк аждодларимиз ибрати, ўтмиш сабоқлари, мустақиллик даврида эришилган натижалар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш ва тарбиялаш;

- ҳар бир хонадонда катталарга ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат-эътибор устувор бўлган соғлом маънавий муҳит яратилишига, ўзаро меҳр-оқибат жамиятнинг оммавий ва эзгу фазилатига айланишига кўмаклашиш;

- соғлом она – соғлом бола, соғлом бола – соғлом келажак тушунчасини ҳар бир оила, ота-онанинг, йигит ва қизларнинг қалбига сингдириш орқали яхши оилавий фаровонликка эришиш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган асосий мақсадларни, миллий дастурнинг ҳар бир фуқаро, оила тақдири, келажаги билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш, эришилган ютуқларни оммага етказиш;

- жаҳон фани, маданияти, жамиятда илғор андазаларга интилишларини рағбатлантириш орқали миллий фан ва маданиятнинг замонавий тараққиёт чўққисига кўтарилишига ёрдам бериш;

- хорижий мамлакатларнинг ҳаётида рўй бераётган ходисаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларнинг лоқайд томошабиндан фаол мушоҳада ва теран идрок этувчи замон ҳамда макон фарзандига айлантиришга имкон яратиш;

- Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатида эришилаётган ютуқларни, бу ютуқларнинг бугун ва келажак учун аҳамиятини англатиш орқали миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш, фаол фуқаролик муносабатини ривожлантириш;

- ҳуқуқий онгни юксалтириш йўли билан талаба-ёшларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айна пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини чуқур англаган ҳолда яшаши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва ишлашига кўмаклашиш;

- жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастликнинг барча кўринишларига, юртнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг иймон-эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоялар, назариялар ва тушунчаларга нисбатан аёвсиз курашчанлик руҳи ва вазиятини яратиш;

- жамиятда яшаётган барча миллатларнинг ўзига хос жиҳатлари ва муштарак мақсадларини ҳисобга олган ҳолда миллатлараро ўзаро ҳурмат, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;

- фикрлар хилма-хиллиги заминида пайдо бўладиган илғор ижтимоий фикрлар, ташаббусларни оммалаштириш;

- халқнинг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир кучини жамият ахлоқий-маънавий ҳаётининг мезонига айлан-тириш;

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уларнинг халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш ҳисобига жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- экологик тарбияни ижтимоий-сиёсий маънавий тарбиянинг узвий ва уйғун қисми даражасига кўтариш.

Шахснинг маънавий маданиятини шакллантиришга қўйиладиган ҳозирги замон талабларини амалга ошириш муаммолари ижтимоий тузум тараққиёти билан боғлиқдир. Жамият тараққий этган сари маънавий маданиятнинг шакли, қамрови, таъсир кучи ўзгариб боради. Бундай ўсишни жамият ривожланишининг

тезлашиши, ижтимоий муносабатларнинг ҳолати талаб қилади. Жамият тараққиётининг объектив талабига биноан тарихий жараёнда шахснинг маънавий ўсиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишига нисбатан тезроқ амалга ошади, чунки муайян даврнинг маънавий маданиятида ҳар бир ижтимоий ходисада бўлгани сингари, унинг қолоқ томонлари ва айни вақтда, шу даврнинг умумий тафаккур даражасидан ўзиб кетадиган илғор фикрлар, қарашлар ва назариялар ҳам бўлади. Файласуф олимларнинг фикрларича, шахс маънавий маданиятини шакллантиришга таъсир этувчи манбалар – фан, адабиёт, санъат, педагогика ва дин бўлиб. улар ўзаро алоқадорликда унинг онги ва фаолиятига таъсир этади.

Олий таълим муассасасида маънавий-маърифий ишлар соғлом ва изчил методология асосида ташкил этилмаса, жамият аъзоларининг маънавиятида юксалиш рўй бермайди. Маънавият юксалмаган жамият эса таназзул гирдобидан чиқа олмайди. Ҳар қандай жамиятнинг кучи фуқароларининг маънавий фазилатлари даражаси билан белгиланади. Жамиятни кудратли қилган ўлчамлар иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳатто одамларнинг фаровонлик даражалари ҳам бўлмай, муайян жамиятда яшаётган кишиларнинг инсоний фазилатлари, шакллантирган ва амал қилаётган кадриятлардир. Маънавий фазилатлар жамиятнинг киффасини белгилайди. Унинг иқтисодини тараққий эттириш, сиёсатини такомиллаштириш, ижтимоий тузумини юксалтириш даражаси тўғридан-тўғри фуқароларнинг маънавият даражаларига боғлиқдир.

Муайян жамият ундаги устувор маънавий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа кадриятлар ҳамда талабларга жамият аъзолари оғишмай амал қилган тақдирдагина собит тараққий эта олади. Жамиятнинг тарихий, иқтисодий, жўғрофий, мафкуравий ўзига хосликлари туфайли майдонга келган кадрият ва меъёрларга фуқароларнинг очиқ ёхуд яширин амал қилмай қўйиши, улардан бўйин товлаши мазкур жамиятнинг таназзулидан далолатдир. Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги абадий категориялардан бири бўлмиш маънавий-маърифий тарбия ҳамиша жамиятдаги етакчи ахлоқий кадриятлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йўналтирилиб келинади. Жамиятнинг устувор кадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади. Кадриятлар

тизимидаги ўзгаришлар ижтимоий тузумни ўзгартиришга олиб келганидек, унинг тарбия тизимини ҳам ўзгаришга мажбур қилади.

Ёшларда шакллантириладиган маънавий кадриятлар тор миллий қобикқа ўралиб қолмаслиги кераклиги, балки умуминсонлик табиатига эга бўлиши лозимлигини кўзда тутати. Чунки инсон жаҳон айвонида ўзгалар билан биргаликда яшашга, ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, шерикчиликда камолот сари боришга ўзида на ишонч, на куч топа билади. Шунинг учун ҳам мустақил юртнинг маънавияти яққаланиш йўлидан бормайди, ўз қобиғига ўралиб олиб, ўзгаларга орқа ўгирмайди, балки тарбияланувчиларга жаҳондаги барча холис ниятли, олижаноб одамларга хос бўлган хулқий сифатларни шакллантириш тадбирларини белгилайди. Мустақил юртимизнинг маънавияти дунёвий асосларга таянган ҳолда инсоният тарбиявий тажрибасининг энг умрбоқий ва умуминсоний кадриятларини танлаш ва ўзлаштириш йўлларини ишлаб чиқишга сафарбар этилиши керак.

Умуминсоний кадриятларни шакллантириш алоҳида олинган миллат ва уни ташкил қилган ҳар бир алоҳида одамни дунёдаги бошқа миллат ҳамда одамларга яқинлаштиради. Атрофдагиларнинг ҳам ўзлари сингари одамлар эканлигига, уларнинг ҳам ўзларидек туйғулар, орзулар, армонлар мавжудлигига, баркамол инсон ўзгаларнинг яшашига ҳалал бермаслиги лозимлигига тарбияланувчиларни тайёрлаш, шу йўл билан бутун бир мамлакат ақлининг маънавиятини соғлом тамойиллар асосида шакллантириш тадбирларини белгилаш маънавий-маърифий ишларнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Ўзгани тушунмаслик, ўзи яхши билмайдиган ва танимайдиган кишиларга ишончсизлик маърифатсиз ҳамда маънавияти қашшоқ жамоанинг хусусиятидир. Атрофдагилардан фақат ёмонлик кутиш, ҳаммага душман деб қараш, ўзини алоҳида фазилатлар соҳиби ҳисоблаб, ўзгалардан нафратланиш ўша миллатнинг маънавиятини ҳам издан чиқаради. Юксак маънавият ҳамиша умуминсонийдир. Умуминсоний бўлмаган ахлоқий сифатлар эзгу хулқ саналмайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни босқичма-босқич амалга оширишда, юртимизнинг буюк келажagini таъминлашда талаба-ёшларимиз ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, миллий истиқлол гоъси, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўқув жараёнини ислоҳ қилиш, илмий-тадқиқот



ишларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон андазалари даражасига кўтариш, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш соҳалари учун рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифаларини қўйди. Бу долзарб вазифаларни амалга оширишда ҳозирги кунда таълим тизими жараёнида ёшларни тегишли мутахассисликлар бўйича етук кадр этиб тайёрлаш билан бир қаторда, уларнинг умумий дунёқарашларини миллий истиқлол ғоялари билан шакллантириш, онгу шуурида Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойи бўла олиш, илм-фан асосларини, замонавий техника, компьютер ва ахборот технологияларининг сирларини мукамал эгаллаш, маънавий баркамол инсон сифатида камол топишдек улуғ туйғулар бардавомлигини юзага келтириш лозим, чунки маънавияти юксалмаган жамият ганазул гирдобидан чиқа олмайди.

Ҳар қандай олий ўқув юртидаги муҳит талабалар маънавий фазилатлари даражаси билан белгиланади. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилиши мақсадга мувофиқдир. Талаба-ўқувчиларнинг маънавий маданиятини юксалтириш, мустақил фикрлаш жараёнини шакллантириш методологияси маънавий онг ва тафаккурни, миллий мустақилликни амалга ошириш ва ривожлантириш жараёнини таъминловчи асосий омил ҳаёт жараёнида адолат, инсонпарварлик, ўз-ўзини англашни ва жаҳон ижтимоий, маданий тараққиётини, умуминсоний, миллий, маданий, маънавий қадриятларни уйғун ҳолда ўзлаштириш маҳоратини шакллантиришга хизмат қилмоғи даркор. Биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислохотларнинг тақдири ва келажаги ёшларимизнинг бу ўзгаришларнинг қўллаб-қувватлашига, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ. Ёшларнинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди. Уларнинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак. Ёшлар амалга оширилаётган ўзгаришлар уларга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши ва иқроп бўлиши даркор. Шу сабабли ҳам биз босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаганмиз. Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни жамиятимизда халқ ирода-

сининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб боришимиз шарт.

Ёшлар – юрт қаноти, мамлакат таянчи. Навқирон авлодга эътибор келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Шуни унутмаслигимиз керакки, иродаси кучли, иймони мустаҳкам ёшлар ташқи таъсирларга осонликча берилмайди.

Жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш йўлида биз устоз ва мураббийлар ёш авлодни ҳар томонлама етук комил инсон этиб тарбиялашимиз, уларга бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўйини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини англаган ҳолда, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, жорий этилаётган ислохот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттириш барчамизнинг муқаддас вазифамиздир. Мустақиллик йиллари моҳиятан юртимиз тарихида шарафли ва ўта масъулиятли даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб бормоқда. Ўзлигимизни англаб, юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган янгиланиш жараёнларини ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб шаклландик, миллий ғоямиз бизнинг иймонимиз мезонига айланиб, қарамлик, боқимандалик қайфиятидан озод бўлдик, келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Мустақиллик жуда катта масъулиятдир. Мустақилликни асраш уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифадир. Бу эса биздан доимо мустақилликни асраб-авайлаш, огоҳ бўлиш, илм ва касб эгаллаб, жамиятга муносиб ҳисса қўшиб яшашни талаб этади. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукмронлигидан озод бўлиб демократик жамиятни қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиши осон

кечмайди. Чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради, ўз умрини узайтириш учун жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатади. Шу боис янги жамият қисқа муҳлатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффақурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Маънавиятнинг инсон ва миллат камолоти жамият тараққиётидаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосда уни ривожлантириш, унинг моҳияти ва мазмунини илмий таҳлил қилишни тақозо этади. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, собиқ шўролар тизими шароитида маънавият бугунги ҳолатда ўрганилмаган. У маънавий маданиятнинг тармоғи сифатида ёки олимлар асарларида тилга олинган ҳолос. Бу жуда мураккаб масалага шу даражада "эътиборсизлик" атайлаб қилинган. Чунки у шахс ва миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилдир, шунинг учун шахснинг руҳий оламига кириб бориш, уни мустақил фикр юритишга, миллатнинг эса маънавий-руҳий оламини юзага чиқаришга, унинг ўзини ўзи англашга, ўз мустақиллигини қўлга киритишга ва ўзи хоҳлаган тараққиёт йўлидан боришига йўл қўймаслик собиқ иттифокнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилган эди.

Ўзбек халқи узок йиллар мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси поймол этилди. Халқимизнинг онги ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка қаршилиқ кўрсатолмайдиган даражага етишига оз қолган эди. Бунга узок йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эркин-эмин фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилинганлиги асосий сабаб бўлганди.

Мустақилликка эришишимиздан аввал Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Имом ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Мотурудий, ал-Марғиноний, Ғаззолий, Нақшбанд каби алломаларимизнинг номини тилга олиш, улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш имкониятига ким эга эди? Ким Қуръони Каримни, ҳадисларни эркин ўқир ва дину исломни ўргана оларди? Ким Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари

маънавий маданиятимизнинг юлдузлари бўлган буюк зотлар номини эркин-эмин тилга олар эди? Ким Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Бехбудий каби маърифатпарвар, миллатпарвар улуғ зотларни эслай оларди?

Бу каби саволларнинг сон-саногі йўқ. Мана шуларнинг ўзи ҳам миллий маънавиятимизнинг нақадар топталганлигини таъкидловчи мисоллардир. Фақат мустақилликни қўлга олишимиз шарофати туфайлигина маънавий меросимизни, кўхна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрни-мизни тиклаш ва демократик жамият қуришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазифаларини вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Мустақиллик йиллари "Қуръони Карим" ўзбек тилига гаржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадисларини нашр этиш ишлари якунланди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар" тўплами чоп этилди. "Қуръони Карим" шарҳларига оид кўплаб китоблар ҳам босмадан чиқарилди ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз курашчилари – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган кунлар нишонланди. Ўзбек тилининг давлат тили даражасига айланиши борасида бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат идораларида иш юритиш, шаҳарларда кўчалар ва жойларни номлашда тарихий ҳақиқат тикланмоқда. Маънавий меросимиз саналган кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима этилмоқда.

Мустақиллик йиллари биз учун ўзбек тилининг халқ ва давлат ҳаётидаги асосий аҳамияти ва ўрнини тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа миллатнинг, мустақил давлатимизнинг кадр-қиммати мустаҳкамланди, мактаблар ва олий ўқув юрларида ўзбек тилини бошқа миллат ёшларининг ўрганиши учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилди. Мустақиллик йиллари

маънавиятимизнинг муҳим элементи ҳисобланган таълим ва тарбия тизимига миллий руҳ багишлашда бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, "Таълим тўғрисида" Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Соғлом авлод" дастурининг қабул қилиниши миллий маънавиятимизнинг юксалишида, мамлакатимизнинг келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллатимиз обрў-эътиборининг ошиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ҳар томонлама бой ва улкан имнониятлар мавжуд бўлган мамлакат ҳисобланади. Унинг энг катта бойликларидан бири, шубҳасиз, маънавий мероси, зиёли халқи ва юқори салоҳиятли ёшларидир. Мамлакатимизда ёшларни асраб-авайлаш, уларнинг онгу шуурини дунёвий ва диний билимлар билан босқичма-босқич бойитиб бориш маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларнинг бош бўғинини ташкил этади.

Юртимизда асосий эътибор ёшларга қаратилиши, таълим-тарбия соҳасида туб ислохотлар ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки, ёшлар ишонган тоғимиз, эртанги кунимиз бўлиб, келажакимиз фақатгина уларга боғлиқ. Шу боис "...ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илм-у маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган"<sup>20</sup>. Қайсики юртда, ёшлар тарбиясига эътибор берилмаса, шу ерда эртанги кунга ишонч йўқолади, келажак мавҳумликка юз тутаети. Эътиборсиз қолган ёшлар онгу шуурини бошқа ғоялар, мафкуралар эгаллаб олади. Бундай давлатнинг келажак йўқ, десак асло хато қилмаган бўламиз.

Ҳозирги дунё глобаллашув жараёнларининг шиддати ёшларга, хусусан, талаба ва ўқувчиларга нисбатан турли таҳдидлар ва уларнинг онги ва қалбига ёт ақидаларни сингдиришга уринишлар ошишига қулай имкониятлар яратиб берди. Инсон онги ва тафаккурини эгаллаш учун кечадиган "жанг" қиличу қалқонга, одамзотни ялпи қиргин қилувчи қурол-яроғларга таянмаса-да, ундан-да кучлироқ восита – инсон онгини, тафаккурини заҳарлашга ҳаракат қилиши билан жуда хавфлидир. Бундай ҳолатларда доимо халқимиз манфаатлари, ҳақиқат ва адолат йўлидан собитқадамлик билан бориш, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини такомил-

<sup>20</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч -Т.: "Маънавият", 2008 йил. 61-бет.

лаштириш ҳамда маънавий-мафкуравий ишларимизни демократия тамойиллар билан уйғун ҳолда бўлишига, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг муштараклигига, инсон омили масалаларига жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 20 апрелида ПҚ-2909-сонли "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо қўйди. Мазкур қарорда олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича бир катор энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган. Уларнинг асосийларидан бири – олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиклик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб боришдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда олий таълим муассасаларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.5-бандида "жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарга эга, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш"<sup>21</sup> борасида қўйилган йўналишларни бажаришда талаба-ёшлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва уни узлуксиз такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Олиб борилаётган турли йўналишдаги ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар орасида талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, ибратли талабаларнинг ютуқларини

<sup>21</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <http://lex.uz>. 2017 йил 7 февраль.

жамоа ўртасида кенг тарғиб қилиш масаласи таълим-тарбиянинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу масала доирасида умумий фикрларимизни баён қилишдан олдин "рақобат" сўзига изоҳ беришни лозим, деб топдик.

"Рақобат" сўзи латинча – "concurrentia" сўзидан келиб чиққан бўлиб, тўқнашмоқ, ким ўзар ўйнаш, баҳслашиш, мусобақалаштириш, эътиборда бўлиш, деган тушунчаларни англатади. Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда рақобатнинг қуйидаги шакллари мавжуд: такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, такомиллашмаган рақобат, ҳалол рақобат, фирмом рақобат, хорижий рақобат, жаҳон бозори рақобати, очиқ рақобат, ҳаёлий рақобат, баҳоли рақобат, баҳосиз рақобат, бозор рақобати, маркетинг рақобати, шафқатсиз рақобат.

Рақобатни табиат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кузатиш мумкин, бу жараён, айниқса, ишлаб чиқариш, бизнес, тадбиркорлик, спорт, санъат каби соҳаларда яққол кўзга ташланади. Албатта, олий таълим муассасаларида ҳам талабалар ўртасида турли кўринишдаги рақобатлар мавжуд. Аммо биз ёшлар онгида ҳалол, бошқачароқ қилиб айтганда, соғлом рақобатни вужудга келтиришимиз, носоғлом рақобат пайдо бўлишининг олдини олишимиз шарт. Чунки соғлом рақобат инсоний муносабатлар доирасида ўзаро ҳамкорликда ишлаш элементлари (унсурлари)ни ифода этса, носоғлом рақобат бузғунчилик ҳолатларини вужудга келтиради.

Олий таълим муассасаларида ҳалол ва соғлом рақобатнинг вужудга келиши ва ривож топиши талабаларни қуйидаги муваффақиятлар сари етаклайди:

таълим-тарбия олишга, ҳар бир йўналиш бўйича фаоллик кўрсатишга ундайди;

барча соҳаларда, хусусан, ўқиш ва иш фаолияти жараёнларида шахсий интилиш ва ўсишига ёрдам беради;

ўқитилаётган фанлар мавзуларини чуқур ўрганишга, улар тўғрисида атрофлича тасаввурга эга бўлишга рағбатлантиради;

ўзини рақобат муҳитида тутишни ўргатади, фикрлаш доирасини кенгайтиради, нотиклик даражасини оширади;

ўзига ва келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва ҳаётда муносиб ўрин топишига амалий ёрдам кўрсатади;

онгини, шуурини такомиллаштириш, ўз устида тинимсиз ишлаш имкониятларини тақдим этади;

ишлаб чиқаришдаги янгиликларни кенгрок ўрганиш зарурлиги ҳиссини ривожлантиради;

танлаган соҳаси ва бўлажак касб ихтисослигини эгаллаш имкониятларини тақдим этади;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, турли илмий анжуманларда фаол иштирок этиш ҳиссини оширади;

Ўзининг порлоқ келажагини яратиш имкониятини кенгайтиради ва малакали кадр бўлиш ва эгаллаётган касбига доир корхона, ташкилот ва идораларда иш ўрнига эга бўлишда устуворликка эришиш имкониятини оширади;

Ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, барча мавзулар бўйича баҳслашиш, мунозараларга киришиш қобилиятини юксалтиради;

соғлом дунёкарашни шакллантириш, ҳаётга масъулият билан ёндашиш имкониятларини кенгайтиради;

оиласига, маҳалласига, туманига, шаҳарига, вилоятига ва Ватанига муҳаббат ҳиссини оширади ҳамда миллат келажаги ва тақдири учун шахсий масъулликни, унга бўлган меҳр-оқибат ҳиссини оширади;

"оммавий маданият"нинг салбий жихатларини теран англашига ва унга қарши курашига ёрдам беради, ҳаётда оқ ва қорани ажрата олиш тажрибасини ривожлантиради;

турли кўринишдаги террористик, экстремистик ҳаракатларнинг моҳиятини тушуниш ва унга муросасиз бўлиш, асл ислом динининг муқаддаслигини янада теранроқ англаш кўникмасини беради;

чет эл тажрибасини таҳлил қилиш, уларнинг ижобийларини танлаб олиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, хорижий тилларни яхшироқ ўрганишга бўлган интилишни рағбатлантиради;

соғлигига бўлган муносабатни ўзгартиради, спорт, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш малакасини шакллантиради.

Умуман олганда, рақобат она-Ватан, халқ, миллат, миллий ўзлик, умуминсоний ва миллий кадриятлар, ватанпарварлик тушунчалари моҳиятини англаш, уни бутун қалби, онги ва иродаси билан ҳис этиш хусусиятларини юксалтиради, чиниқтиради ҳамда ҳар бир талаба онгида нафақат билим олиш, балки илмий ишга рағбат уйғотади, натижада унинг маънавий олами кенгайиб, жамиятга фойдаси тегадиган етук мутахассис бўлиб етишиш имконияти оширади.



Юқоридаги омиллардан кўриниб турибдики, олий таълим муассасаларида ҳалол ва соғлом рақобатнинг вужудга келиши нафақат талабанинг маънавий-маърифий ривожланишини таъминлайди, балки унинг малакали мутахассис бўлиб етишига замин ҳозирлайди, унинг чин маънода инсон, виждонли, иймон-этиқодли, Ватанига, халқига, жамики инсониятга муҳаббат, ёвуз "ғоя"ларга мурасасиз шахс бўлишини таъминлайди. Шундай экан, ҳар бир олий ўқув юртида талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириб бориш замон талаби ҳисобланади. Ушбу жараёни вужудга келтиришда қуйидаги йўналишлар бўйича иш ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади:

### **1. Ўқув ишлари соҳасида:**

талабаларнинг рейтинг даражасини аниқлаш ва уларнинг рўйхатини олий таълим муассасаси "маънавият бурчаги"да эълон қилиб бориш ва юқори рейтинг балларини қўлга киритган талабаларга турли кўринишдаги имтиёзлар бериш (масалан, айнан шу йўналишда бирор бир мукофот жорий этиш ва юқори рейтингга эга бўлганларга ана шу мукофотни бериб боришни ташкил этиш);

нафақат аълочи талабалар, балки гуруҳлар бўйича юқори ўзлаштиришга эришганларни ҳам алоҳида ҳисобга олиш, уларнинг қўлга киритган натижаларини талабаларга етказиш, номларини расмлари билан "Илгор талабалар доскаси"га жойлаштириш, ўқув юрти сайтларига киритиш ва уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш;

талабаларнинг жамоавийлик даражасини юксалтириш, барча талабаларнинг бир мақсад сари интилишини кучайтириш мақсадида "Университетнинг энг аълочи ўқув гуруҳи", "Факультетнинг энг аълочи ўқув гуруҳи"ни аниқлаш ва ушбу гуруҳлар аъзоларини рағбатлантириш учун олий таълим муассасаси маблағи ҳисобидан мамлакатимиз бўйлаб экскурсияларга боришини таъминлаш;

"Аълочи талабалар тажрибаси" рукни асосида билимли, фаол талабаларнинг натижаларини матбуотда чоп этиш, ўқиган мактаби, лицейи, коллежи, ота-онаси, маҳалласига раҳматномалар юбориш ишларини ташкил этиш;

ҳар ойда "Фанлар бўйича энг аълочи талаба" кўрик-танловини ташкил этиш орқали юқори иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларнинг қизиқишларини янада ривожлантириш;

мутахассислик фанлари бўйича, масалан, "Кончилик иши соҳасининг энг аълочи талабаси" номинациясини жорий этиш ва

уларни ўз соҳаси юзасидан тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва илғор ҳўжалик юритувчи субъектлар билан келажакда ишга қабул қилиш юзасидан шартномалар тузиш ишларини ташкил этиш.

Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, авваламбор, талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг табиий равишда юзага келишини таъминлайди ва уларнинг машғулотларни ўзлаштириш даражаси юксалтиради, касб маҳоратини эгаллашларида кучли интилиш ва иштиёқни юзага келтиради. Бундан эса, нафақат талаба, балки жамият ҳам катта фойда кўради.

## **2. Илмий-тадқиқот ишлари бўйича:**

илмий изланиш билан шуғулланаётган талаба ва магистрларнинг "Кўргазмали илмий бурчаги"ни ташкил этиш ва уни зарурий компьютер жиҳозлари (интернетга уланган бўлиши шарт), адабиётлар, муқаддам химоя қилинган илмий ишлар нусхалари, химояга қўйиладиган мавзулар рўйхати каби қўлланмалар билан жиҳозлаш;

илмий-амалий конференцияларга тақдим этилган юқори илмий савиядаги ишланмаларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш чораларини кўриш орқали талабаларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш;

мутахассислик соҳалари бўйича савияси юқори ва алоҳида эътиборга сазовор бўлган илмий изланишлар олиб бораётган талабалар ишлари тўғрисида тарғибот ва ташвиқотни йўлга қўйиш, хусусан, "Университетнинг бўлажак олимлари" номи билан аталувчи илмий тарғибот ишлари ташкил этиш;

барча олийгоҳларда "Энг яхши мустақил иш", "Энг яхши курс иши", "Энг яхши диплом иши" каби номинацияларни жорий этиш.

Юқорида баён этилган тадбирларнинг амалга татбиқ этилиши талабалар ўртасида рақобатни кучайтириш орқали илмий ишланмалар сонини ошириш ва мазмунини такомиллаштиришга замин яратади. Илмий ишланмалар, хусусан, бакалавр ва магистрлик диплом ишларининг муқамаллигини таъминлаш ва бу борада фаолият олиб бориш имкониятларини кенгайтиради.

## **3. Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:**

ҳар бир гуруҳда маънавий-маърифий ишларни фаоллаштириш мақсадида "Энг намунали ўқув гуруҳи" танловини дастлаб факультетларда, кейинчалик университетда ўқув йили натижалари бўйича ўтказиш ва ғолибларни университет талабалари иштирокида тантанали равишда тақдирлаш, уларга университет

ректори томонидан "Фахрий ёрлик"лар, миннатдорчилик мактубларини тақдим этишни мунтазам йўлга қўйиш;

Ёшлар иттифоқи билан биргаликда "Маънавият ишлари фаоли", "Бошқарув ишлари лидери", "Энг фаол тарғиботчи талаба" сингари номинацияларни жорий этиш ва голибларни ҳар йил якуни билан тантанали тарзда тақдирлаш;

олий таълим муассасаларида ўтказиладиган барча тадбирларда кенг талабалар оммаси иштирокини таъминлаш ҳамда тадбир якуни бўйича энг фаол иштирокчиларига раҳматномалар эълон қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

талабалардан қайси йўналиш ёки мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича сўровномалар ўтказиш ҳамда талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, ўтказиладиган тадбирларнинг мавзуларини аниқлаш;

касаба уюшмаси билан ҳамкорликда маданий тадбирлар, шеърхонликлар, китобхонлар анжуманлари, соғломлаштириш ишлари, спорт мусобақаларини ўтказиш, унда иштирок этган фаол талаба-ёшларни тақдирлаш, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга ёки Тошкент вилоятининг тоғ бағирларига сафарларини уюштириш.

Бундай ташкилий ишларнинг амалга оширилиши маънавий-маърифий тадбирларнинг юқори савияда ўтишини, самарадорликка эришишни, унга бўлган қизиқишнинг ошишини ҳамда олий таълим муассасаларидаги фаол талабалар сони кенгайишини таъминлайди, етакчиликка, жамоат ишларига туғма тажрибаси бўлган ёшларни аниқлаш имконини беради.

Бундан ташқари, халқимизга хос бўлган анъана ва удумларимизни кенг тарғиб қилиш талаба-ёшлар ўртасида соғлом ракобат муҳитини вужудга келтиради. Шу ўринда бир ривоятни мисол тариқасида келтириб ўтишни лозим топдик. Унда айтилишича, "эрталаб мактабга кетаётган жажжи қизалоқ йўлида учраган маҳзун қиёфадаги кишига табассум билан салом берди. Бу табассумдан у киши шу қадар таъсирландики, беихтиёр унинг юзига бахтиёрлик югурди. Яхши кунларини эслади. Бирдан яқиндагина ёрдам берган дўстига миннатдорлик билдирмагани ёдига тушди. Телефонини олиб, дўстининг рақамини терди. Аҳволини сўраб, ишларига омад тилади.

Дўсти эса бундай миннатдорликдан боши кўкка етиб, тушлик пайтида ошхона хизматчисига алоҳида эҳтиром кўрсатиб, ҳар

кунгиданда кўпрок пул берди. Хизматчи киз бир кунда ҳеч қачон бунчалик кўп пулга ишламаганди. У оқшомга яқин уйига қайтаркан, кўчаси бошидаги фақир кўшнисига пулининг ярмини берди. Фақир одам шу қадар миннатдор бўлдики, кизнинг ортидан дуо қилиб қолди. Кейин эса нарироқдаги ошхонага бориб тўйиб овкатланди. Қайтишида эса кўча четидаги дарахт остида совуқдан дир-дир титраётган кучукни кўрди-ю, раҳми келиб, қўйнига олди. Уни ҳам ўзи билан бирга уйига олиб кирди. Кучукча иссиқ уйга кирганидан роҳатланиб, у ёқдан, бу ёққа югура бошлади.

Туннинг қоқ ярмида кучукчанинг вовуллашидан фақир одам уйғониб кетди. Қараса, кўшнисининг уйига ўт тушиб, аланга бошқа уйларга ҳам хавф солмоқда эди. Бир зумда одамларни ёрдамга чақирди. Кўшнилар тезлик билан ёш болаларни, аёлларни аланга ичидан олиб чиқишиб, хавфни ҳам бартараф этишди.

Буларнинг барчаси эрталабда арзимасдай туюлган, лекин баҳоси йўқ табассум билан берилган саломнинг шарофати эди. Шу боис ҳар тонг ҳаммага самимий саломингизни дариг тутманг. Чунки сизга оддий кўринадиган "салом" сўзи дунёни асраши мумкин"<sup>22</sup>.

Дарҳақиқат, талаба-ёшлар ўртасида саломлашиш одобини оммалаштириш кўплаб муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишида, рақобат муҳитини соғломлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, даставвал, салом оддий бир одат, шунчаки бир кўникма ёки кимларгадир хос муомала услуби эмаслигини талабаларга тушунтиришимиз лозим.

---

<sup>22</sup> Дунёни асрайдиган сўзлардан бирини биласизми? [www.kun.uz](http://www.kun.uz), 25.04.2018

---

## **II БОБ. МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ – ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИ**

### **2.1. Шахс маънавияти мезонлари ва унинг маънавий фазилатлари**

Бугунги кунда маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. "Зеро, - деб уқтиради Ислом Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз".

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди; миллий ғурури, иззат-обрўси тикланиб, эндиликда кадрятларимиз, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Маънавияти буюк халқни кул қилиш, абадий истибоддод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Бундай маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажаги буюк давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қудратли маънавият замирида вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун миллатнинг маънавий камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маънавият ва маърифатга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда, тарих олдидаги вазифасини англаб олмоқда.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ислохотларнинг биринчи босқичида

миллий маънавиятни юксалтириш йўлида кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий, мафкуравий парокандалик даврига барҳам берилди.

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада ҳўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайдди. Кишиларда, хусусан, ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Бунини амалга ошириш учун кенг қўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янги тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш давларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш давларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти бунини тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури, маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўлларини излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда. Зотан, ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз "Юксак маънавият - келажак пойдевори" деган ҳикматли шiori янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Маънавиятли ва этиқодли кишилар ўз маслағи, Ватани учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдилар.

Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ-одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий суст, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади.

Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек, улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, эзгуликка ва қўйингки, юксак ахлоқлиқка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси - иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари - қўйингчи, маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда, маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сабоғи ибратлидир: "Биз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз". Бу фикрлардан кўриниб турибдики, шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги боис ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутелиқда, қарамликда яшашни истамайдилар.

Маънавий баркамол инсон шон-шуҳрат, мансаб, моддий бойлик кетидан кувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустақкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, ажодлари билан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин:

ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-қўйи, кишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш;

теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши;

одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш;

ота-боболардан, ажодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш;

миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши;

ўзаро муомала-муносабатда ўрناк бўлишга мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилиш;

умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш;

Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш;

диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш; ваъдага вафоли бўлиш ва бошқалар қиради.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам қиради. Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб кел-



ган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: "Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф"<sup>23</sup>. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик

<sup>23</sup> Азизиддин Насафий. Комил инсонлар (Н.Комилов таржимаси). Туркистон, 2000, 1 август №32

одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуриламал, кўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг "Қобуснома", Саъдийнинг "Гулистон", "Бўстон", Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Абдурахмон Жомийнинг "Баҳористон", Алишер Навоийнинг "Маҳбубул-қулуб", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи муҳсиний" ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Шу тариқа ўтмишда комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру-муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ножўя ҳатти-ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашди, уларда иймон ва виждон биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

Бизнингча, айни шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини аъло даражада ҳис этадиган шахс бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси комил инсон, ҳар биримиз: "Шу давлат, шу жамият менга нима берди?" деб эмас, балки: "Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?" деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ақида билан яшашимиз керак.

Ватанпарварлик ҳақида сўз юритишдан аввал Ватан тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Ватан аслида арабча сўз бўлиб, Она юрт маъносини англатади, шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон – ўзбек халқининг Ватани, муқаддас саждагоҳидир:

Дунё бўлди чаманим маним,  
Ўзбекистон Ватаним маним.

Ватан – бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўқилган муқаддас даргоҳдир. Ватан – бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир. Ватан деганда, ҳамшиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизга келади.

Ватан она каби азиз ва муқаррамдир. Ватан инсонга бахт-иқбол берадиган заминдир. Абдулла Авлоний айтганидек: "ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр. Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди".

Ватан – бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакидир. Ватан – муқаддас қадрият. Тараққиёт ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўқилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил, маънавий камолот ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир.

Ватан меҳрини, ватан сеҳрини, унинг мўътабарлигию улуғворлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Мустиқил Республикамиз фуқаролари, хусусан, ёшлари руҳиятида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни ривожлантириш демократик, адолатли ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишнинг муҳим кафолати саналади. Шунинг учун ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш бутун тарбиявий ишимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Маънавий-ахлоқий фазилат сифатида эса иймон фақат одамзотгагина хос руҳий ҳодиса жумласига киради. Инсон, одамзотдан ташқари ҳеч бир махлуқотда иймоннинг ўрни-тағи ҳам йўқ. Бинобарин, одамзот жамики бошқа жонзотлардан бирон бир нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни иймон келтириши билан ажралиб туради. Иймон киши маънавиятининг, ахлоқининг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир. Иймондан маҳрум кимсанинг

ақли нечоғли ўткир, иродаси нақадар кучли бўлмасин ва шулар туфайли ўзлигидан канчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига ҳеч қачон киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зеро, иймонсиз одам на Аллоҳдан кўрқади ва на бандалардан уялади. У ўз нафсининг итоаткор кули бўлиб, ҳар қандай разолат ва пасткашликлардан қайтмайди.

Диний иймон билан бирга инсон тажрибаси, билими туфайли юзага келган дунёвий иймон ҳам бор. Дунёвий иймон мазмунини олам ва одам ҳақида сўнги икки ярим минг йил мобайнида кашф этилган илмий-фалсафий билимлар, меҳнат аҳлининг тўплаган ҳаёт тажрибаси, ижтимоий хотираси, турли-туман удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва улар замиридаги билимлар ташкил этади. Дунёвий иймоннинг ўзаги одамийликдан иборат бўлиб, унинг таркибига кирадиган унсурлар, кирралар, жихатлар ғоят турли-тумандир. Одамийлик деганда халқимиз узок тарихи давомида турли синовлардан ўтиб сайқал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган ахлоқий кадриятларни тушунсак бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган шу кунларда одамларда, айниқса ёш авлодда поклик ва ҳалоллик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Инсоннинг инсонлиги унинг поклиги ва ҳалоллиги билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамиша пок ва ҳалол бўлишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насихат қилишган. Бу муслмон одами, хусусан, ўзбек халқи ахлоқ-одоб қонуниятининг асосини, бошқача айтганда иймоннинг негизини ташкил этади. Поклик ва ҳалоллик эса иймоннинг асосий белгиларидан биридир. Поклик ва ҳалолликсиз иймонли бўлиш мумкин эмас. Иймонли бўлишнинг ўзи эса инсоннинг поклиги ва ҳалоллигига йўғрилгандир. Пок ва ҳалол бўлмаган одамдан эзгулик чиқмайди, унда меҳру-шафқат, орият, номус, шарм ва ҳаё бўлмайди. Кўринадики, иймоннинг барча белгилари асосида поклик ва ҳалоллик ётар экан. Мана шунинг учун ҳам бизнинг ота-боболаримиз поклик ва ҳалолликка алоҳида эътибор берганлар. Маданий ва маънавий мерос ўзаро бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг ўртасига ўтиб бўлмас "Хитой" деворини қўйиш ҳам мумкин эмас, маданий меросни барпо этишнинг замирида ҳам маънавият – яъни, инсоннинг маънавий-руҳий билимлари, қобиляти, истеъдоди, ақли, эмпирик ва назарий билим тажрибалари, меҳнат малакаси каби бошқа маънавий фаолиятлари

ётади. Маданий ва маънавий мерос ўртасида умумийлик ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айни пайтда улар ўртасида юқорида айтилган алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро муносабат, таъсир бор. Шунингдек, маданий мерос ўз кўлами жиҳатидан маънавий мерос тушунчасидан кенгрок.

Маданий меросда кўпроқ умумийлик устунлик қилса, маънавий меросда хусусийлик устунлик қилади. Маданий мерос умуман маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олса, маънавий мерос маънавий маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олиши билан фарқланади. Маданий мероснинг қадри абадул-абад тушмайдиган қисмига миллий қадрият дейилади. Ана энди аста-секин маънавий мерос тушунчасига яқинлашмоқдамиз.

Маънавий бойликлар авлоддан-авлодга, бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият, унинг маънавий тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Маънавий мерос деб узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади. Маънавий мерос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, жумладан, фалсафа, адабиёт, санъат, ахлоқ, диндаги реал, дунёвий таълимотлар, хурфикрлик ва бошқалар қиради.

Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига, ички дунёсига, хис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди. Маънавий мерос бирор халқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мерос бунга мисол бўла олади. Маънавий меросимиз жиҳатидан жаҳондаги олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз.

Цивилизациянинг ўзи инсониятнинг маданияти ва маънавияти тараққиёти босқичларида рўй берувчи сифат жиҳатидан янги босқич бўлиб, кишилик жамияти тарихида чуқур из қолдиради. Цивилизация – маълум бир тарихий босқичда инсониятнинг маданият тараққиётида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жиҳатидан янги, юқори ютуқлари мажмуи. Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан губдан

фарк қиладиган, аммо ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги буюк, юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки, у ўзидан олдингисини қабул қилмайди. балки сифат жиҳатидан янги, унга ўхшамаган ўзга-ришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади. Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамиятнинг, тарихий босқичнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади. Ҳозирги даврда илмий адабиётда уни "Шарқ" ва "Ғарб" цивилизациясига бўлиш қабул қилинган. Инсоният тарихидаги бу цивилизациялар ҳинд, конфуцийлик, буддавийлик, мусулмон ёки католик, православ ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши шаклида намоён бўлган. Бугунги цивилизация инсониятнинг олами билиши, ундан умумбашарий манфаатлари йўлида фойдалана билиши, ҳар бир халқнинг умуминсоният тараққиётига хизмат қилувчи маънавияти ва маърифати шаклида намоён бўлмоқда.

Маънавият ва мафкура бир-бирлари билан мустаҳкам боғлангандир. Маънавият инсоннинг руҳияти, ўзини ўзи англаши, юксакликка интилишидаги салоҳияти бўлса, мафкура – маълум бир давлат, жамият, миллат, синф ва ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқий, фалсафий, бадиий, диний ғоя, назария ва қарашлар тизими ҳисобланади. Мафкуранинг маънавиятда тутган ўрни шундаки, у инсон, жамият, ёхуд миллат ёки гуруҳларнинг интилишлари, руҳиятлари ва кайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Маънавият сингари мафкуранинг давлат ва жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда каттадир. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

"Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин". Буни ҳар бир инсон, Ўзбекистон фуқароси чуқур англаши, мағзи-мағзига етиб олиши керак. Мустақиллик бизни порлоқ ривожланиш имкониятларига эга қилди. Халқимиз катта орзу-мақсадлар ва интилишлар билан яшайпти. Ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти – олдимизда турган нурафшон манзилдир. Аммо бу манзиллар ўз-ўзидан дунёга келмайди, уни ўз-ўзидан машаққатсиз, изланишларсиз, яратувчилик, ижодкорлик ишларисиз эгалланмайди. Янги жамият юксак даражада ривожланган онг, маънавий камолотнинг янада баланд босқичга кўтарилишини тақозо этади. Илғор

демократик қоида ва тушунчалар билан бойиган миллий мустақиллик мафкурамиз ана шу янги маънавиятнинг ҳал қилувчи мезонларидан биридир.

Юкоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, маънавият мафкурасиз ривожлана олмаслигини кўрамиз. Чунки, инсон рухиятини шакллантириш, миллий қадриятларни тиклаш ва жамият мақсадларини амалга оширишда мафкура ҳаракатга келтирувчи куч сифатида катта аҳамият касб этаверади.

Мафкура – умуммиллатга, умумхалққа, бутун жамиятга тааллуқли улкан ғоялар бирлигидир. Аммо унинг илдизлари ҳар бир инсоннинг қалбида, виждонида, иймонида, ақл-идроки ва тафаккурида. Шу боис, ҳақиқий, ҳаётий, чуқур инсоний мафкураси бор халқ, мамлакат ва жамият қудратлидир.

Тарбия масаласи мураккаб ва муҳим жараён бўлиб, у фақатгина мафкуравий ғоялардан иборат эмас. Шубҳасиз, ғоявий тарбиянинг аҳамияти юксак. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар томонлама етук кишининг қиёфасини шакллантиришда ғоявий-тарбиявий ишлар билан бир қаторда бошқа муҳим омиллар ҳам катта роль ўйнайди. Бу омиллар ўз ичига илмий дунёқарашни вужудга келтириш, меҳнат тарбияси, ахлоқий етуклик, ватан-парварликни ривожлантиришдан, бузғунчи ғояларга мурасасиз бўлиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъозлаш, истиқлол ғояларига содиқлик қобилятини шакллантиришдан иборатдир.

Бу масалаларни бир ой ёки бир йилда ҳал этишнинг иложи йўқ. Чунки ҳар томонлама етук кишиларни тарбиялаш узоқ давом этадиган, мураккаб, кўп меҳнат, чидам талаб қиладиган ишдир. Ҳар томонлама камолотга эришган шахснинг ҳаётида ижодий меҳнат асосий ўрин тутаети. Ўз шахси ва жамият учун эркин, ижодий меҳнат билан шуғулланиш кишидаги маънавий бойликнинг юксак даражада намоён бўлиши, янги замон кишисининг энг олий гўзаллигидан иборатдир.

Жамиятимизда моддий ишлаб чиқариш қуввати ривожлана боргани сари меҳнатда, турмушда ва ижтимоий муносабатларда яхши хулқ-ахлоқнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Юксак ахлоқий поклик асрлар давомида умуминсоният томонидан вужудга келтирилган энг яхши жиҳатларни ўзлаштириш, илғор ғоялардан баҳраманд бўлиш ҳисобига янги талаблар ва мазмунлар билан бойиб боради. Ахлоқий меъёрлар одамнинг табиий хусусияти бўлиб қолади, онгли равишда унинг ички эҳтиёжига айланади.

Юксак ғоявийлик, ахлоқий софлик, тушунча билан ахлоқнинг, фикр билан туйғунинг бирлиги кишида табиий равишда бир-бирига боғланиб кетади.

Эстетик тарбия ёшларни ахлоқий етуклик руҳида тарбиялашнинг таркибий кисмидир. Бу йўналишдаги тарбия, содда қилиб айтганда гўзалликни сезиш ва қабул қилиш қобилиятини тарбиялашдан иборат. Қаерда бўлмасин, табиатда, жамиятда, санъатда мавжуд бўлган гўзалликни киши сезиши ва кадрлай билиши, кези келганда ўзи ҳам ҳар ишда гўзаллик ярата олиши лозим.

Кишининг гўзаллиги, унинг маънавий бойлиги, ахлоқий покизалиги ва жисмоний камолоти меҳнатда намоён бўлади. Кишилардаги энг катта гўзаллик меҳнатга бўлган муҳаббатдир. Худди мана шу хусусият инсонийлик ўлчови, кишидаги ахлоқий гўзалликнинг мезонидир. Агар кишида меҳнат тўғрисида тўғри тушунча, меҳнатга нисбатан муҳаббат бўлмаса, унинг феъл-атвори ҳам яхши бўлмайди. Бундай инсон бошқаларни ҳурмат қилмайди, ақл юритиш ўрнига айёрлик, қаллоблик қилиш йўлига ўтади. Ҳар бир инсон бирор йўсин билан жамиятга, меҳнат доирасига боғланади. Мана шунинг учун ҳар бир кишининг ахлоқини унинг бажараётган ишидан, ҳар куни амалга ошираётган меҳнатидан билиб олса бўлади. Қолаверса, ҳар қандай вазиятда меҳнат ва жамоат тарбияси орқали юксак фазилатларга эга бўлган инсонни шакллантириш мумкин.

Аммо сўнгги йилларда инсонни ғоявий йўллар билан тарбиялаш шарт эмас, унга нисбатан селекция усулларини қўллаш орқали мукаммаллаштириш лозим, дея даъво қилувчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Улар одам энг ёш биологик тур сифатида ўз ирсиятида ҳайвонларнинг жуда кўп генларини сақлаб қолган, инсон организмидан бундай ҳайвоний генларни "олиб ташлаш" лозим, деб баҳолашмоқда. Уларнинг фикрича, ҳозирги замон кишиси ҳайвон билан одам орасидаги маҳлук бўлиб, келажакда уларнинг ўрнини бўлмағур ҳайвоний генлардан холи тарзда яратилган инсонлар эгаллайди. Бу борада генетик олим Ф.Гальтон асос солган евгеника таълимоти (киши зотини яхшилаш) тарафдорлари одамнинг генетик информациясини фаол равишда ўзгартириш орқали "янги замон кишиси"ни яратиш ғоясини ўртага ташламоқда. Мазкур "ғоя"га кўра, мукаммал инсон намунасини яратиш вазифаси "муаллиф"ларнинг дид ва хоҳишига боғлиқ бўлади, яъни уларнинг



истагига мос равишда қотиллар, акли расолар, яратувчилар, бузғунчилар яратилади.

Инсон генетикасини селекция йўли билан яхшилаш "ғоя"си нодонликдан бошқа нарса эмас, чунки алоҳида танлаб олинган эркакларнинг генларидан оммавий равишда фойдаланиш йўли билан одам зотини "яхшилаш" инсондаги энг қимматли нарсага – унинг такрорланмас маънавий шахсиятига жиддий путур етказди. Инсоният генетик органик шакллар орасида алоҳида ўринда туриши билан бирга, унинг кўлами ҳам ғоят даражада кенг. Инсоннинг ижтимоий жонзот сифатидаги моҳияти ўзининг маънавий жиҳатдан нодирлигига асосланади. Инсоният маънавий кудратининг манбалари ҳам худди шу асосдан озикланади. Шахснинг маънавий нодирлиги унинг энг кагта бойликдир.

Инсонни биологик йўл билан "ўзгартириш"нинг яна бир хавфли томони шундаки, бундай кишилар ўзлигини англамайди, ватан, юрт, оила, қон-қардошлик, миллийлик, қадриятлар нима эканлигини тушунмайди, улар мутант бўлганлиги сабабли, "ижодкори"нинг қулига айланади. "Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир"<sup>24</sup>. Мутант одам эса бундай қалб гавҳарига эга бўлолмайди.

Ҳар томонлама етук кишининг қиёфасини шакллантириш учун биз рухий ва жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Рухий тарбия ақлий, ахлокий, ҳуқуқий, сиёсий, диний, дунёвий, ижтимоий-иқтисодий, бадиий, эстетик, экологик тарбияни ўз ичига олса, бадан тарбияси жисмоний тарбиядан иборатдир. Тарбия илмийликка ва амалийликка бўлинади. Илмий тарбия усуллари: мантиқийлик ва тарихийлик, мавҳумлик ва конкретлик, кўرғазмалик ва намунавийликни ўз ичига олса, амалий усуллар: билим бериш орқали онгда яхши ва ёмонни ажрата олиш қобилиятини шакллантириш ва ўстириш, ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ишонтиришдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, баркамол, ҳар томонлама етук киши қуйидаги хислатларга эга бўлиши керак:

<sup>24</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: "Ўзбекистон", 1998 21-бет

**собитлик** (фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, жўшқинлик, айтган сўзида туриш, барқарорлик, ботирлик, довяраклик, интизомлилик. нафси тийиш, ўзни ўзи идора этиш);

**ишбилармонлик** (ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилик, масъулиятлилик, инсофлилик, ҳалоллик, эпчиллик, уддабуронлик, саранжом-саришталик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик);

**ватанпарварлик** (ўз оиласи, маҳалласи, ватани қадрига етиш, улар учун жон фидо эта билиш, ўзликни англаш, оқ-қорани ажрата олиш, миллатни улуғлаш, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан кам кўрмаслик, ўтмиш аждодлар меросини қадрлаш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш);

**юксак ахлоқийлик** (инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, болажонлик, меҳнатсеварлик, каттага ҳурмат кўрсатиш, кичикни иззат қилиш, номуслилик, ширинсуханлик);

**иймонлилик** (эътиқодлилик, шахсий намуна кўрсата билиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, ёлғон гапирмаслик, иккиланмаслик, вазминлилик, биродарлик);

**зукколик, идроклилик** (зеҳнлилик, билимдонлик, хурфикрлилик, сезгирлик, топқирлик, нотиклик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик);

**эҳтирозлилик** (кўтаринкилик, тантанаворлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, олийжаноблик, оташинлик, нозиктабиатлилик, ҳаёлилик, ифбатлилик);

**жисмоний етуклик** (соғ-саломатлик, жисмоний бақуватлик, мағрурлик, бош эгмаслик, спорт билан шуғулланиш, тананинг поклиги);

**ғўзал ташқи кўриниш** (ёқимлилик, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, улуғ сифатлилик, жиддийлик, тарбиявийлик).

Буюк ёзувчи Л.Н.Толстой: "Одам ақл билан ўзини мушоҳада этади, лекин ўзини идрок орқали билади. То одам ўзини идрок этмаса, мушоҳада ҳам этолмайди, ақлни ҳам ишга сололмайди. Англамоқ, мушоҳада этмоқ, хулоса чиқармоқ учун одам, аввало, яшаётганлигини идрок этиши керак"<sup>25</sup> – деб ёзади. Бундан хулоса шуки, биз баркамол инсонни тарбиялашимиз учун ёшлар онгида,

<sup>25</sup> Толстой Л.Н. Уруш ва тинчлик. – Т.: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 386-бет.

авваламбор, ўзликни англаш, инсонлигини идрок этиш қобилияти-ни шакллантиришимиз ва ривожлантириб боришимиз керак.

## 2.2. Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Мазкур мавзунинг моҳиятини очиб беришда асосий эътиборни мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиёт борасида танлаб олган бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, ҳаётийлиги масаласига, бу борада эришилган ютуқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга қаратиш лозим.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва кишилар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Ўрта Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамлар кўзини кувнатиб, хайрон қолдирган товарлар ва буюмларни Ҳиндистон ва Хитойга, Россия ва Ғарбий Европа мамлакатларига етказиб берганлар. Ўрта Осиёда бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига "Буюк ипак йўли" яққол мисол бўла олади. Шундай экан, ҳозирги замон тилида ишлатилаётган бозор иқтисоди ва унинг моҳияти нима? Уни қисқача ифодалайдиган бўлсак, у қуйидагиларни англатади:

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, у қайси йўлдан бориши керак, деган масала тарих саҳнасиغا чиқди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мустақилликка эришишимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳондаги турли мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, мустақил Ўзбекистоннинг бундан буёнги тараққиёт йўли бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлидан бориш эканлигини таъкидлади.

Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини бизнинг ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар комил, маънавияти юксак инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, бошқача айтганда, ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзак, жиҳат киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муносабатда самимийлик, юмшоқ муомала, харидор кўнглини топишга интилиш асос қилиб олинган.

Инсоният тамаддумининг тамал тошлари Турон замини қўйилганлигини ва ривож топганлигини кекса тарих исботлаб турибди. Қадимдан аждодларимиз илм-фан, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, самошунослик, маънавият ва маърифат оламида кенг кўламли изланишларни амалга ошириб, улкан ихтироларни, дунё ҳамжамияти учун бирдек хизмат қиладиган конун ва қоидаларни яратди. Биргина бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур марказлашган буюк империя тузиб, инсоният тамаддумининг бир неча асрга татиғулик ривожланишига эришган.

Истиклолга эришганимиздан сўнг ҳам Ўзбекистон жаҳон тамаддумига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша бошлади. Бу жараён, айниқса, 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага қалқиб чиққан бир вақтда янада кўпроқ кўзга ташланди. Жуда кўплаб мамлакатлар, хусусан, йирик банклар, сугурта компаниялари, корхоналар, бирлашмалар, корпорациялар жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози силсиласи гирдоби ичида қолган, умумжаҳон бозорида маҳсулотларга бўлган талаб кескин пасайган, нарх-наво сиёсати издан чиққан, миллионлаб одамлар ўз иш жойларидан ажралган, маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёж пасайиб кетган бир пайгда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли ўзининг тарихий асарини яратди. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, бу асар дунё ҳамжамияти томонидан илиқ кутиб олиниб, ундаги конун-қоидалар кўплаб мамлакатларда амалиётга жорий этилиши натижасида жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозининг давомийлигига барҳам берилди. Бу эса дунё ҳамжамиятининг тамаддумига Ўзбекистоннинг қўшган яна бир улкан ҳиссаси бўлди, десак муболага бўлмас. Бу фикр хорижлик сиёсатдонлар, экспертлар, иқтисодчилар томонидан ҳам қайта-қайта билдирилди. Масалан, "Нью-Йорк давлат университети (АҚШ) профессори Парвиз Морвижнинг таъкидлашича, Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсати самарасида бугун Ўзбекистон дунё мамлакатлари учун иқтисодий ўсиш модели бўлиб хизмат қилмоқда ва у қўлга киритаётган улкан ютуқлари билан халқаро ҳамжамиятга ўз ривожланиш дастурининг самарадорлигини намоиш этмоқда. Ўзбекистон нафақат глобал иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини самарали бартараф этиш, балки комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам бошқа давлатлар учун

Ўрнак бўлмоқда, бу чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилиши эса келажакда мамлакатни янада ривожлантиришга хизмат қилади". Бундан ташқари, Ўзбекистон ғоят мукаммал, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бўҳрон шароитида иқтисодий ислоҳотларни қамраб олиш баробарида, келгусида – инқироздан кейинги даврда ҳам тараққиёт сари элтувчи муҳим устувор йўналишларни, чора-тадбирларни акс эттирган. Унда белгиланган вазифалар кўпгина мамлакатлар учун истиқболли дастур сифатида хизмат қилиши, шубҳасиз,- дейди Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Тараққиёт марказининг "Қора денгиз ва Марказий Осиё ташаббуси" дастури мувофиқлаштириштуривчиси (Франция) Колям Фой.

Ҳар қандай иқтисодий бўҳронни бартараф этишнинг устувор вазифаси маънавиятга ва маърифатга катта эътибор қаратиш лозимлиги Ўзбекистон давлати мисолида яна бир бор намоён бўлди. Айнан иқтисодий инқироз даврида мамлакатимизда бу соҳага жиддий эътибор қаратилди ва зарурий сармоялар тикилди. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётига жаҳонда рўй берган иқтисодий бўҳрон деярли ўзининг салбий таъсирини ўтказолмади.

Маънавият ва маърифатли, иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан бойлик яратувчи, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор, эл-юрт дардига малҳам бўлувчи ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Шундай фуқароларга эга бўлган мамлакат, жамият иқтисодий тараққиёт погоналаридан узлуксиз юқорига кўтарилиб боради.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда барқарорлик ва тинчлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолинишига эришилди. Яхши кўшничилик ва инсонпарварлик ўзбеклар табиатидаги туғма миллий ва диний фазилат ҳисобланади. Барча замонларда Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай давлат бўлиб қолади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда 100 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бўлган 32 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Тинчлик, ижтимоий тотувлик ва адолат ғоялари бизнинг аجدодларимиз қолдириб кетган маънавий мерос ҳисобланади.

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисида давлатимизнинг биринчи раҳбари томонидан белгилаб берилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепцияси асосан олти йўналишдан иборат бўлиб, хусусан, ҳукумат ишини самарали таксимлаш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва матбуот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ва демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш каби муҳим вазифаларни қамраб олади. Мазкур вазифаларни бажаришда нималарга эътибор бериш керак бўлади, деган савол тугилиши табиий. Бизнингча, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун, авваламбор, одамларни, хусусан, ёшларни маънавийати қилиб тарбиялаш, уларнинг қалбида моддий ва маънавий бойликлар тўғрисидаги билимларини ошириш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

"Маънавият" тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкураравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этса, моддий асос негизини асосан инсонга керакли бўлган моддий ноз-неъматлар, турли-туман усқуналар, машиналар, уларни харид қилиш воситалари ташкил қилади. Шуни таъкидлаш керакки, маънавият ҳам, моддият ҳам ҳудудларнинг жойлашувига қараб турлича талқин этилади. Масалан, шарқ маънавиятида шарм-ҳаё, ибфат, ор-номус масаласи етакчилик қилса, ғарбда кўпроқ "эркин маънавият" (хоҳлаганча кийиниш, ўз билганича яшаш тарзини белгилаш) устунлик қилади. Шунингдек, шарқда энг катта бойлик фарзанд кўриш ва унинг камолотга эришишига гувоҳ бўлиш деб қаралса, ғарбда кўпинча мол-давлатга улкан бойлик, деб қаралади. Аммо бу борада ҳам барча жойлар умумийлик, яъни онгли ҳаёт кечирриш учун моддий ва маънавий оламни яратиш ғояси мавжуд.

Инсон яшар экан, у моддият ва маънавиятга интилади ва шу хусусияти билан бошқа жонзодлардан ажралиб туради. Масалан, ҳар қандай ҳайвон фақатгина қорнини тўйдириш учун яшайди ва бу йўлда бошқаларнинг умрига зомин бўлганлиги учун ачиниш ҳиссини сезмайди. Негаки, унга юксак тараққийлашган онг берилмаган. Аслида, моддий ва маънавий омилларни бир-биридан ажратиб бўлмайди: яшаш учун овқатланиш, кийиниш, инсон бўлиш учун у ёки бу даражадаги маънавий комилликка эгалик қилиш керак. Баъзи дунё олимлари бу икки омил ўртасидаги ўзаро алоқани таҳлил қилишар эканлар, моддиятни биринчи ўринга қўйишади.

Уларнинг фикрича, инсон табиатида моддий неъматларга талпиниш ҳисси маънавиятга интилишга қараганда бир неча поғона юкори туради. Бир қараганда бу фикр тўғридек кўринади. Чунки сув бўлмаसा сувсизликдан, озиқ-овқат бўлмаसा очликдан ҳалок бўламиз. Аммо бу масалага чуқурроқ ёндашилса, моддиятнинг маънавиятдан устун қўйилиши нотўғри эканлиги ўз исботини томади. Буни биз барча неъматлар мавжуд бўлган, аммо маънавият бутунлай чекинган жамиятда яшаган одам инсонийликдан маҳрум бўлиб, ҳайвонот дунёсининг бир турига айланиб қолиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Инсонга яшаш учун пул (моддият назарда тутилмоқда) кераклигини инкор этмаган ҳолда маблағни қайси йўл билан топиш масаласини муҳокама қилар эканмиз, одамга ўз-ўзидан моддий неъматларни қўлга киритишда маънавий одамийлик зарурият эканлигини кўраимиз. Яшаш учун моддий бойликлар керак экан, дея инсонийликнинг ёзилмаган, аммо унинг қон ва жонига сингиб кетган қонуниятларни четлаб ўтиб, эгри йўллар билан бойлик тўплаган одам ҳеч қачон маънавиятли бўлолмайди. Маблағ тўплаш учун тўғрилиқ йўлидан бориш, ўзига ҳам, ўзгага ҳам наф келтириш, жамият қонунлари ва одамийлик даражасида иш юритиш учун инсонга, даставвал, маънавият сув ва ҳаводек зарур. Ҳаромдан ҳазар қилиш, топган моддий неъматларининг ҳалол-покиза бўлишини таъминлаш бизнинг назаримизда инсонийликнинг илк маънавий қиёфасини белгилаб беради.

Аслини олганда моддият билан маънавиятни қиёслаш орқали уларнинг бир-биридан ажралмас, яхлит омил эканлигини исботлаш унчалик қийин иш эмас. Бу икки омилнинг узвий боғлиқлигини кийим-кечак мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бордию, кийиниш маданиятига эга бўлмаганимизда бизда ор-номус тушунчаси ҳам мавжуд бўлмаслиги муқаррар эди. Қолаверса, яшаш учун овқатланиш, инсон бўлиш учун маънавиятнинг даркорлиги бу икки омилнинг доимий равишда узвий боғлиқлигини кўрсатиб туради. Қачонки улар инсон қалбида бирлашиб, эзгулик сари парвоз қилар экан, дунё шунчалик гўзаллашиб бораверади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг "Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламини бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маъно-

даги қуш канотига айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, юксалиш жараёнлари содир бўлади",<sup>26</sup> деган ҳаққоний сўзлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, бу дунёда яшаб ўтган ва яшаётган олиму мутафаккирлар инсонларни доимо маънавиятли бўлишга чорлаган ва чорлаб келмоқда, уларнинг қақириқларида моддий бойликларга интилишга ундаш деярли учрамайди. Бу инсоннинг моддиятга талпиниши табиий ҳол эканлигини, аммо ҳамма ҳам маънавиятга ўзида чанқоқлик сезмаслигини англатади. Абу Райҳон Беруний ер юзидаги бошқа мавжудодларга қараганда инсон зиммасига энг масъулиятли вазифалар юкланган, деб биларди. Мутафаккирнинг таъкидлашича, инсон табиатнинг энг олий камолотидир, чунки "Инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради, ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун инсонга катта шараф кўрсатилган – унга ақл-заковат кучи армуғон этилган"<sup>27</sup>. Шу сабабли, деб таъкидлайди аллома, инсоннинг маънавий кифёси унинг олдига қўйилган вазифаларга мос бўлмоғи учун у юксак ахлоқ, билим-маърифатли бўлиши лозим.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий учун сўзда ҳам, дилда ҳам ҳалол ва ҳаққоний бўлиш – инсоннинг бурчидир, яъни шоирнинг ушбу ўғитидан ташқи кифё одамнинг ички, маънавий дунёсига мувофиқ бўлиши ҳақидаги бошқа муҳим ғоя келиб чиқадики, бунинг маъноси инсоннинг фикри, сўзи ва иши бир бўлиши лозимлиги демакдир. Бу хусусида шоир шундай ёзади:

"Ҳар кишиким, истаса тузлукка ғавр,

Англадик ониким, эрур икки тавр:

Бири буки, туз бўлмаса кишининг сўзи,

Йўқ сўзиким, ҳам сўзи-ю ҳам ўзи.

Бири буки, ёлғонга таассуф била,

Тўғри дегай сўзни такаллуф била"<sup>28</sup>.

Фикр, сўз ва ишнинг бирлиги ибтидоий одамнинг ҳам ажралмас хислати эди. Унинг онги, ахлоқ ва бошқа хусусиятидаги тасаввурлари ўзи мансуб бўлган жамоа билан узвий боғланганлиги туфайли у ўзини шу жамоанинг бир бўлагидек ҳис қилган ва унга хизмат қилишни шахсий бурчи ва мажбурияти, деб ҳисоблаган.

<sup>26</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008 йил. 67-бет.

<sup>27</sup> Абу Райҳан Беруний, Минералогия, Изб. Соч. т. 2, -Т., 1966, стр. 9.

<sup>28</sup> Бертельс Б. Э. «Хиба-тул-хакаию» Ахмада Юғнаки, Тр.САГУ, новая серия, вып. 3, кн. 1, 1945, стр. 67.



"Авесто" таълимотига кўра, моддий ва маънавий дунё учта ҳаётий даврдан иборатдир.

Биринчиси энг қадимий давр бўлиб, у илк ҳаётни билдиради, бу ҳаётда ҳар иккала – жисмоний ва маънавий дунёда яхшилик тантана қилган: дунёда ёруғлик ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган.

Иккинчиси зардуштийлик дини вужудга келган давр бўлиб, бу вақтда яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари, шунингдек, бу дунёдаги уларнинг ихлосмандлари ўртасида муросасиз кураш болади.

Учинчиси бўлғуси ҳаёт бўлиб, унда ақл-идрок, адолат, яхшилик, бахт-иқбол маънавий дунёда ҳам, жисмоний дунёда ҳам тантана қилади.

Ўша даврда маънавиятли бўлиш учун, биринчи навбатда, оддий ахлоқий меъёрларга риоя қилиш лозим, деб ҳисобланган ва сихат-саломатлик, жисмоний куч билан баравар миқдорда маънавий софликка ҳам катта эътибор қаратилган. Чунки, улар ҳам бу дунёни маънавият боғига айлантиришни орзу қилишган. Бундай "боғ"да яшаган инсоннинг онги юксак даражага кўтарилади ва ёвузлик буткул мағлуб бўлади, дея ҳисоблаган аждодларимиз моддийни ҳеч қачон маънавиятдан устун қўйишмаган.

Буюк мутафаккир олим Аҳмад Югнакийнинг таъкидлашича, бу дунёда роҳат-фароғатга интилиш бефойда, бунди деб азоб-уқубат чекиш ярамайди, чунки, "Сен бугун кўриб турган бойликларинг эртага ғойиб бўлади, сен ўзингни деб билган буюмлар бошқаларга қолиб кетади"<sup>29</sup>. Аллома фақат яхшилик уруғини сепиш учунгина яшашни маслаҳат беради ва бойлик ҳамда камбағалликни нисбий тушунча, деб ҳисоблайди. У маънавиятли ва шу билан бирга билимли одамларни мукамал кишилар, деб билади.

Инсоният қулдорлик жамияти, деб номланган даврни ҳам бошидан кечирдики, бу вақтда ҳатто инсонга ҳам моддий бойлик сифатида муносабатда бўлинди, одамийлик тамойиллари паймол этилди. Афсуски, ҳали ҳам ана шундай маънавияти паст, иймони суст кишилар учраб туради. Уларга қарши курашишда фақатгина маънавиятнинг оромбахш кучидан фойдаланиш зурур, деб ҳисоблаймиз.

<sup>29</sup> Бертельс Б.Э. «Хибагул-хакаиқ» Аҳмада Югнаки, Тр.САГУ, новая серия, вып. 3, кн. 1, 1945. стр.69.

Ахмад Югнакийний фикрича, бошқаларга яхшилик қила оладиган кишигина ҳаётнинг чинакам қувончи ва кўркини била олади. Хасис киши бойликнинг қули ва кўрикчисидир, фақатгина моддиятнинггина тан олгани учун у ҳайвондан фарқ қилмайди. Мутафаккир ўзининг "Ҳибатул-хақойиқ" достонида ҳар киши ҳалол меҳнат ва билим орқалигина жамиятдаги ўз ўрнини топиши шартлигини кўрсатиб беради. У шарқ фарзанди бўлгани учун ҳам маънавиятли киши, авваламбор, камтарин, камсуқум бўлиши, ўзини бошқалардан устун қўймаслиги шарт, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун ҳам у "Агар пурвикор киши мен зоти улугларданман деса, мен унга қатъий қилиб, жами халқлар бир ота, бир онадан, яъни ҳамма баббаравар, деб жавоб қилардим"<sup>30</sup>, дейди. Фикримизча, агар инсон ахлоқ-одобли бўлишни истаса бунга эришади, бунинг учун фақатгина ундан маънавиятнинг барча меъёрларига оғишмай амал қилиш талаб этилади, холос. Бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний "Инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мактагулик нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир"<sup>31</sup>, деб бежизга айтмаган.

Том маънодаги маънавиятли кишилар ўзаро баҳслашиши, мунозараларга киришиши, бир-бирларини танқид қилиши мумкин, аммо улар ҳеч қачон тубанликка боришмайди, бировнинг ютуғини кўриб ҳасад қилишмайди. Бу тортишувлар табиий жараён бўлиб, ҳаётимизни фаровон қилишга, оғиримизни енгиллаштиришга хизмат қилади. Лўнда қилиб айтганда, маънавият жаҳолатга хизмат қилмайди. Аммо инсон моддий неъматлар "ишқида" ўз жигаргўшасини, ёки аксинча, ота-онасини ўлдиришдек ваҳшийликка қўл урганлиги кекса тарихдан маълум. Моддият маънавиятсиз инсоннинг кўзини кўрга, қулоғини қарга айлантиради. Олтину жавоҳирлар талвасасига тушиб қолган одам босар-тусарини билмай, инсонийлик қиёфасини йўқотади. Маънавиятли кишида ҳам моддий бойликка интилиш ҳисси бўлиши табиий жараён, аммо у моддиятнинг қулига айланишни ўзига ор деб билади. Бундай инсонлар пул топиш учун бировни алдамайди, ҳаром лукмага қайрилиб ҳам

<sup>30</sup> Ахмад Югнакий, Ҳибатул-хақойиқ, К.Махмудов ўзбекчага таржима қилган ва изох берган. -Т.: Бадий адабиёт, 1971. 68-69-бетлар

<sup>31</sup> Абу Райҳон Беруний, Минералогия, Изб. Соч. т.2 Т. 1966 г.стр. 25.

қарамайди. Назаримизда, маънавиятли инсонни ўзгалардан шуни хислати билан алоҳида ажралиб туради ва шу жиҳати билан жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Жаҳонда рўй берган урушлар асосан моддий бойликларга эгалик қилиш ниятида маънавияти паст кишилар томонидан амалга оширилган. Урушлар ҳеч кимга, ҳаттоки, муваффақият қозонган томонга ҳам вафо қилмаган, бегуноҳларнинг қони, кўз ёши эвазига қозонилган ғалаба, орттирилган бойлик бир кунмас бир кун кулфат келтириши турган гап. Шунинг учун ҳам муқаддас ислом дини бегуноҳ одамни ўлдириш бутун инсониятни ўлдириш билан баравар, деган таълимотга таянади.

Маънавиятнинг энг йирик ғаними, шубҳасиз, ёвузликдир. Чунки ёвузлик инсонни ваҳшийга айлантириб, жамият ҳаётини издан чиқаришга, халққа зўравонлик қилишга ҳаракат қилади. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз айтганидек, халққа зўравонлик қилиш энг улкан ёвузлик бўлиб, маънавий қашшоқликнинг юқори босқичидир. Бундай киши моддий неъматларни ҳар қандай нарсадан устун кўяди ҳамда бойлик, мансаб учун инсонийлик деган тушунчадан ҳеч иккиланмай воз кечади. Демак, ёвуз киши маънавиятли бўлолмади, маънавиятли кишининг қўлидан эса ёвузлик келмайди. "Ақл кучи моддий манфаат кучидан устунлик қилади, ана ўшандагина инсон яхшиликка интилади... Бордию моддий манфаат ақлни забт этиб олса, унда инсонни, албатта, ёмонликка чорлайди, бундай одамни тарбияламоқ лозим"<sup>32</sup>.

Бир танишимизнинг ҳикоя қилишича, кореялик бир ишбилармон Саудия Арабистонига хизмат сафари билан боради. Шу кунгача бу ишбилармон ўзининг бир неча корхоналарида шароб ишлаб чиқариб, улкан моддий бойлик тўплаганди. У бу ерда мамлакат маданияти билан танишади ва ислом динини қабул қилади. Шунда у ароқ ислом дини кўрсатмаларига кўра ҳаром қилинганлигини англайди ва шу заҳотиёқ ўз юртига кўнғирок қилиб, барча ароқ ишлаб чиқарувчи корхоналарини ёпиш тўғрисида кўрсатма беради. Мамлакатига қайтгач эса май тайёрлаш ва сотиш орқали топган барча бойликларини етим-есирларга, бева-бечораларга тарқатади, натижада ўзи қашшоққа айланиб қолади. Лекин у тушқинликка тушмай изланади ва катта қийинчиликлар эвазига конфет ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этади. Орадан кўп ўтмай у яна катта-

<sup>32</sup> Зоҳидов В. Мир идея и образов. А.Навои. стр.316.

гина моддий бойликка эгалик қила бошлайди. Шу тарика, бир ўзга дин вакилининг қарашларини ислом маънавияти тубдан ўзгартириб юборади.

Бу воқеа тафсилотларига тўхталишимизга сабаб инсон қарашларига маънавиятнинг таъсири нечоғлик катталигини ҳаётий бир мисолда кўрсатиб бериш эди, холос. Ҳақиқатда ҳам, маънавият инсон фаолиятига, қолаверса, унинг хулқ-атвориға ижобий туйғуларни олиб киради, уни ёмонликдан қайтариб, эзгуликка етаклайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат ривожланишни истар экан, даставвал, маънавиятга катта эътибор бериши шарт.

Ҳар бир инсоннинг ўзи бир дунё, уларнинг характери, иш услублари турлича. Шунинг учун ҳам инсонлар ўз манфаатларини амалга ошириш учун турфа хилдаги восита ва йўлларни танлайдилар. Шундайлар борки, улар умуминсоний ахлоқий меъёрларга асосланиб, фойда топишади, баъзилар эса бойлик орттириш йўлида алдаш, зўравонлик қилиш ва бошқаларнинг манфаатларини поймол этишни ўзларига касб қилиб олишади. Шу омилга таянган ҳолда Алишер Навоий ҳазратлари кишилар ахлоқий хатти-ҳаракатларининг мотивларини белгилаб берадиган иккита омил бор, деб таъкидлайди. Бу – моддий манфаат ва ақлдир. Инсон яралгандан буён моддий манфаат ва ақл ўртасида муросасиз кураш давом этиб келмоқда. Қаердаки ақл устунлик қилса, шу ерда ривожланиш, тенглик, бахт-саодат эшиклари очилади, қаердаки моддий манфаат ғолибликни ўз қўлига олса, шу жойда тубанлик, нотинчлик ва тенгсизлик авжига чиқади. Демак, ақл – маънавият мавжуд бўлмаган жамият ҳам парокандаликка учраши табиийдир.

Ватанимизда маънавиятни шакллантиришнинг асосий мезонлари – маънавий мерос, маданий бойлик, кўҳна тарихий ёдгорликлар, қадриятлар, муқаддас ислом дини, оила, маҳалла, таълим-тарбия масканларидир. Бундан ташқари, ўзликни англаш, Ватанни ва халқни севиш, тинчлик учун курашиш, юрт ободлиги ҳамда фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилиш, илмли, касб-хунарли бўлиш, жамият ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш, барча ахлоқий меъёрга амал қилиш, қисқача қилиб айтганда, элим деб, юртим деб ёниб яшаш маънавиятимизнинг асосини ташкил қилади.

Мамлакатимизда ёш авлодни маънавиятли қилиб тарбиялашга жуда катта аҳамият берилмоқда. Шаҳару қишлоқларда замонавий ўқув даргоҳлари қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқдаки, бу ҳам

уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутмоқда. Ватаннинг эртанги куни, борлиғи, орзу-умиди, ишонган тоғи, яшнаган боғи, кўрар кўзи бўлмиш ёшлар, албатта, мўмин-қобил, одобли-ахлоқли, меҳнатсевар, илмли, маърифатли бўлиб етишишида ҳамда ўз қарашларига эгалик қилишида, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан баркамол авлод, буюк аждодларимизнинг муносиб фарзандлари сифатида шаклланишида биз, зиёлилар жон койитишимиз зарур. Ватан биздан ақл-идрокли, доно ва зукко авлодни тарбиялаб беришни талаб қилмоқда. Чунки, ақл-идрок, маънавият шундай кучга эгаки, у инсонга энг оғир пайтларда ҳам куч-қувват бахшида этади, қийинчиликларни енгиб ўтишида йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

Маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Бунда жамоат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари, диний идоралар ходимларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Аммо ўзаро ҳамкорлик асосида маърифий ишларни ташкил этиш, афсуски, ҳанузгача замон талабларидан орқада қолмоқда. Натижада маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, одамларни, айниқса, ёшларни маънавият сарчашмасидан баҳраманд қилишда нуксонлар кўзга ташланмоқда.

"Дунёда мавжуд бўлган жамики борлиқ, - дейди аллома ибн Сино, - ўз табиатига кўра камолот сари интилади. Камолот сари интилиш эса ўз моҳият эътибори ила яхшиликдир"<sup>33</sup>. Камолотга етишиш ҳам маънавиятли кишига хос фазилат бўлиб, бундай туйғуга эга бўлган шахс доимо очик кўнгил, меҳмондўст, саботли, чидамли, сабр-тоқатли бўлишга ҳаракат қилади.

Қачонлардир инсон томонидан ихтиро қилинган оддийгина пул ҳозирга келиб одамзоднинг яшаш тарзини, керак бўлса онгу шуурини белгилаб берувчи кудратли кучга айланди. Бутун дунё халқи пул учун меҳнат қилади, энг ёмони кимлардир ана шу бир парча қоғознинг қулига айланиб, ваҳшийлик, зўравонлик, қотиллик каби разилликларга қўл уришдан ҳам қайтмайди.

Инсон томонидан ишлаб топилаётган маблағнинг асосий қисми қуролланиш пойгасига сарф этилаётганлиги янада ачинарлидир. "Дунёнинг 100 та қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи компаниялари томонидан сотилган қурооллар ва кўрсатилган ҳарбий хизматлар

<sup>33</sup> Ибн Сино Рисолаи ишк. (форс тилида) Техрон. 6-бет.

ҳажми 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,9 фоизга ўсди. АҚШ ва Россия бу борада қурооллар сотиш миқдорини оширди. Стокгольм институти жаҳоннинг 100 та йирик ҳарбий-саноат компанияси рейтингини эълон қилди.

Таҳлилчиларнинг қайд этишларича, 2016 йили сўнгги беш йилда илк бор савдо ҳажми кўтарилган. Америка компаниялари умумий қурол-яроғлар савдосида ўз улушини 4 фоизга яхшилаб олган. АҚШнинг жаҳон қурооллар савдосидаги умумий улуши эса, 57,9 фоизни ташкил этмоқда ва ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ғарбий Европа давлатлари ҳам қурооллар савдосини 0,2 фоизга оширишнинг уддасидан чиқишган. Рейтинга киритилган Россия компанияларининг 2016 йилдаги улуши 3,8 фоизга ўсган, бироқ экспертлар ўсиш суръати секинлашганини таъкидлашган.

Умуман олганда Россиянинг жаҳон қурол-яроғлар савдосидаги улуши 7,1 фоизни ташкил этмоқда<sup>34</sup>.

Ана шундай бир шароитда юртимизда пешона тери эвазига топилган маблағнинг асосий қисми келажакка сармоя сифатида тикилаётганлигини бутун дунё кўриб-билиб турибди ва бу танланган йўл энг тўғри. энг самарали усул эканлиги халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Франциянинг нуфузли "Insead" халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ)нинг қиёсий ахборотида Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаган. Ушбу тадқиқот дунё миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқарадиган, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи истиқомат қиладиган 141 мамлакат ўртасида ўтказилганини инобатга олсак, берилган баҳо нақадар юксак ва ҳолис эканини яққол тасаввур этиш мумкин.

Зеро, дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири давом этаётган бир шароитда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи ва давлатимиз бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилаётгани эътирофга лойиқдир. Ёшларимизни ҳар томонлама етук, юксак интеллектуал салоҳиятли авлод қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган ана шу маблағларга келажакка йўналтирилган сармоя сифатида қаралмоқда.

<sup>34</sup> www.kun.uz/. 11.12.2017 йил. Дунёнинг энг кўп қурол сотувчи мамлакатлари – АҚШ ва Россия.

Юкорида келтирилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда ёш авлодни маънавийатли қилиб тарбиялашга жуда катта аҳамият бериб келинмоқда. Шаҳару қишлоқларда замонавий ўқув даргоҳлари қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқдаки, бу ҳам уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишларида муҳим рол ўйнамоқда. Ватаннинг эртанги кунни, борлиғи, орзу-умиди, ишонган тоғи, яшнаган боғи, кўрар кўзи бўлмиш ёшлар, албатта, мўмин-қобил, одобли-ахлоқли, меҳнатсевар, илмли, маърифатли бўлиб етишишида ҳамда ўз қарашларига эгалик қилишида, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан баркамол авлод, буюк аждодларимизнинг муносиб фарзандлари сифатида шаклланишида биз, зиёлилар жон қойитишимиз зарур. Ватан биздан ақл-идроқли, доно ва зукко авлодни тарбиялаб беришни талаб қилмоқда. Чунки, ақл-идроқ, маънавийат шундай кучга эгаки, у инсонга энг оғир пайтларда ҳам куч-қувват бахшида этади, қийинчиликларни енгиб ўтишида йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

"Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч-имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади<sup>35</sup>, - деб ёзади И.Каримов ўзининг "Юксак маънавийат - енгилмас куч" асарида.

Дарҳақиқат, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Бунда жамоат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари, диний идоралар ходимларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Аждодларимизнинг илм юзидан қийинчилик пардаларини кўтарувчи ва ноаниқликларни илм орқали бартараф этувчи халқ эканлиги бугун дунё аҳлига аён. Бунга буюк мутафаккир, комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг онгли ҳаёти ва шижоатли хатти-ҳаракати ёрқин мисол бўлади. Шу ўринда бобокалонимиз ҳақидаги қонуншунос олим ал-Валволижийнинг бир ҳикоясини келтириб ўтишни лозим топдик, у шундай ҳикоя қилади:

<sup>35</sup> Каримов И. А. Юксак маънавийат – енгилмас куч. –Т.: “Маънавийат”, 2008. 4-бет.

"Бир куни Абу Райҳон Берунийнинг олдига кирдим, қарасам, у жон бераётган, ғарғара билан нафас олиб, кўкраги сикилаётган эди. Ўшандай ҳолда туриб, менга қараб:

- Сен бир куни менга "ал-жаддат ал-фосида" ҳисоби ҳақида нима деган эдинг? –деди.

- Шундай ҳолатда-я?- деб сўрадим.

- Эй сен, - деди Абу Райҳон Беруний, - мен бу дунё билан хайрлашаётиман, ўша масаласини билмай кетганимдан кўра, билиб кетганим яхшироқ эмасми? –деди.

Мен ўша масалани унга тушунтириб бердим, у бўлса уни ёдлаб олди ва ўзи ҳам ваъда берган нарсасини менга ўргатди. Шу билан мен унинг олдидан чиқдим, ҳали уйга етмай, йўлда кетаётганимда Абу Райҳон Берунийнинг уйдан йиғи овози эшитилди".

Кўриниб турибдики. Абу Райҳон Беруний ҳазратлари ўлим билан юзма-юз келганида ҳам билимга интилди, ундан баҳра олди, қолаверса, ал-Валволийга берган ваъдасига вафо қилиб, унга қачонлардир ўргатишга сўз берган билимнинг сирларини очди.

Биз ёшларимизни ҳар куни, ҳар соатда, ҳар сонияда буюк аждодларимизнинг маънавий дунёси мисолида тарбиялаб боришимиз шарт. Шундагина келажакимиз эгалари буюк ўтмишдошларимизнинг муносиб ворисларига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, биз асрлар давомида сайқал топиб келган ана шу маънавиятга суянсак, унинг ҳаётбахш ўғитларидан баҳраманд бўлсак ва аждодларимиз каби маънавиятли бўлишга эришсак илму фан равақ топиб, жамиятимиз тараққиётнинг юксак чўққисини забт этади, заминимизда том маънодаги инсонийлик ҳукмрон бўлади. Бас шундай экан, маънавиятли бўлишга интилиш ёшу қарининг энг муҳим вазифасига айланмоғи шарт.

### **2.3. Миллийлик ва умуминсоний маънавият ҳамда унинг сиёсат, ҳуқуқ ҳамда ҳокимиятдаги ўрни**

Миллий маънавият – муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликдир. Миллий маънавият, аввало, тарихий ҳодисадир. У бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда ҳам мукамал шаклга қирмайди, бунинг учун минг-минглаб йиллар талаб этилади.

Минтақавий (регионал) маънавият – муайян жуғрофий минтақа миллатларига хос, улар учун умумий бўлган маънавий бойлик-



лардир. Масалан, минтақавий маънавият Марказий Осиё халқларининг маънавиятидаги, ёки янада кенгрок доирада оладиган бўлсак, Шарқ халқлари маънавиятидаги муштараклик, ўхшашликни ўз ичига олади.

Минтақавий маънавиятда турли элатларнинг умумий бирлиги, бир-бирига якинлиги, турмуш тарзи ва моддий ҳаёт шароитларига хос муштарақ жиҳатлар намоён бўлади.

Умуминсоний маънавият – бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Миллий маънавият – бошқа миллат маънавиятидан тубдан фарқ қилинадиган маънавият дегани эмас. Чунки биздаги миллий маънавият бошқа халқларда муайян тарзда бор, мавжуддир. Аммо миллий маънавиятда бошқа халқларнинг маънавияти айнан такрорланмайди.

Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Шу боис ҳар бир халқ ўзининг миллий маънавиятни асрлар давомида аввайлаб-асрайди. Ғанимлар томонидан жамиятда мавжуд бўлган миллий маънавиятни йўқотиш учун ҳаракат қилинса миллийлик ва миллий маънавиятни сақлаш учун кураш авжига чиқади, чунки ҳеч бир халқ ўзлигини йўқотиб оломонга айланиб қолишни истамайди.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, миллий маънавият ҳодисаси ҳам тарихий, ҳам замонлар оша ўз мавжудлигини сақлаб қолгувчи кўп ўлчамли воқеликдир. Инсон маънавий олами ўлчамлари чексиз бўлиб, уни ҳеч бир нарса билан ўлчаш, қиёслаш мумкин эмас. Миллий маънавият, аввало, миллий онгда ривожланиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан буён миллий онгни ривожлантириш масаласига тарбиявий ишнинг муҳим бўғини сифатида қаралмоқда. Миллий оннинг ривожланиши пировард миллий ўзликни англаш сари етаклайди.

Миллий маънавиятнинг асосий белги ва ўзаги – миллий ахлоқ саналади. Бизнинг миллий ахлоқимиздаги белгилар бошқа халқлар ахлоқий қарашларида муайян тарзда намоён бўлади.

Миллий маънавиятда – миллий ҳис, туйғу, руҳият ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, замона тақозоси билан бошқа юртга сафарга борсак ва ўша ерда миллий куй, қўшиқни эшитгудек бўлсак, вужудимизни ажиб бир ҳис, туйғу қамраб олади ва ундан руҳий ҳузур оламыз, қаноат ҳосил этамыз, яъни маънавий озуқаланамиз.

Миллий маънавиятда – миллий манфаат ҳам муҳим роль ўйнайди. Собиқ шўролар даврида миллий манфаатни миллатчиликка йўйганлар ва миллий манфаатни ҳимоя қилган кишиларни, раҳбарлар ва ёзувчиларни миллатчи деб бадном этганлар.

Ўзбек халқи учун умуминсоний маънавият билан бирга миллий маънавият ва унинг бойликлари ҳам ғоят қимматлидир. Буларга ўзбек халқининг ўзи яратган, бойитган, сақлаб келаётган, авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, сайқал топиб, ривожланиб бораётган миллий-маънавий бойликлар, аждодлардан қолган ахлоқий анъана, маросимлар, ахлоқий панд-насиҳатлар ва ҳоказолар киради.

Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг илмий меросларида, манбаларда ўзбекларда қадрланган ўзбекона ахлоқ, одобга оид маънавий фазилатлар ҳақида кўплаб қимматли фикр, маълумотлар мавжуддир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб маънавий-ахлоқий сифатларни тасвирлайди. Булар иймон ва эътиқодлилиқ, андишаллиқ, оилага муҳаббат, болажонлиқ, ҳалоллиқ, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслиқ, фарзандларнинг ота-оналарига, ака-ука, опасингил, қариндош-уруғларига меҳрибонлиги, диний қадриятларга риоя қилиш, саводхонлиқ, саховатлилиқ, хушфёъллиқ, ширинсўзлиқ, мардлиқ, одиллиқ, ҳаёллиқ, саҳийлиқ, одамийлиқ, оқкўнгиллилиқ, меҳнатсеварлиқ ва бошқалардир.

Марказий Осиёға саёҳатға келган Герман Вамбери "Бухоро ёхуд Мавороуннаҳр тарихи" асарида Олтин Ўрдадаги ўзбекларнинг мусулмонча тарбияланганини, савдо-сотикда оғир-вазминлигини, оқкўнгилли ва самимийлигини, камгаплигини, ваъдасига содиқлилигини, довжураклигини, шинавандалигини, оилавий муносабатларда поклигини, мулоҳазалилигини, андиша билан тўғри сўзлашини, ота-онаға ҳурмати ва эътиқоди кучлилигини, биринчи бўлиб ўтирмаслигини ва биринчи бўлиб сўзламаслигини, муғомбирликни билмаслигини, динға эътиқоди кучлилигини айтади.

Ўзбек халқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятининг давоми бўлиб, уларға дўстлиқ, ўртоқлиқ, меҳмондўстлиқ, одамгарчилиқ, инсонпарварлиқ, ахлоқий теранлиқ, тadbиркорлиқ, фазилатлилиқ, саҳийлиқ, хушмуомалалиқ, жамоа ичида ўзини тута билишлиқ, ҳаёллиқ, сизлаб муомала қилиш, озодалиқ, хушчақчақлиқ, хушфёъллиқ, мардлиқ, самимийлиқ, лутфи карамлилиқ, рўзгорпарварлиқ, ширинсўзлиқ, ташаббускорлиқ, она-юрт ва халқига муҳаббатлилиқ, инсофлилиқ,

диёнатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, ору-номуслилик, тўғрилиқ, режалилик, поклик, сабр-андишалиқ, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат, инсофлилик, иймонлилик, миллий ғурур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва бошқа миллий, маънавий-ахлоқий фазилатлар қиради.

Миллат, халқ бор экан унинг маънавий дунёсида миллий жиҳатлар доим сақланиб қолади. Ўзбекларнинг миллий маънавияти, эркак ва аёлларнинг ўзига хос шарқона ахлоқий фазилатлари, ота-она, фарзандлар, кўни-кўшнилар, маҳалла-кўй алоқалари, ҳалоллик, иймон, виждон билан боғлиқ маънавияти фақат ўтмиш садоси эмас, балки ҳозирги кун учун ҳам ҳосдир.

Ўзга миллатларнинг маънавий кадриятлари қанчалик таъсир кўрсатмасин катталарга, ота-онага ҳурмат, камтарлик, ҳалоллик, иймонлилик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик сингари миллий маънавий фазилатларимиз барқарордир. Чунки бу маънавий хислатлар авлоддан-авлодга ўтиб, қон-қонимизга сингиб кетган. Аёлларимиз қанчалик замонавийлашмасинлар, улар ҳаё, ибo, номус бoбидa, oила, қариндош-уруғларга нисбатан муносабат бoбидa шарқона, ўзбекoна фазилатларни тарк этмайдилар. Миллат бор экан, унинг маънавияти сақланиб қолади ва ривожланаверади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ота-онани, ёши катталарни улуғлаш ва кичикларнинг иззатини ўз ўрнига қўйиш, ҳурмат қилиш ҳам миллий маънавиятимизга қиради. Бу йўл истиқлол ва истиқбол муаммоларини ўтмишнинг бой тажрибаси билан боғлашга яқиндан ёрдам беради.

Одатда кишилар кўпинча икки ишда катта хатога йўл қўядилар. Биринчиси, ёшларни ҳали ёш деб, уларга ишонмаганида, иккинчиси, кексаларни қария деб четга суриб қўйганида. Аслида ёшларда келажакка интилиш билан боғлиқ бўлган катта ташаббус, куч ва ғайрат бўлади. Ҳаёт йўлида кўп иссиқ ва совуқ кунларни бошдан кечириб, бой тажриба орттиргани учун катталарда узокни ўйлаб, босиқлик билан иш қилиш, етти ўлчаб бир кесиш сингари маънавий бойлик ва етук тафаккур салоҳияти мавжуд. Ўзбекларнинг "Қари билганни пари билмас" деган ҳикматида кўп маъно бор. Ёшларнинг ташаббуси, кучи, ғайрати кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаси билан боғлангандагина яхши ижобий самара беради. Кекса авлоднинг билими, ҳаёт тажрибаси ёшлар учун маънавий камолот ва ибрат мактабидир.

Собиқ иттифоқ тоталитар тузуми шароитида маънавий-ахлоқий фазилатларнинг миллий жиҳатлари, анъаналари инкор этилди ёки камситилди. Улар маънавий қолоқлик ифодаси сифатида талқин этилди. Шарқ халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг минг йиллик маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган ҳадислар, шариат ҳукмлари диний хурофот сифатида қораланди.

Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарму ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон кадр-қиммати тўғрисидаги маънавий қадриятларига зид бўлган европача анъаналар ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Шу туфайли баъзи бир ёшлар қалбида маънавий тубанлик юзага келди. Уларда асрий миллий маънавиятимизга зид бўлган бағритошлик (фарзандни, ота-онани ташлаб кетиш сингари), қотиллик (ўз фарзандини ўлдириб яшириш), худбинлик, маиший бузуқлик, гиёҳвандлик каби маънавий қиёфа юзага келиб, илдиз ота бошлади.

Собиқ иттифоқ тоталитар тузуми барбод бўлиши, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши жамиятимиз маънавиятида чуқурлашиб бораётган инкирознинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Миллий мустақиллик туфайли жамиятимизда миллий маънавий покланиш, ўнгланиш, тикланиш жараёни юз берди. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш, мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш ҳозирги кундаги миллий-маънавий тарбия ишининг асосий максадидир. Шу ўринда миллий-маънавий тарбия ва унинг асосий йўналишлари ва моҳиятини аниқлаб олиш зарур.

Миллий тарбия – у ёки бу миллатни, элатни ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданиятни, меросни, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятини ривожлантириш бўлиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир.

Миллий тарбиянинг асосий йўналишларини миллатпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак инсонийликни ривожлантириш, мерос, урф-одатлар, қадриятлар, фан-техника, технологияларни ўзлаштиришга интилишни ривожлантириш, меҳр-оқибат, иймон-этиқод, ор-номус, инсоф-диёнат, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини тушуниб етиш

ва унга амал қилиш руҳиятини шакллантириш кабилар ташкил этади.

Миллий тарбиянинг яна бир йўналиши – ота-она, кариндош-уруғларнинг ҳурматини жойига қўйиш, оила муқаддаслиги туйғуларининг баркамол бўлишига эришиш, ўзаро муносабатларда ёнма-ён яшаётган ўзга миллатлар ва элатлар вакилларининг манфаатларини ҳисобга олиш кабилар ташкил этади. Ҳеч биримизни халқимизга хос ана шундай фазилатлар тарк этишига йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир"<sup>36</sup> деб оилага таъриф беради.

Дарҳақиқат, оиланинг жамият маънавияти юксалишидаги мавқеи беқиёсдир. Тилимизда оилани ватан маъносида, яъни ватан қилмоқ – оила қурмоқ, оилали бўлмоқ маъносида ҳам қўллаймиз. Демак оила ватан ичидаги ватандир. Оила инсон маънавиятини шакллантирадиган мезон, жамият тараққиётини юксалтирадиган омил, демографик, этнографик аънаналарни давом эттирадиган макон сифатида улуг қадриятдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъбирича, "Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли аънаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади"<sup>37</sup>. Дарҳақиқат, ўзбек оиласининг мустаҳкамлик ва узоқ яшовчанлик сири ва саодати айнан ўзбек оиласининг маънавий юксаклигидадир. Шу билан бирга оила мураккаб ва серқирра ҳодисадир. Ҳар бир оилада оила юритиш хилма-хилликда кечади. Аммо барча ўзбек оилаларида умумий тамойилларимиз, аънаналаримиз, урф-одатларимиз каби муқаддас қадриятларимиз барҳаётдир.

<sup>36</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. -75-бет.

<sup>37</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т.: "Ўзбекистон", 1992. -21-бет.

Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила маънавиятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустақамлигини таъминлаш борасида мислсиз ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳукумат томонидан оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган расмий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинганлиги оила институтини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигидан дарак беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юртимизда юксак мукофот – "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис қилинганлиги оила институтига бўлган эътиборнинг яна бир яққол тасдиғидир. 2012 йилга "Мустаҳкам оила йили", деб ном берилишининг замирида оила – жамият таянчи, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асоси, халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялашдек эзгу мақсадлар мужассам, десак янглишмаймиз.

Дунёдаги барча халқлар оила қуриб яшайди, аммо унга муносабат турлича. Оилани бири – зурриётни давом эттириш воситаси деб қараса, иккинчиси эркин муҳаббат деб билади, учинчиси мулкий муносабатни ифода этадиган эр-хотин иттифоки, яна бири – кўпайиш, яратиш. яшашнинг макони деб эътиоф этади. Ўзбек оиласи эса барча фазилатларни ўзида мужассам этган маънавий тарбия масканидир. И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас, Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла – юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради"<sup>38</sup>. Ёхуд "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди"<sup>39</sup>.

Абдирауф Фитрат ёзганидек "Инсонларнинг давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкени торгиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, кул ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ". Дарҳақиқат, фарзандларни маънавиятли қилиб тарбиялаш отананинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юсуф Хос Ҳожиб

<sup>38</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий- ижтимоий ва иқтисодий истиклолининг асосий тамойиллари. -Т.: "Ўзбекистон", 1999, 18-бет.

<sup>39</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008, 56-бет.

айтадики, оилавий тарбия – болаларнинг ахлоқий кифасини шакллантиришда энг асосий нарсадир.

Таълим-тарбия тарихига назар ташлар эканмиз, ўтмиш маърифий меросимизда энг муҳим масала – инсон масаласи, уни етук қилиб тарбиялаш муаммоси ҳамisha долзарб бўлиб келганига амин бўламиз. Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишида ва уни янада ривожлантиришда, аввало, аҳолининг маънавияти, миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, оилавий шароитидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқиш лозим. Шу боис Ўзбек халқининг катталарни хурмат қилиш, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатъи назар, одамларга хайрихоҳлик муносабатида бўлиш каби қадриятларини ўрганиш муҳим касб этади. Чунки Ўзбек халқининг ўз диёрига иштиёқининг кўплиги, меҳнатсеварлиги, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатиши Шарқ халқларига, жумладан, Ўзбек халқига хос хусусиятдир.

Аслини олганда, болага маънавий тарбия бериш вазифаси онага қараганда, кўпроқ ота зиммасида бўлади. Бу оилада тарбиянинг асосини ташкил этувчи олтин коидадир. Отанинг оилани моддий таъминлаш учун меҳнат қилиши унинг фарзанди билан мулоқотда бўлишини чегаралаб қўйиш билан бирга, чегараланган вақтини оила эҳтиёжлари билан боғлиқ ишларга сарф қилиб, оиласи ва фарзандларига бериши керак бўлган маънавий тарбияни тўлақонли амалга ошира олмаслигига сабаб бўлади. Натижада маънавий тарбияда бўшлиқ пайдо бўлади ва бу бўшлиқни тўлдириш онанинг зиммасига тушади. Она ёлғиз бошига таълим-тарбиядаги бўшлиқни бартараф этишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, бу ишнинг уйдасидан чиқиши қийин кечади, чунки онанинг зиммасида бола тарбиясидан бошқа юмушлар тўлиб-тошиб ётибди. Натижада бола ҳаёт сабоқларини дўстлари ва бошқа манбалардан, масалан, телевизор, интернет тармоқларидан ўрганади. Оқибатда бола ота-онаси орзу қилгандек инсон бўла олмайди, у турли психологик муаммоларга дуч келади ва ҳаёт ташвишлари олдида ўзини йўқотиб қўяди. Шу боис ота-она бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу ишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси, бурчи деб билмоғи шарт, деб ҳисоблаймиз.

Африкада бир қабила бор. Уларда яланғич юриш "маданият" ҳисобланади. Негадир кейинги пайтларда дунёнинг барча ҳудудларида шу қабиладан "ўрнак" олиш, ярим яланғоч юриш одат

тусига кириб бормоқда. Ҳатто яқинда Австралияда бир гуруҳ "ақлироса"лар ялангоч ҳолда намойиш ўтказишиб, барчани кийимсиз юришга даъват этишди.

Аввал ғарбда ҳам оила муқаддас даргоҳ деб ҳисобланган. Ҳозирда бу муносабат салбий томонга ўзгарди. Назаримда оилага ғарбона "маънавий эркинлик" мартабасининг берилиши ана шундай салбий ҳолатнинг юзага келишига олиб келди. Ҳозирги кунда Европа мамлакатларида қонун йўли билан эркакнинг эркак билан "оила" қуришига ва уларга бола боқиб олишига рухсат бериш, оила қурмай якка-ёлғиз яшаш, муҳаббат "эркинлигига" эришиш каби маънавият тамойилларидан йироқ ғоялар илгари сурилмоқда. Қолаверса, ўзини ривожланган давлат санаётган бир қатор мамлакатларда "Чайлд фри" ҳаракати юзага келмоқда. Таниқли олим Владимир Ныркнинг Россияда чоп этиладиган "Труд-7" газетасидаги "Болалар оталарга қарши" номли мақоласида таъкидлашича, Америка Қўшма Штатларида вужудга келган бундай ҳаракат Россия Федерацияси бўйлаб ҳам қулоқ ёймоқда<sup>40</sup>.

Ҳўш, "Чайлд фри" ҳаракатининг мақсад-муддаоси нима, унинг оқибатлари нималарга олиб келади?

"Чайлд фри" инглизча сўз бўлиб, болалардан озод бўлиш, деган маънони англатади. Бу ҳаракат вакиллари "фарзандсиз жамият сари", деган бемаъни ғояни илгари сурадилар. Уларнинг назарида бола ота-она учун муаммодан бошқа нарса келтирмайди, бу ўткинчи дунёда ҳар ким ўзи учун яшашни, фарзанд ташвишини унутиши, бунинг учун эса фарзандсиз жамият сари юзланиш лозим эмиш. Энди бу ҳаракат оммавий тус олса нималар содир бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг, буни ўйлашнинг, тасаввурга сиғдиришнинг ўзи даҳшат эмасми?!

Аслини олганда фарзандсиз оила – миллатнинг, маънавиятнинг фожиаси. Европадаги айрим олимлар ўз миллатларининг тақдирдан ташвишланиб, кўпайиш суръати кўп бўлган мамлакатларда туғилишни камайтириш чораларини кўришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу ниятда улар турли халқаро анжуманлар ўтказишиб, халқаро битимлар, қарорлар имзолашга, ўзга мамлакатларнинг ички масалаларига аралаштиришга ҳаракат қиладилар. Аслини олганда, жамиятнинг, маънавиятнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш,

<sup>40</sup> "Жертвы аборта". "Труд-7", 3 августа 2006 г.



оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш дунё ҳамжамиятининг энг асосий вазифаси бўлмоғи, бу ишга ҳеч қачон лоқайдлик билан муносабатда бўлинмаслиги шарт. Чунки "Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор" бўлади.

Хуллас, умуминсоний маънавият – бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавият узоқ ва яқин ўтмишдаги ҳозирда эса маънавий жиҳатдан жуда қимматли, инсон қалбида ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, инсоният ижтимоий манфаати, эҳтиёжи учун хизмат қиладиган, уларни эзгуликка йўллайдиган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавий бойликларига эса илм-фан, жумладан фалсафий тафаккур ютуқлари, адабиёт ва санъат асарлари, кашфиёт ва ихтиролар, маънавий маданият дурдоналари, хурфикрлик, умуминсоний ахлоқий меъёрлар ва бошқалар киради.

Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни қадимдан жамият тарққиётини белгилаб берувчи омил бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Чунки сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимият қачонки маънавият аталмиш буюк кучдан баҳра олар экан, унинг илдизи мустаҳкам, ғоялар халқпарвар бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти" номли асари Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Ушбу асарда мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, "Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади", – деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик.

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислом Каримов шундай ёзади: Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиклигидир.

Дунёни ўз салоҳияти, ақл-заковати билан ларзага келтирган ўзбек халқига ўзликни англашни, яъни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида яшашни инсон учун муқаддас неъмат саналмиш мустақиллик берди. Аслини олганда мустақиллик олий кадриятлардан биридир. Айнан ана шу буюк неъматдан инсоннинг Мосуво этилиши маънавиятнинг устувор илдизи бўлмиш кадриятлар илдизига болта уриш демакдир.

Кадриятлар категорияси фақат буюм ва нарсаларнинг иқтисодий қиймати эмас, жамият ва инсон учун аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, нарсалар, воқеа-ҳодисалар, талаб ва тартибларнинг кадрили ифодалаш учун ишлатилади. Кадриятлар ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар мажмуи сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳаракатини тартибга соладиган маънавий ҳодисага айланади. Муайян бир элат, миллат, халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ кадриятлар миллий кадриятлар ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кадриятлар табиий, моддий, маънавий, эстетик, миллий, умуминсоний каби турларга бўлинади ва улар бир-бири билан доимий алоқада. Уларнинг бири иккинчисини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради. Агарда улардан бири паймол этилса, қолганлари ҳам инқирозга юз тутади.

Биз энг олий кадриятни инсон, деб биламиз, чунки инсон миллий кадриятларни дилида жо қилиб, табиатни обод, жамиятни гўзал ва фаровон қилувчи, тинчлик, демократия, яъни ҳаёт қуриш учун кураш олиб борадиган онгли мавжудотдир. Миллий кадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, миллатларнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики моддий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Токи, миллатлар, миллий манфаатлар ҳукм сулар экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий туйғулар ҳам, миллий кадриятлар ҳам сақланиб қолаверади.

Ўзликни англаш ибтидоси Ватан туйғусидир. Ватан тушунчаси кенг камровли, кўп маъноли тушунча бўлиб, уни ҳар бир инсон

турлича талқин этса-да, уларнинг барчаси Ватанни маънавий қадрият сифатида эъозлайди. Ватан тушунчаси том маънода ўзи фуқаро бўлган мамлакатга тааллуқли эканлигини ҳис қилиб яшашдир. Бугунги кунда Она-сайёрамиз бўлмиш Ер барча бани башарга ягона Ватан бўлиб, уни пок ҳолда сақлаш, бойликларини асраб-авайлаш инсоният учун ҳаёт-мамот масаласига айланди.

Тажрибалардан аёнки, ўз Ватанини севмаган, миллатини эъозламаган инсон ўзганинг ҳам, башариятнинг ҳам, куррайи замин ободлигининг ҳам қадрига етмайди. Ватанга садоқат ҳақиқатга садоқатнинг, миллатга меҳр аҳли башарга меҳрнинг ибтидосидир. Бусиз на адолат ғалаба қилади, на ҳақиқат юзага чиқади, на инсоннинг ўз шахсига эҳтироми шаклланади. Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, бўшлиқда муаллақ қолади. Ватанга муҳаббат аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллиқ туйғуларини тарбиялайди.

Мустақиллик маънавияти Ватанга муҳаббатдан, миллат манфаатларига садоқатдан бошланади. Бу туйғулар ҳар бир шахснинг ўз ички имкониятларини Ватан манфаати йўлида унумли ривожлантириши билан намоён бўлади. Унда миллий-маънавий меросдан мукамал баҳрамандликка интилиш умумбашарий қадриятлардан оғишмаслик, ўзга миллатлар маданияти, ўзга минтақа ва ўлкаларда эришилган илғор тажрибаларни ижодий ўзлаштириш иштиёқи билан уйғунликда тўлақонли тажассум топади. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий иймон Ватанга меҳрдан, Ватан ва миллат, мамлакат ва халқ олдидаги юксак масъулият ҳиссидан бошланади.

Ватанга меҳр, авваламбор, унинг табиатига онгли муносабатда бўлишда намоён бўлади. Зеро, бизни боқадиган, кийинтирадиган Она-тупроқ бўлмаса, Ватан ҳам бўлмайди. Шу боис ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишида экологик хавфсизлик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай муаммони бартараф этиш миллий хавфсизликни таъминловчи, қадриятларни эъозловчи муҳим омиллардан биридир.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Биринчи Президентимиз И.А.Каримов экологик вазиятни соғломлаштириш, биздан келажак авлодга озод ва обод Ватан қолдириш ғоясини илгари сурди. 2010 йилда бўлиб ўтган БМТ саммити минг йиллик ривожланиш

мақсадларига бағишланган ялпи йиғилишида ҳам экология масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, атроф-муҳитни асраб-авайлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигига алоҳида урғу берарди.

Аммо биз табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ўрнига, уни топташ, бойликларини аямай ишлатиш талвасасига тушиб қолдик. Шу боис табиий офат инсониятга 2009 йилда 63 миллиард доллар зарар келтирган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 222 миллиард долларни ташкил этди, шунингдек, шу йилда 370 тадан ортиқ табиий офатлар рўй бериб, дунё бўйича 300 минг кишининг ёстигини қуритди, 2011 йилнинг ўтган 4 ойда эса рўй берган табиий офатлар инсониятга 250 миллиард доллардан ортиқ зарар келтирди. "Лондондаги геоўзгаришлар халқаро қўмитаси экспертлари 2011-2015 йилларда сайёрамизда аввал башорат қилинганидан кўпроқ табиий офатлар юз бериши, 2016 йилдан бошлаб эса катта ҳудудларни сув босиши мумкинлигини таъкидлай бошладилар. Уларнинг фикрича, айниқса, 2016-2019 йилларда жиддий иқлим ўзгаришлари юз беради.

Табиат тушунчаси кенг маънода фалсафий тушунча ҳисобланади. Табиат бениҳоя хилма-хил шакл ва кўринишлари билан инсонни қуршаб турган моддий олам, бутун мавжудотдан иборат қадриятдир. Аслида жамият ҳам табиатнинг таркибий қисми бўлиб, инсон унинг эволюцион тараққиётининг чўққисидир. Аммо "фарзанди" бўлмиш инсоният табиатга ўз таъсирини ўтказиб, уни ўзига хизмат қилдириш борасида ҳеч нарсадан қайтмади. Шу боис бугун табиатнинг жамиятга таъсири эмас, балки жамиятнинг табиатга таъсири масаласи тарих саҳнасига чиқди.

Табиат – бу инсониятнинг чексиз-чегарасиз бойлиги эмас, аксинча, юқорида таъкидлаганимиздек, инсон унинг таркибий бир бўлагидир. Ана шундан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг институционал ва ҳуқуқий базаси яратилди. Ўзбекистон бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилди, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро нормалари асосида мавжуд экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда. Биз ҳам келажак авлодга ўзимиздан озод ва обод Ватан, улуғ қадрият қолдирмоғимиз шартлиги, бунинг учун эса табиатни авайлаб-асрашимиз зарурлигини унутмаслигимиз лозим.

Инсон ҳуқуқлари ҳам жамиятнинг энг олий қадрияти бўлиб, у бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунча. Инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талаби, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси, ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутди. Демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти қурилиши барча фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига дахлдор бўлган билимларни етарли даражада эгаллашларини тақозо этади. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари БМТнинг қарийб 80дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган. Эндиликда дунёда инсон ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқий нормалар тизими ҳамда уларнинг кафолатлари механизмларини ялпи ҳолатда мустаҳкамлашга йўналтирилган халқаро гуманитар ҳуқуқ шаклланмоқда.

Юқорида баён этилганидек, маънавият тараққиётида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. Қайси мамлакатда маънавият ва маърифатни кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини яратади.

Маънавият, маърифат ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи устида тўхталишдан олдин сиёсатнинг моҳиятини очиб бериш лозим.

Давлат тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсат олиб боришни мақсад қилиб олган ва унга амал қилган бўлса, у албатта ташқи сиёсатда ҳам ўзга халқларнинг ерларини тортиб олиш, уларни асоратга солиш, талончилик қилиш каби тажовузкор сиёсатни эмас, балки барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёсатини олиб боради. Ташқи сиёсатда бундай йўлни тутган давлатлар қуролланиш учун кетадиган харажатларни мамлакатнинг маънавий ва маърифий ривожланишига сарфлайди. Ўз навбатида, фуқароларнинг юксак маънавиятга ва маърифатга эга бўлишлари мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Маънавият ва маърифатга таянган мамлакатда тинчлик, барқарорлик ҳукмрон бўлади ва у тараккий қилиб бораверади. Маънавияти ва маърифати юксак халқнинг давлати ҳам ҳар томонлама юксалиб бораверади. Маънавият ва ҳуқуқ бир-бири билан боғлиқдир. Жамият, давлат доирасида ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши одамларнинг қайси даражада маънавиятга эга бўлишларига боғлиқдир. Мамлакат миқёсида қабул қилинадиган конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг даражалари шу мамлакат фуқароларининг маънавияти ва сиёсий маданиятини ифода этади.

Миллатидан, этникодидан қатъи назар ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши, унга амал қилиши ва байналмилал тарбияга эга бўлиши жамият ҳаёти учун, мамлакатда барқарорлик ва қонунлар устуворлигини таъминлашда катта амалий аҳамиятга эга.

Хуллас, маънавият ҳокимият тизимида турли табақа, турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам этиб, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналади.

### **III БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – МАЪНАВИЯТГА ЭЛТУВЧИ КУЧ**

#### **3.1. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари ва негизлари**

Миллий истиқлол ғояси инсонни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули деб эмас, балки турли интилишлар ва мақсадларни ўзида мужассам этадиган, доимо зиддият ҳамда олишувлар ичида яшайдиган яхлит мураккаб бир тизим, ижтимоий ҳодиса сифатида тушунтиради. Яъни, мафкура нуктаи назаридан инсон, бир томондан, юксак орзу ва мақсадларни кўзлаб яшайдиган буюк бунёдкор, иккинчи томондан эса, турли таъсирларга берилувчан, ишонувчан, адашишга мойил, баъзан эса урушлар, инқилоблар содир этишдан ҳам қайтмайдиган вайронкор куч.

Инсоннинг бундай чигал ва мураккаб моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов жуда аниқ таърифлаб берган: "Барчамизга маълумки, Аллоҳнинг ўзи инсон зотини вужудга келтирар экан, уни турли қиёфада, нафақат юз-кўз, балки феъл-атворини ҳам бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган.

Ер юзида қанча инсон яшайдиган бўлса, бармоғининг изи ҳам, ички дунёси ҳам бир хил бўлган иккита одамни топиш, учратиш қийин. Табиийки, бу инсонларнинг фикрлаш тарзи ҳам бир-биридан фарқ қилади. Таъбир жоиз бўлса, кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради"<sup>41</sup>. Қолаверса, ҳар бир инсон қалбида ёвузлик ва эзгулик ўртасида муросасиз кураш боради. Кимки шайтонга тобе бўлса, унинг онгу шуурини вайронкорлик ғояси, Раҳмонга эргашса, бунёдкорлик ғояси эгаллайди.

Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг қалбида, ўй-хаёлида доимо кураш боради. Буни фан ҳам, дин ҳам асрлар давомида эътироф этиб келган ва бундай кураш бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Дунёдаги турли талатўплар, бунёдкорлик ва вайронкорликларнинг диалектив моҳиятини ҳам ана шу кураш ташкил этса ажаб эмас.

<sup>41</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. 23-бет.

Миллий истиқлол ғояси ана шу ҳақиқатни аниқ тасаввур қилган ҳолда, баркамол авлодни вояга етказишни асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб беради. Бу эса миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларининг барчаси диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этишини кўрсатади.

Миллий истиқлол ғоясида шахс камолотида жисмоний ва маънавий тарбия муҳим аҳамият касб этишига, умуман, инсонда барча сифатлар уйғунлашган ҳолда мужассам бўлишига алоҳида эътибор берилади. Бундай олийжаноб мақсад геран илдиизга эга. Чунки бизнинг буёқ аждодларимиз келгуси авлодларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишини орзу қилган. Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий тасаввуридаги баркамол инсон тимсоли бўлмиш Фарҳодга берилган таърифни эсга олайлик: "Ўзи поқу, сўзи поқу, кўзи поқ..." Ёки халқимиз маънавиятининг ноёб ёдгорлиги бўлмиш "Авесто" китобида эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал деган даъватларга урғу берилиши аждодларимизнинг комилликни жуда кенг маънода тушунганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бизнинг бугунги кундаги саъй-ҳаракатларимиз ана шу анъаналарни давом эттирган ҳолда, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган.

Миллий истиқлол ғоясининг диалектик моҳияти яна бир муҳим масалада яққол намоён бўлади. У токи ер юзида ҳаёт бор экан, инсон яшар экан, бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўртасида кураш давом этиши, ахборот воситаларининг кучайиши туфайли инсонлар ўртасида нафақат ташки, балки ички муносабатлар ҳам тобора юзага чиқиб, ўзаро тўқнашиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида бу жараён ғоят мураккаб тус олганини аниқ тушунтириб беради. Вайронкор ғояларга қарши курашда, аввало, огоҳлик ва хушёрлик, бунёдкор кучларнинг бирлиги зарурлиги таъкидланади. Бу шафқатсиз курашда миллий ўзликни англаш, аждодлар анъаналарини давом эттириш халқимиз ва Ватанимизга лойик даражада хизмат қилишнинг ишончли воситасидир.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборатдир. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгида бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларга оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини



тарбиялаш демакдир. Жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса, душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади. Шунинг учун барқарорлик ва хавфсизлик жамиятнинг онглилигига, анланган тўғри тушунча ва билимларга фаол амал қилишга, фикрий, ғоявий бирлигига, булар эса хавфсизлик маърифатига таянади.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бизнингча, баъзан бир томонламаликка йўл қўйилмоқда. Бу ғояни тарғиб қилишда иштирок этаётган мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида, макола ва рисоаларида маърифатчилик билан чекланиш кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бу билан чекланиб бўлмайди. Бу ҳол миллий истиқлол ғоясининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Унинг моҳияти шундаки, у одамлар онгидаги, хотирасидаги ғоялигича қолмай амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётимиз жараёнига сингиб кетишини таъминлаш учун эса, ғоялар амалий ҳаракатларга айланиши жараёнини синчиклаб ўрганиш керак. Бунинг учун даставвал, ғоя бевосита амалиётга, амалиёт дастурига айланиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу жараён қандай юз беради, деган саволларга жавоб топиш керак.

Замонавий психология, ижтимоий психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан бу саволга "кўпинча айланмайди" деб жавоб бериш керак. Чунки инсон онгида, миясида ўнлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб ғоялар бўлади.

Уларнинг барчаси амалиётга айланаверса, инсон ҳам жисмонан майда бўлақларга бўлиниб, парчаланиб кетиши керак эди. Чунки, айти бир сиёсий, илмий, бадий ва бошқа хил ғоялар бўлиши табиий. Улар бир-бирларини тўлғазиши ва кўпинча бир-

бирларига тўла мос келмаслиги мумкин. Натижада, шахс бу ғоялардан энг зарурларини ва ўзи энг тўғри деб билганларини ажратиб ҳаётга татбиқ қилади. Ана шу танлаш, яъни ғоянинг амалиётга ўтишидаги муҳим босқични тўлароқ ва чуқурроқ англаш учун шу танлаш мезонларини аниқлаб олиш зарур.

Мустақиллик кўлга киритилгач, мамлакатимизда кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотлар жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш сингари кўплаб тадбирларни амалга оширишга киришилди. Ислоҳот, ижтимоий руҳият соҳасида ҳам амалга оширила бошлади. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш эди. Бунинг учун эса уларни собиқ шўролар тузуми қолипларидан, боқимандалик, ўзибўларчилик кайфиятидан халос қилиш керак эди. Бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди.

Бироқ бу жараён мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари шаклланиши билан ўзининг яқунловчи палласига кирди. Чунки Ислоҳ Каримов кўп марта таъкидлаганидек "Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердаки бўшлиқ пайдо бўлдимиз, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади"<sup>42</sup>.

Дарҳақиқат табиат бўшлиқдан кўрқади, деган ғояни жамиятга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Тузумлар, жамиятлар, ижтимоий муносабатлар ўзгарганда мафкур ўрни бўшаб қолмайди, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Ўзбекистонда шўро тузуми ва коммунистик партиянинг ягона мафкураси барҳам топгандан кейин унинг ўрни бўшаб қолмади, бу бўшлиқ ўрнини миллий истиқлол мафкураси эгаллади. Аммо ҳали ҳам собиқ тоталитар тузум сарқитлари инсон онгидан бутунлай супуриб ташланмади, бунинг учун эса бизга кучли қуроли керак. Бундай қурол вазифасини фақат миллий истиқлол ғояси бажариши мумкин. Чунки, ҳаётбахш ғоя билан туриб эски ғоялар таъсиридан тўла кутулиш мумкин эмас. Шуниси ҳам борки, миллий истиқлол ғоясидан жамият аъзоларининг кўпчилиги хабардор бўлиши эски тузум сарқитларини супуриб ташлаш учун кифоя қилмайди. Миллий истиқлол ғояси қачон ҳамманинг эътиқодига айлангандагина коммунистик мафкура бутунлай барҳам топади.

<sup>42</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – сиғилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2008. 12-бет.

Миллий истиқлол ғояси бизнинг онгимизни, тафаккуримизни бойитади, маънавий озуқа беради. Шу боис биз миллий ғоя – истиқлол мафкурасининг туб мундарижаси, миллатни буюк мақсадлар сари чорловчи, сафарбар этувчи маёқ, деб аташга ҳақлимиз. Мафкура ана шу маёқлар йиғиндисидир. Миллий ғоя ихтиро этилмайди. Ҳар даврнинг, ҳар бир халқнинг ўз камолот ғояларига эга бўлиши табиий ҳолдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий ғоя миллатнинг уйғун камолоти, комиллик ва маънавий-маърифий истиқбол сари интилишнинг руҳий, ахлоқий асоси, бош мақсаднинг тактик йўли ва стратегиясидир. Миллий ғоя доимо ҳаракатда бўлмоғи, маълум маънода янгиланиб турмоғи, бошқа кадриятлар таъсирида бойимоғи зарур. Йўқса, унинг мутаассибликдан фарқи қолмайди. Айни пайтда у буқаламун сингари турланмайди.

Миллий ғоя ва мафкура ҳамжиҳатлик, миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи қарашлар ҳамда кадриятларга асосланади. Мазкур ғояни халқ ичида тарғиб қилиш миллий ғоянинг шаклланиши – миллатнинг юксалиши, ўзлигини англаши, айни пайтда мустақиллик тафаккурининг қарор топиши демакдир.

Ғоя, ўз моҳиятига кўра, бир хил бўлса-да, ҳар бир миллат ўша ғояни турлича талқин этади. Демак, ғоя қанчалик миллийлашса унинг янги-янги қирралари очилади ва миллий мафкура учун замин яратади. Ҳар бир диний ғоя, меҳнатга муҳаббат ғояси, ватанпарварлик, миллий ифтихор ва бошқа ғоялар бир бутун мафкурага айланиб, шахснинг йўлчи юлдузи бўлиб қолади.

Миллий ғоя халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳроқибат, адолат, маърифат туйғусини онгимизга сингдириши лозим.

Фикримизча, бунда баъзи жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Яъни, ўзбек миллий ғояси дейилса, бу чекланишга олиб келади. Шунинг учун мустақил давлатнинг миллий манфаат мафкураси умумий миллий ғоя деб тушунилиши керак. Бундан ташқари, турли ҳаракатлар, сиёсий партиялар ғояси, йўл-йўриқлари миллий ғоядан четда ёки унга тесқари бўлиб қолмаслиги лозим.

Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойилларининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ғоявий жиҳатларини белгилаш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан миллий истиқлол ғоясининг тамойиллари бир-бири билан узвий диалектик алоқадор-

ликда дейиш мумкин. Улар, ўз навбатида, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги талабларига мос келиши билан узвий боғлиқ.

Миллий истиқлол ғояси инсонпарварлик, инсон қадр-қиммати, шаъни ва ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг устуворлиги тамойилига таянади. Унда инсоннинг ҳаёти олий кадриятдир. Бу тамойил ўткинчи характерга эга бўлмай, балки Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш истиқболини ўзида мужассам этади. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи омил вазифасини ўтайди. Демак, миллий истиқлол ғояси қуйидаги муҳим бир-бири билан боғлиқ икки негизга таянади:

1. Ўзбекистон халқининг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти билан боғлиқ миллий-маданий мероси.

2. Дунё халқлари эътироф этиб, фақат эзгуликка, бунёдкорлик ишларига, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилиб келаётган умуминсоний тамойиллар.

Миллий кадриятларга содиқлик – миллий ғоянинг таянч негизларидан биридир. Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий кадриятларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган буюк маданий бойликларни, мумтоз кадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ижодий жиҳатдан ўрганиш – бу тамойилнинг асосий жиҳатидир. Лекин шу нарсани умумқонуният сифатида ҳисобга олиш керакки, умумбашарий кадриятлар, аввало, миллий-маънавий негизда шаклланади. Халқ, миллат руҳияти, унинг миллий-маданий мероси орқали унинг ҳаётида, мақсад ва орзуларида, жамият қурилишида ўзининг аниқ ифодасини топади.

Ижтимоий тараққиёт натижасида у ёки бу халқларга хос бўлган миллий-маънавий кадриятлардаги умуминсоний моҳият дунё халқлари ривожини учун умумбашарий кадрият сифатида хизмат қилади. Улар бир-бирини бойитади ва айни пайтда ўзаро муштаракликка эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Миллий истиқлол ғоясининг турли хил фикр, ғояларга муносабати, унинг ижтимоий маънавий ҳаётда акс этиш усулларини англаш учун, энг аввало, турли хил ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганмоқ зарур. Маълумки, ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш миллий ғоя бўла олмайди.

Чунки, шахсий фикр – ўзига хос қарашдир, ижтимоий фикр эса – воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса бутун бир давр тарихига айлантиради. Демак, муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир кишининг шахсий фикри сифатида пайдо бўлади.

Жамият ҳаётида турли хил фикр ва ғояларнинг ўрни муҳим. Лекин "ягона фикр"га, "ягона ғоя"га интилиб, ҳукмронлик қилса, у жамият ривожига катта салбий таъсир кўрсатади. Демак, "икки одам айнан бир хилда фикрламайди" ёки турли халқлар, мамлакатлар ҳам айнан бир-бирига ўхшаши, яъни бир хил тарих, тил, маданият, урф-одат, кадриятларга амал қилиш ёки ягона ғоя ёки мақсадни, ривожланиш йўлини андоза сифатида олиши ва фақат унга таяниши мумкин эмас. У тараққиётнинг хилма-хиллиги қонунига тўғри келмайди. Миллий истиқлол ғоясининг ўзига хос жиҳати ҳам шундаки, у фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигини тан олади. Жамият мафқураси сифатида бирон-бир фикр, ғояни "мутлақ ғоя", "охирги, тугал" кўриниш сифатида даъво қилишга асосланмайди. Эркинлик, фикр эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги тамойиллари миллий истиқлол ғояси учун муҳим ўрин тутаяди ва жамият тараққиётини ривожлантирувчи омил сифатида намоён бўлади. Фикр эркинлиги ва фикрлар, ғоялар хилма-хиллигига асосланиш тараққиётни таъминлаб турувчи, инсон салоҳиятини ошириб турувчи ноёб имкониятдир.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг миллий истиқлол ғоясига асосланган қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади. Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган жамоачилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ қўнғиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида

хурмат-эҳтиром – Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий кадриятларни шакллантиришда ҳам шу омил намоён бўлади.

Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказган. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади.

Халқ – давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган. Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаб берганлиги билан характерланади.

Бу сиёсий соҳада қуйидагиларни билдиради:

халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия тамойилларни қарор топтириш;

қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш;

қучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган

Президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;

барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва аънаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;

Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъий назар, республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қондасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожиали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва аънаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг яққаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафқура мутлақ бўлишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг аънаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қондаларига устуворлик берилиши;

чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиغان, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркин-

ликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши кераклиги.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва кадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш;

маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яқкахоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динга амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислоҳ – ота-боболаримизнинг дини – мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради;

ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари – кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган қафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади;

ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини



камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чоратадбирларни амалга ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шаклларини эркин танлаш имкониятларини яратиш;

ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва раванк топишини таъминлаб бўлмайд.

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисобланган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раванк топишининг асосий шартидир.

Хуллас, халки юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир. Бунга мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилса, миллий истиқлол ғояси кўзланган мақсадга етакловчи сиёсий ва ижтимоий ҳодисадир.

### **3.2. "Миллий истиқлол ғояси" фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва уни ўрганишнинг аҳамияти**

Миллий истиқлол ғоясини фақат шу фанни ўрганиш асосидагина эгаллаш мумкин, деб қараш бир томонлама ва нотўғри тасаввурдир. Аксинча, миллий истиқлол ғояси билан барча фанлар, хусусан, фалсафа, ижтимоий-гуманитар, иқтисод, ижтимоий-сиёсий фанлар узвий боғлиқ. Бу фанларнинг қандай ғояга асосланиши, уларни ўқитиш асосида ёшлар онги ва калбига қандай ғоялар сингдирилиши ҳар қандай жамият учун ҳам зарурий шартдир. Айниқса, мустабид тузум даврида бу фанларни ўта мафқуралаштириб, халқлар, мамлакатлар ва миллатлар тақдирига, унинг ривожланиш йўли, миллий-маданий меросига, кадриятларига ҳам "синфий" манфаатлар "коммунистик ғоя" талабларидан келиб чиқиб ёндашилди. Натижада ўзбек халқи ҳаёти, тарихи "ўзга халқлар тарихи"ни ўрганишдан иборат бўлиб қолганди. Ёки миллий маданият, кадриятлар ўрнида "сохта байналмилаллаштирилган", моҳиятан миллийликни эътироф этмайдиган, миллий кадриятлардан бегона "шаклан миллий, мазмунан социалистик" бўлган тамойилга бўйсундирилган эди. Бутун таълим ва тарбия, фан ва илмий муассасалар, маданий-маърифий ишлар, адабиёт ва санъат, ижод учун "социалистик реализм" муҳим мезонга айланган, тўғрироғи айлантирилган эди. Шу ғояга жавоб бериш ва шу ғояга амал қилиниши шарт эди. Бу барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг ягона қолипга солинишига "ягона коммунистик ғоя ва мафқура"нинг тарғиботчисига айланишига олиб келди. Оқибатда ижтимоий-сиёсий фанлар ривожланишдан тўхтади. Фанларнинг эркин ривожланмаслиги оқибатида уларнинг самарадорлиги тушиб, тескари натижа берганлиги маълум.

Бугун миллий истиқлол ғоясининг бошқа фанлар билан муносабати тўғрисида фикр юритилганда, аввало, уни коммунистик ғоя тамойилларидан туб фарқини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда "фикрлар хилма-хиллиги", "ғоялар хилма-хиллиги" тамойилига асосланишни, халқнинг миллий-маданий мероси ва кадриятларига таяниши ҳамда умумбашарий тамойилларни эътироф этиш қондаси фанларнинг ривожини учун кенг имконият беради. Иккинчидан, ҳар бир фан йўналишлари (соҳалари) орқали миллий истиқлол ғояси негизларини билиб олиш мумкин. Масалан, миллий истиқлол ғоясининг тарихий негизларини – тарих орқали, фалсафий жиҳатларини – фалсафа, иқтисодий асосларини - иқтисод, диний асосларини – диншунослик, адабиёт ва санъат билан боғлиқ томонларини ўрганиш орқали миллий ғоя кишиларнинг ишонч ва эътиқодига айланиб боради. Бошқа фанлар ҳам ўз предмети мақсад ва вазифалари билан шу муштарак мақсадга хизмат қилиши табиий. Миллий истиқлол ғоясини алоҳида фан сифатида ўрганиш эса унинг ўзига хос хусусиятларини, ишонч ва эътиқодга айланиш билан боғлиқ қонуниятларининг мавжудлигини англатади. Уни алоҳида ўрганиш юқорида қайд этилган фанларнинг бевосита вазифасига кирмайди. Шу маънода, миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ бўлган қонуниятларни ўрганиш, унинг ўзига хос жиҳатларини билиш Ўзбекистон халқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. У қуйидаги йўналишларда ўзининг аниқ ифодасини топади:

миллий истиқлол ғояси Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Ўзбекистон халқи ҳаёти, маънавий-руҳий, маданий мероси, миллий-маънавий кадриятлари билан яқиндан таништиради, унинг мазмун ва моҳиятини англашга ундайди. Бу уларни миллий-маънавий негизларига таянган ҳолда ривожланиш, уни кадрлаш туйғуларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди;

миллий истиқлол ғояси тамойилларининг ҳар бир фуқаронинг ишонч ва эътиқодига айланиши, кишиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолияти орқали уларнинг мамлакат олдида турган мақсадларни биргаликда амалга ошириш учун уларни муштарак мақсадлар атрофида жипслаштиради, маънавий-руҳий куч-қувват беради;

ёт, зарарли, бегона ғояларнинг таъсиридан сақлайди, ғоявий иммунитетни оширади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек, "фикрга қарши фикр билан, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан"

курашишни талаб этади. Чунки, ўзининг фикри, ғояси бўлмаган одам ёт ва бегона, ёвуз ғояларга қарши кураша олмайди;

миллий истиқлол ғоясини ўрганиш оркали инсон турли хил ғоявий таъсирларнинг мақсад ва муддаоларини бир-биридан фарқлай олади. Фуқароларда, хусусан, ёшларнинг тарихий хотираси, миллий ўзлигини англаши миллий-маънавий кадриятларга бўлган соғлом муҳитни шакллантиради ва уни хурмат қилиш руҳида тарбиялайди;

миллий истиқлол ғоясини ўрганиш, миллий ғурур, авлодларга муносиб ворислар бўлиш, улар билан фахрланиш ва уларга ўхшаб ўз Ватанининг равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан боғлиқдир. Ҳозирги замон илм-фан ютуқларини эгаллаш, фан ва технологияларни ўзлаштиришга даъват этади. Ватанпарварлик туйғуларини оширади. Ўз халқига ва миллатига бўлган садоқатини мустақамлайди. Келажак авлодлар олдидаги масъулиятни оширади. Ўзбекистонни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эга бўлган мустақил мамлакат сифатида дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга ва нуфузга эга бўлиш учун фидойилик билан меҳнат қилишга хизмат қилади.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қурилишида унинг аҳамияти доимо ошиб боради. Чунки, дунёда турли хил ғоялар, турли хил мақсадлар мавжуд бўлар экан, миллий истиқлол ғоясига тизим сифатида амал қилишни керак. Шунда Ўзбекистон ўзининг тадрижий ривожига эга бўлади. Миллий ғоя ҳаёт ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда доимо янги-янги муаммоларга дуч келиши мумкин. Ҳар бир давр, замон ва макон ўзгаришлари, унга бўлган ишонч ва эътиқод заруратини доимо сақлаб қолади. Фақат уни янги шароитда янгича ёндашув, янгича технологияларни жорий этиш асосидагина одамлар онги ва тафаккури, ишонч ва эътиқоди билан боғлиқ маънавий-руҳий оламнинг негизи бўлган миллий истиқлол ғояси узлуксиз равишда мустақилликни мустақамлашга ва ривожлантиришга шарт-шароит яратади.

Миллий истиқлол ғояси фани мавзуларини талаба-ёшларга ўргатишда нималарга эътибор қаратиш лозим, деган савол туғилиши табиий ҳол. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқитувчи ушбу фан мавзулари бўйича машғулотлар ўтишдан ва тарбиявий ишларни амалга оширишдан олдин талаба ким, деган саволга жавоб топиши, унинг зиммасига юкланадиган устувор вазифаларни

англаб олмоғи шарт. Шу боис қуйида талаба ва унга қўйиладиган талаблар тўғрисида фикр юритишни лозим топдик.

"Талаба" тушунчасига дифференциал ёндашув I, II, III, IV курс талабаларига хос хусусиятларни очиб беради. Ана шу хусусиятларни билиш ва улардан фойдаланиш тарбиявий ишлар муаммоларини камайтириб, самарасини оширади.

I курс талабаси – кечаги абитуриент-ўсмир. Бу даврга келиб ўсмир энди "бола эмас" ва шу билан бирга ҳали "катта" ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари ўзгара боради. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаши, қадриятлари тизими ўзгаради. Унинг учун ўз "мен"и ва шу "мен"нинг аҳамияти ортади.

Ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, айниқса, ўз ота-онаси, оила аъзолари қаторидан четроқда бўлишига, ўз ўй-хаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишни истайди.

Сўхбатлашса ҳам асосан ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билангина мулоқотда бўлишига интилади ва ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, фарзандлари билан олдингига қараганда кўпроқ қизиқиб қолишади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг автономиясига "бостириб кирадилар".

Ўсмирлар эса буни ёқтирмайдилар. Бундай ҳолатларда ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларда келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Абитуриент талабалик оламига киришга ва ОТМда мавжуд бўлган муҳит, устувор қадриятлар, қоидалар асосида яшашга тайёр, шуни орзу қилган. Шунинг учун ҳам I курс талабалари билан амалга оширилган биринчи учрашув, таассуротлар кейинги йиллар учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида таҳсил олиш жараёнида талабалар ватанпарвар ва байналминал комил инсон тарбияси, ҳуқуқий тарбия, иқтисодий тарбия, экологик тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, меҳнатсеварлик тарбияси, истеъдодли ва зукко ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш йўналишларида тарбияланиб, муайян маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўладилар ёки мавжуд фазилатлари бойиб, такомиллашиб боради. Шу сабабли I курс талабаларини педагогик-психологик ўрганишда уларда ушбу

фазилатларнинг қай даражада эканлигини аниқ тавсифлаш, белгилаб олиш ўта муҳимдир. Зеро, бусиз абитуриент маънавиятини бакалавр мутахассис маънавиятига айлантириш учун нима қилиш кераклиги ҳам, натижа ҳам номаълум бўлиб қолади. Иккинчидан, бусиз умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари фаолияти ўртасида ўзаро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда баркамол бакалавр шахсига қуйидаги талаблар қўйилиши мақсадга мувофиқ:

- дунёқарашни яхлит шакллантирувчи тизимли билимларга эга бўлиш, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини билиш, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини англаш, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш ҳамда ижтимоий фикрлаш;

- Ватан тарихини билиш, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиш ва илмий асослай билиш, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаш ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларини билиш, касб фаолиятида уларни қўллай олиш;

- ахборот йнғиш, саклаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаш, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қилиш;

- ўз бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умум-касбий тайёргарликка эга бўлиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қилиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш кўникмасига, малакаларига ва одатларига эга бўлиши лозим.

Шу ўринда магистрантларга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- танлаган мутахассислик бўйича илмий-тадқиқотларни бажаришга, шунингдек, фан, техника ва технология, иктисодиёт, маданият ва санъатнинг замонавий ютуқларини амалиётга жорий этишга йўналтирилган касб тайёргарлигига эга бўлиш;

- мутахассисликка оид илмий муаммолар билан боғлиқ вазифаларни ифодалаш ва ҳал этиш, қарорлар қабул қилиш, ўрнига керакли билимлар базасини яратиш ва ундан ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- илмий тадқиқотлар ва меҳнатни ташкил қилиш методологиясини билиш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий тадқиқотлар натижаларидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида фойдаланишга доир амалий тавсияларни ифодалай олиш ва тақдим қилиш;

- касб вазифаларини автоматлаштириш ва компьютерда моделлаштириш методларини, энг мақбул ечимларини топишнинг оқилона усулларини эгаллаш;

- бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва жамоаларни бошқаришни илмий асосда ташкил қила олиш;

- замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерфаол таълим усулларини эгаллаган бўлиш лозим<sup>43</sup>.

Мазкур маънавий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланганлик даражалари тарбиячи, мураббий, устоз, ўқитувчилар томонидан савол, проектив вазиятлар, мониторинг орқали текшириб, баҳолаб борилади. Ўқитувчи ҳар бир талаба шахсининг индивидуал ривожланиш жараёнини педагогик лойиҳалаштириши керак.

Бунда ўқув-педагогик диагностика, индивидуал маслаҳатлар бериш, ҳар хил ривожланишдаги талабаларни тарбиялашнинг индивидуал стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш асосий вазифага айланади. Масалан, олий таълим муассасасида юкоридаги "Баркамол биринчи курс талабаси" модели асосида ривожлантирилган "Баркамол иккинчи курс талабаси" модели асосланади. Мазкур модел такомиллаштирилиб, кейинги босқич курслари учун алоҳида модел ишлаб чиқилади. IV курсда "Баркамол бакалавр шахси модели"да мутахассислик билимларини пухта ўзлаштирган ҳамда ижобий сифатларга эга

<sup>43</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари –Т.: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2001. 14-15 бетлар.

бўлган етук бакалавр шахси қиёфаси намоён бўлади. Натижада ҳар бир бакалавр ва магистрларнинг баркамоллик даражаси қиёсий таҳлил қилинади.

Хуллас, "Миллий истиқлол ғояси" фани бошқа бир қатор фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-биридан айро ҳолда "яшай" олмайди. Ушбу фанни ўрганишнинг аҳамияти шундаки, жамият мафкурасиз яшай олмаганидек, тарбияни ҳам ёшлар онгу шуурига миллий истиқлол ғоясини сингдиришдан бошламоқ ҳаёт талаби. Негаки миллий ғоя негизда миллий ва умуминсоний демократик тамойиллар ётади. Ушбу тамойилларсиз яшамоқни тасаввур этишнинг ўзи даҳшатдир.

### **3.3. Миллий истиқлол ғоясининг турли хил фикр, ғояларга муносабати, ижтимоий-маънавий ҳаётда ўрни**

Вақт – инсон умрини ҳисоб-китоб қилувчи лаҳза. Инсон умрининг ҳар бир лаҳзасини вақт довларидан ошиб ўтишга сарфлайди. Вақтнинг аҳамияти унинг кўплиги билан эмас, қанчалик унумли, самарали ўтгани билан белгиланади. Зеро, ўтаётган ҳар бир кун ҳаёт китобининг бир варағи ўкилиб битганини англатади.

Мамлакатимизда мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйиб, оила кураётганлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий қўмак бериш мақсадида уй-жой билан таъминлашдан ташқари маиший техника, рўзғор жиҳозларидан тортиб, қорамол ва паррандаларгача тарқатилди. Янги қурилган оила қаддини тиклаб олиши учун ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй, борингки, бутун жамият хайрихоҳлик билан ёрдам беради. Чунки бизда турмуш тутуми азалдан шундай. Бу анъана бизга аجدодлардан мерос бўлиб келмоқда. Чунки оила биз учун, шунчаки, икки ёш никоҳининг қайд этилишигина эмас, чинакам қадрият ва қадриятлар бешиги ҳамдир. Йил давомида турли соҳаларда олиб борилган мунтазам ва изчил фаолиятнинг туб асосида ана шу қадриятни асраб-авайлаш, шаънини янада улуғлаш масаласи устувор бўлди.

Бугун янги оила қуриб, мустақил яшай бошлаган инсонлар билан суҳбатлашсангиз, улар тилидаги самимий шукроналик рухидан дилингиз ёришиб кетади. Бу – йиллар давомида олиб борилётган пухта ўйланган, аниқ ва мақсадли изчил ислохотларнинг мевасидир!



Ота-боболаримиз: "Эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлиши учун энг зарур омил – бугуннинг кадрига етишдир", деб уктиришган. Зотан, эл-юрт обод ва фаровон бўлиши учун юртимизда мустақкам кадамлар қўйилди. Энди бунинг кадрига етиш, турмушимизнинг бундан-да обод бўлиши учун бор куч-гайратимизни аямай ҳаракат қилиш ўзимизга, вақтни қандай ўтказишимизга боғлиқ. Бинобарин, шаҳару қишлоқлардаги ҳар бир хонадоннинг фаровон ва обод бўлиши ҳар биримизнинг бахтимиздир.

Инсон ҳамиша эзгу умидлар билан яшайди. Кундалик ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари, оғир-енгили инсонни доимий олдинга ҳаракатлантириб турувчи куч ҳисобланади. Одатда, кўпчилик бирор бир иш бошлаш учун янги ҳафта ёки янги ойни, баъзилар йилни кутади. Мана, олдимизда ҳаётимиз китобининг янги саҳифасини бошлаш арафасида турибмиз. Уни нималар билан, қандай, қай тарзда тўлдириш – ўзимизга боғлиқ масала.

1998 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Республикамиз Олий Мажлисининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти мамлакатимиз келажагига ташқи тажовуздан ҳам кўра тинчлигимизни ичдан бузадиган кучлар кўпроқ хавfli эканлигини таъкидлаб шундай деганди: "Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажагига хавф солаётган умум мақсадларимизни, орзуниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу!"<sup>44</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг бунчалар ташвишланиб билдирган фикрлари ҳаммани огоҳ этиб, хушёрликка чорлади.

Тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ва ички миллий тотувликни таъминлаш, жамиятимиз ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш кимнинг вазифаси, деган савол туғилиши мумкин. Ҳозирда кўпчилик бу вазифани ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси, деган бир ёқлама фикрни баён этмоқдалар. Аслида бу вазифа барча Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчи бўлмоғи зарур. Авваламбор, бу ишда зиёлилар асосий роль ўйнашлари, халқни маърифат, маънавият сари етаклашлари зарур. Олиму уламози ношуд, адибу шоири журъатсиз, фикрсиз бошқа зиёлилари лоқайд ва ланж бўлган миллат ойдин келажак ҳақида ўйлаши мумкинми?

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида сўзланган нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 1988 йил 2 май

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларни янада такомиллаштириш ва мазмунан янгилаш, унга янги шакл бериш эҳтиёжи туғилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тарихий тараққиёт ҳеч қачон силлиқ ва зиддиятларсиз кечмаган, жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб эскилик ва янгилик, жаҳолат ва тараққиёт ўртасида кескин мафкуравий кураш бормоқда. Ўша илк кунлардаёқ баъзи бир "демократлар" ўзларининг шахсий ғаразли мақсадлари йўлида ёш давлатимизни неча бор фуқаролар урушига тортмоқчи бўлдилар.

Фақатгина Ислом Каримовнинг босиқлиги, халқимизнинг тинчлигини сақлаш йўлидаги қатъияти ва жасурлиги туфайли мамлакатимизда Тожикистондаги воқеалар такрорланмаслиги кафолатланди. Шунини мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ўша хавотирли даврда халқимиз давлат раҳбарини қўллаб-қувватлади. Халқ ғазабидан қўрққан газандалар очикдан-очик исён чиқариш йўлидан қайтиб, пана-пастқамларга бекиниб ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг баъзилари эса қулай вақт келишини пойлаб ётдилар. Бундай кимсалар ўз тактикаларини ўзгартиришларига яна бошқа жиддий объектив ижтимоий-сиёсий сабаблар ҳам бор эди.

Энг аввало, мустақилликнинг дастлабки кунларида манфур шўролар тузумининг халқ тақдири ва қалбида колдирган жароҳатлари ҳали янги эди. Халқимиз собиқ совет тузуми шароитида ўзининг миллий ғурури ва манфаатлари, тарихий ва маънавий кадриятлари топталганлигини унутмаган эди. Бундай руҳий шароитда ўзбек халқининг мустақиллигига очикдан-очик қарши чиқишга ғаразли кимсалар ботина олмадилар.

Мустақиллигимизнинг илк кунларига хос яна бир тарздаги воқеаларни албатта тилга олишимиз керак. Аммо собиқ шўролар тузуми охириги дамлари ва ўлим талвасасини бошидан кечираётганлигини яхши пайкаган Марказ ўша тарихий дамларда ўз умрини чўзиш учун минг хил ҳийла-найрангларни ишга сола бошлади. Бу қаллобликларнинг ҳаммасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина ўйлаб топилган "ўзбеклар иши" (ёки "пахта иши") деб аталмиш энг катта ва машъум ўйиннинг ўзи бу тузумнинг башарасини кўрсатишга етарли далилдир. Аслида "ўзбеклар иши" марказнинг бошқа халқларни ҳам исканжада ушлаб туришга ва уларнинг "кўзини очиб қўйиш"га қаратилган мудҳиш бир тадбири эди.

Энг муҳими, бизнинг мустақил ривожланиш йўлига кирганимизни кўрган собиқ марказ раҳбарлари, янги Россиядаги баъзи бир калтабин, буюк давлатчилик шовинизми васвасасидан қутила олмаган сиёсатчилар бошқа халқлар қатори ўзбеклар ҳам барибир мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боролмасдан яна Москвага бош эгиб келадилар, деб хомхаёл қилган эдилар. Бундай кимсалар кам бўлса-да, бизнинг орамиздан ҳам топиларди, аммо уларнинг фикрлари тилида эмас дилида эди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, биринчи навбатда, унинг қонуний асосларини яратиб боришга раҳбарлик қилди ва йил сайин бу жараёнга янги куч ва мазмун бағишлади. Мустақилликнинг илк босқичидаёқ Президент томонидан илгари сурилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишимизнинг машҳур беш тамойили реал заминга таяниб ишлаб чиқилганлигини ва ҳаётий мазмунга эга эканлигини турмуш тараққиётининг ўзи исботлади.

Бизнинг ютуғимиз яна шунда бўлдики, янги давлатимизда иқтисодий-сиёсий ислохотлар билан бир қаторда, маънавий-маърифий ишларга ҳам устуворлик берилди. Зеро, инсон онгида, қалбида, шуурида ўзгариш ясамай туриб унинг юрагига озодлик, ўзликни англаш туйғуларини жойламай туриб, қўли-оёғидаги қуллик кишанлари буткул узилганлигига уни ишонтириб бўлмайди, озод ва обод давлат қуриш ҳам муаммолигича қолаверади. Шу боисдан бир неча ўн йиллар давомида топталиб, оёқ ости қилиб келинган миллий ғуруримизни, маънавиятимизни, кадрятимизни, маданиятимизни тиклаш, ўзликни англашга имконият яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жаҳон цивилизацияси тараққиётида ўзбек халқининг муҳим тарихий ўрнини кўрсатишга, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Бугун жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистон давлати сезиларли мавқега эга, Ислом Каримовнинг нуфузли халқаро минбарлардан маъруза қилиб, илгари сурган салмоқли фикр ва таклифлари юксак сиёсий доираларда алоҳида диққатга сазовор бўлди, дунёда ривожланишнинг "ўзбек модели" ҳақида гапирила бошлангани эса, табиийки, барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдиради.

Жамиятда вужудга келтирилган тинчлик-осойишталик, тотувлик. миллатлараро иноқлик, миллий яқдиллик бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир. Бундан ташқари, мамлакат Президентининг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги изчил саъй-ҳаракатлари муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлмоқда. Бундай шароитда халқимиз мамлакат иқтисодий кудратини юксалтириш ва ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган яратувчи, ижодий ва кўп ҳолларда тадбиркорликка асосланган бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиши учун кенг уфқлар очилди.

Албатта, ёш мустақил давлатимизнинг ана шундай дадил қадамлари ва унинг шахдам ривожланиш йўлига тушиб олганлиги ғаразли кимсаларнинг пайтавасига қурт туширди. Энг ачинарлиси шундаки, бундай жирканч ниятли кимсаларга ўз орамиздан чиққан айрим мунофиқлар хизмат қилмоқдалар. Уларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб демократияни, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини "ҳимоя қилиш" никоби остида ҳокимиятни қўлга олишга уринган, ниятлари амалга ошмагач, хорижга қочиб, четдаги "ҳомий амакилар"нинг валютаси эвазига малайликни ўзига касб қилаётган кимсалар биринчи гуруҳга мансубдир. Улар халқимизнинг яратувчилик фаолиятдан аламзада бўлиб, сафсатабозлик ва тирноқ остидан кир қидиришга уринадилар ҳолос. Улар на сиёсат, на иқтисод бобида тайинли бирон мутахассисликка эга бўлмаганликлари ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотларни зўр бериб, чираниб танқид қилишга уринмоқдалар.

Хорижий диний ҳомийлар хизматига астойдил бел боғлаган, сохта "иймон софлиги" шиори остида садақа эвазига халқимизнинг диний, миллий ҳис-туйғуларини, ота-боболаримизнинг қабрларини, улуг инсонларнинг табаррук қадамжоларини топташга уринаётган, мамлакатимиз ичида ихтилоф келтириб чиқаришга интилаётган диний-экстремистик кайфиятдаги бебош кучлар иккинчи гуруҳга мансубдир. Улар ўзлари ўйлаб топган ақидаларни дастак қилиб, мамлакатимиздаги тинчлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни барбод этиш, миллатимизни ўрта асрларга, иқтисодий-сиёсий, маънавий қолоқлик қаърига улоқтириш пайидадилрлар.

Улар диний ақидапарастлик билан никобидаги кимсалардир, асл ниятлари эса юртга эга бўлиб, халқимизни асрий қуллик ва

жоҳилия замонларига қайтаришдир. Ватан равнақи, халқимизнинг энг илғор ва юксакликка кўтарилган миллатлари қаторида кўриш тушунчалари, мустақиллик ва узоқ вақт давомида интиқ бўлиб кутган ҳамда эришадиган орзу-умидларимиз улар учун мутлақо беқадрдир. Таассуфки, жоҳилликни маърифат деб билган бу кимсалар мусулмонни мусулмонга қарама-қарши қўймоқдалар, оналар ва фарзандлар ўртасида нифоқ туғдирмоқдалар.

Дунёдаги энг қимматли неъмат бўлмиш инсон ҳаётини ўзларининг манфур сиёсий кирдикорлари йўлида сариқ чақага олмапдилар. Ўз ёвузликларининг бегуноҳ қурбони бўлган кишиларнинг тул хотинлари, етимлик кулфатига учраган фарзандлари ва муштипар оналарнинг кўз ёшлари бундай кимсалар учун мутлақо аҳамиятсиздир.

Учинчи гуруҳга мансуб бўлмиш, эски шўролар даврида юқори мансаб ва имтиёзларга эга бўлган, бир умр коммунист ғояларга таянган ақидапарастлар учун ҳам мамлакатимизнинг равнақидан кўра, унинг таназзулга юз тутиши "қувончлироқ"дир. Афтидан бундай тоифадаги кишилар ҳозирга келиб сувлар сепилиб, излар босилди, деб ўйлаб, яна ҳаракатга тушиб қолишди. Уларнинг айни кунлардаги қарашлари аввалгисидан фарқи шундаки, эндиликда умуминсоний қадриятлар, миллий маданият, манфаатлар ҳақидаги ваъзхонликларини марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларидан кўчирмалар билан эмас, балки улуғ аждодларимизнинг меросидан дидсизларча ва илмий таомилга риоя қилмасдан, узиб-юлиб олинган иқтибослар билан изоҳламоқдалар.

Юқорида келтирилган фикрларга исбот тариқасида турли анжуманларда сиёсатнинг ҳавосини олган айрим ўзини зиёли, деб билувчи калтабин кимсалар билдираётган "фикрлар"ни далил қилиб келтиришимиз мумкин.

Бундай оғишларга қарши кураш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Демак, биз энди ҳар хил диний ва сохта мафкуравий тамойиллар билан ниқобланган ўзбошимчаликларга қарши курашни қонуний асосга қўйиш имкониятига эга бўлдик. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов жойлардаги давлат, адлия органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари, олий мактаб, халқ таълими,

маданият ходимлари олдига ислом фундаментализми, экстремизм, ваҳхобийлик, миссионерлик кўринишлари, Ватанимиз ривожланишига тўсик бўлаётган ҳар қандай уринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш вазифаларини қўйганди. Бу вазифаларни бажаришда биз асло лоқайдлик ва масъулиятсизликка йўл қўймаслигимиз керак.

Бизнингча, олдимизда яна бир муҳим вазифа турибди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг янги кўринишдаги мустақиллик мафкурасини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга кенг татбиқ этиш зарурати-га эҳтиёж тобора кучлироқ сезилмоқда.

Бу мафкуранинг асоси Ислом Каримовнинг асарларида кўрсатиб берилган бўлиб, унинг негизи бизнинг миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз ва хусусиятларимизнинг умумбашарий демократик тамойиллар билан узвий уйғунлашувидан иборатдир.

Бизнинг мустақиллик мафкурамиз мустамлакачилик даври мафкурасидан тубдан фарқ қилмоғи лозим. Мустамлакачилик мафкураси – коммунистик мафкуранинг замини, асоси бўлмаган, у фақат бир қарашда чиройли, олийжаноб, аслида эса зўрлик билан дунёни ўзгартиришни мақсад қилиб олган ҳаёлий ғоялар, сафсата назариялар асосида бунёд бўлган. У бизнинг кадриятларимизга, анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид мафкура эди.

Бундан фаркли ўлароқ, мустақиллик мафкураси ўзликни англашга, кадриятларни тиклашга, халқимизнинг анъаналаримизни авайлаб-асрашга, миллатимизнинг маънавиятини кўтаришга, миллий хусусиятларимизни умумбашарий демократик тамойиллар билан оқилона уйғунлаштиришга қаратилган мафкурадир. Бу мафкура ўз мазмун-моҳиятига кўра, коммунистик мафкуранинг барча сарқитларидан, ҳар қандай кўринишларидан буткул халос бўлиши лозим.

Мафкуранинг кучи – қандай ғояни ким, қай усулда омманинг онгига етказиб бера олишида намоён бўлади. Миллий мафкура халқнинг орзу-умидлари, истаклари, урф-одатлари, кадриятларига мос тушса-да, лекин уни оммага етказишда ношудлик, сусткашлик қилинса, мафкура халқ онгига, юрагига етиб бормаса, у қоғозда қолиб кетаверади.

Ҳозирги кунда баъзи мафкурачиларимиз, маънавият-маърифат соҳасида ишловчи арбобларимиз эскича шакл ва усуллардан фойдаланишга чақирмоқдалар. Биз ўша шўролар тузумидаги ҳеч бир шакл-усуллардан фойдаланмаслигимиз зарур, негаки бу

мафқуранинг замирида зўравонлик, худосизлик, бир сўз билан айтганда ҳақсизлик ётади.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин. Халқимизнинг урф-одатларига, миллий хусусиятларига, хоҳиш-иродасига зид бўлган коммунистик мафқуранинг асоратлари баъзи кишиларимизнинг онгида сақланиб қолганлигининг сабаби нимада? Асосий сабаб – шўролар мафқураси ҳам сиёсий, ҳам давлат ҳокимиятини кўлида ушлаб турган коммунистик партиянинг зўрлаш аппаратига асосланганлигидадир. Бу мафқура халқнинг туб манфаатларидан узоқ бўлганлиги учун унинг қалбига кира олмайди, бироқ атрофлича, узлуксиз, изчил қатъият билан олиб борилган мафқуравий кураш ақл-идроқларни заҳарлади ва уларда муайян ўзгаришлар ясади. Бундан ташқари, бундай одамлар онгида миллий мафқураимизнинг мазмун-моҳияти, унинг теран миллий манбалари ҳақида тўла тушунча йўқ.

Бир ҳақиқатни унутмаслик керак: ҳар қандай мафқура миллий амалга эга бўлган вақтдагина у нафақат одамларнинг онгига, балки юрагига ҳам етиб боради. Чунки тарихнинг ўзи кўрсатади: давлатнинг зўрлик аппаратига асосланиб, бир неча авлод онгига мажбуран киритилган шўролар мафқураси бир силкинишда чокчокидан сўкилиб кетди. Бизнинг ўз миллий тизимига эга бўлган миллий мафқураимиз шўролар мафқурасидан фарқ қилиб, ҳар қандай силкинишлардан сўнг, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини жипслаштиришга хизмат қилиши керак.

Мустақиллик бизга бу имкониятни яратиб берди. Ҳар қандай ривожланаётган жамият, давлат барибир муайян кўринишдаги ўз мафқурасига, миллатни бирлаштирувчи ва олға ундовчи ғоялар заминига эга бўлади. Бусиз ҳар қандай давлат ва жамият эртамикечми инқирозга дуч келади. Бинобарин, давлатнинг миллий мафқураси асосида сиёсий партиялар ва ташкилотлар ўз мафқуравий ишларини амалга оширадilar. Сиёсий партиялар сони қанча бўлишидан қатъий назар уларнинг асосий вазифаси умумийлик, умумдавлат мафқурасини ҳаётга у ёки бу шаклда татбиқ этишдан иборатдир. Улар шу мақсадда турли усуллардан ва йўллардан фойдаланишлари мумкин. Аммо моҳият битталигича қолиши керак. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларда мамлакат тепасига қайси партия келишидан қатъий назар, давлатнинг асосий

ички ва ташқи сиёсатининг моҳияти сезиларли даражада ўзгармайди.

Шу ўринда Америка Қўшма Штатларида "Америкача яшаш тарзи"дан фахрланиш, уни бутун дунёга олий идеал сифатида ёйиш ҳар бир америкаликнинг ҳаёти мазмунига айланганлигини эслаб ўтиш жоиздир. АҚШда ҳокимият тепасига республикачилар ёки демократлар партияси келадими, бундан қатъий назар, "Америкача яшаш тарзи"нинг афзалликларини сақлаб қолиш ҳамиша бош мақсадлигича қолаверади.

Миллий мустақиллик мафқурасини шакллантириш, бойитиш ва унинг ҳаётимизда устувор бўлишига эришишда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги алоҳида куч-ғайрат кўрсатишлари лозим. Шунингдек, бу жабҳада республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги -маркази, Ёшлар иттифоқи, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Хотин-қизлар кўмиталари сингари жамоат ташкилотлари фаол камарбаста бўлишлари зарур.

Шуни айтиш керакки, миллий мафкура бўлмаган ёки бўш қолган жойда бу бўшлиқни, хоҳлаймизми-йўқми, жамиятнинг соғлом тараққиёти учун зарарли бўлган оқимлар эгаллаб олади. Бир қарашда ҳатто беозор бўлиб кўринадиган, турмушимиз учун ёт оқимлар ва маслаклар тараққиётимиз йўлига ғов бўлиши, ёшларни дунёвий илм олишдан, илғор миллатлар сафида бўлишга интилишидан чалғитиши мумкинлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Шу сабабли бугунги кунда олиб бориладиган маънавий-маърифий, мафкуравий ишларни янада такомиллаштириш ҳамда уни шаклан ва мазмунан янгилаш зарурлиги ҳар қачонгидан кўра долзарброк аҳамият касб этмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бизнинг бу фикрларимиз баъзилар учун бироз кескин, ҳатто бўрттирилгандай бўлиб туюлиши мумкин. Модомики, гап ота-боболаримиз орзу қилган, кимлар етиб, кимлар етолмаган мустақилликни кадрлаш, ёшларнинг қалбида ўз Ватани мустақиллигига фидойилик ҳис-туйғуларини шакллантириш, Ватан ва авлодлар тақдири ҳақида борар экан, кўтарилган масалага бошқача ёндашиш мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг деярли ҳар бир нутқида буюк аждодларимизга мос авлод бўлишга, Ватан истиқболи учун курашчи ёки жонкуяр бўлишга даъват этувчи сўзларининг куюнчаклик билан янграганлиги бежиз эмаслигини дил-дилигимиздан тушунадиган вақт келди.



"Мустақилликни мустаҳкамлаш учун мен нима қилдим?" деган савол кундалик ҳаётимизнинг бош талабига айланиши керак. Энг асосийси, биз фақат бугуннинг ташвиши билан эмас, балки Ватан қудратини ошириш, уни обод ва фаровонликка эриштириш истаги билан яшашни ҳаётимизнинг мақсади ва мазмунига айлантира боришимиз зарур.

Зотан, бу бизнинг миллий хусусиятларимиздан келиб чиқади. Халқимиз болаларининг бахти, келажаги учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш ташвиши билан яшайди. Уларни яхши кийинтиришга, едириб-ичиришга, уйли-жойли қилишга, илмли, ҳунарли қилишга интилади. Ана шу фазилат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларимиз мазмунига мазмун қўшади, куч-қувват бағишлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда осойишталигимиз, тараққиётимизга халақит бераётган турли кўринишдаги ақидапарастларнинг ёшларимиз мурғак онгига таъсир кўрсатишга қаратилган ҳаракатларига чек қўйиш ва аксинча чин маънодаги Ислом дини маданиятини ёшлар қалбига сингдириш вақти келди.

Неча ўн йиллар давомида ота-боболаримиз орзу қилиб келган мустақилликка эришган эканмиз, тарих бизга шундай имконият яратган экан, бу муқаддас озодлигимизга қарши чиқаётган ҳар қандай очиқ ва яширин тажовуз ва таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз, уларга қарши кескин кураш олиб боришимиз ҳамда биздан озод ва обод Ватан қолиши учун бор куч-қувватимизни ишга солиб, мустақиллик мафқурасига чин дилдан хизмат қилишимиз керак.

– Мен жуда кўп мусулмон юртларида, тарихий шаҳарларда бўлганман. Ҳеч қандай муболагасиз айтмоқчиман, Ўзбекистон ҳақидаги фильмни томоша қилиб, юртингизга махлиё бўлдим, – дейди лондонлик имом Муҳаммад Саид. – Ўзбекистон Президентининг БМТ минбаридан туриб билдирган ташаббусларини эшитдик. Бу – ҳозирги мураккаб давр учун ғоят муҳим таклифлар. Экстремизм, радикализмга қарши курашда исломнинг асл манбалари – Имом Бухорий ҳадислари, Насафий тафсирларига мурожаат қилиш керак. Ўйлайманки, ислом маданиятини тушунмоқчи бўлганларни Ўзбекистонга олиб бориш зарур. Улар исломнинг ҳақиқий моҳиятини шу ерда кўрадилар. Мени Ўзбекистонда нашр этилган Имом Бухорий ҳадислари тўплами – "Олтин силсила" китоби жуда ҳам қизиқтирди. Бугунги кунда нафақат Европада, балки бошқа минтакаларда ҳам ҳадисларни турлича таржима

килиш ва шарҳлаш ҳаракатлари кузатилаётганини ҳисобга олсак, бу ишни амалга оширишга исломнинг мўътадил, асл ғоялари тарқалган юрт. Имом Бухорийнинг чин ворислари биринчи галда ҳақли деб ҳисоблайман.

Ўзбек халқи маданияти, мафқураси дунё халқларининг илм-фан чўққиларини забт этишида, жаҳонда жаҳолатга қарши курашда муҳим манба ҳисобланади. Бунга лорд Муҳаммад Илтаф Шайхнинг қуйидаги сўзлари яққол мисол бўлади:

– Ўзбекистон, - дейди у, – ислом маданияти, фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Агар Улуғбек ҳозир ҳаёт бўлганида ўзбеклар биринчи бўлиб ойга сафар қилган бўларди. Ал-Хоразмий бўлмаганида замонавий технологиялар ҳам бўлмас эди. Ибн Сино асарлари асосида ҳозир Европа тиббиётни ўрганмоқда. Биз радикаллашувга Ўзбекистон маданияти билан қарши курашишимиз керак. Сизлар Имом Бухорий ҳадисларини инглиз тилига таржима қилиб, шарҳлаб беринг. Биз бу китоблар билан жаҳолатга қарши курашамиз<sup>45</sup>.

Дарҳақиқат, ёшларнинг жаҳолатга маънавият билан қарши курашишини камол топшириш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Бунинг учун эса, авваламбор, уларнинг онгида мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириб бориш талаб этилади. Мафқуравий иммунитет деб, кишилар, шу жумладан, ёшларнинг жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўладиган бузғунчи, вайронкор ғояларга қарши кураша олиш қобилиятини айтамыз.

Ёшлар онгида ана шундай мафқуравий иммунитетни шакллантириш ғоятда муҳим масаладир. Бу вазифани амалга оширишда оиланинг ўрни ва роли беқиёс. Инсон онги ва қалби учун кураш ҳозирги кунда турли мафқураларнинг бош мақсадига айланиб қолди, чунки муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаш, аниқроғи, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда бирон-бир ғоя факат муайян хабар-ахборот сифатида сақланиб қолиб, гўё кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгаллаб, ётавериши мумкин.

Ота-оналар фарзандлари онгида мафқуравий иммунитетни шакллантиришлари учун бола билан самимий муносабат ўрнатишлари мақсадга мувофиқ. Умуман, ёшлар тарбиясида, хусусан, уларни

<sup>45</sup> <http://kun.uz>. Лорд Муҳаммад Илтаф Шайх: “Агар Мирзо Улуғбек ҳозир ҳаёт бўлганида, ойга ўзбеклар биринчи бўлиб сафар қилган бўларди”. 03.03.2018й.

баркамол инсон қилиб тарбиялашда муайян шароит, вақт, вазият, психологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ота-онадан чуқур педагогик билим, маҳорат ва ҳаётий тажрибани талаб қилади.

Олимларнинг хулосасига кўра, кучли рухий кечинмаларни бошидан ўтказишга қодир бўлмаган, низолардан кўрқадиган, ўзларини ҳеч вақт хавфсиз сезмайдиган, доимо бирор нохушликни кутадиган одамларда гиёҳвандликка қарам бўлиб қолиш кўпроқ кузатилган, дунёвий ва диний илмга етарли даражада эга бўлмаган, эътиқоди суст, жоҳил, бировнинг бахтини кўролмайдиган, рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий воқеаларни онгида таҳлил этиш қобилиятига эга бўлмаган, Ватанни севишдек улуғ ҳиссиётлардан йироқ инсонларда терроризм, ақидапарастлик каби чиркин иллатлар ботқоғига ботиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Буни террористлар, диний ақидапарастлар ҳам яхши англаб етганлиги боис шундай одамларни излаб топадилар ва ўзларининг "ғоя"ларига осонгина ишонтириб, разиллик, қотиллик, хонлик сари етақлайдилар. Натижада турли гаразли, динни никоб қилиб олган оқимлар фаолияти юзага келади. Бу ҳолатнинг салбий оқибатлари фақат муайян шахс ёки ижтимоий табақаларгагина эмас, балки аста-секин бутун мамлакатнинг хавфсизлигига, барқарорлигига соя ташлайди.

Бузгунчи мафкуравий ғояларнинг ёшлар ўртасида тарғиб қилиниши, бошқача қилиб айтганда, келажак эгаларини "ўзлариники" қилиб олиш ғоятда катта хавф-хатарга замин яратади. Чунки ёшлар ҳозиримизнинг ярми бўлса, келажакимизнинг бутун бир яхлит кишиларидир. Аҳолининг бу қисми чиркин иллатларга қанчалик кўп жалб этилса, жамиятнинг келажаги, қолаверса, бугуни шунчалик таҳликали бўлиб қолади, оилаларга дарз кетади. Ҳолбуки, оила жамиятнинг асосий бўғинидир, у соғлом бўлса жамият ҳам соғлом бўлади, агарда у касалланса, жамият пойдевори қулайди.

Терроризм кўрkitиш, ўз фикрини зўравонлик, алдов йўли билан бошқаларга ўтказиш деган маънони англатади. Азалдан турли террорчи ва радикал экстремистик гуруҳлар ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун инсонларнинг диний гуйғуларидан кенг кўламда фойдаланиб келишган. Аслини олганда уларнинг на дини, на худоси бор, уларнинг асл мақсади бойлик орттириш, бировларнинг ер-мулкига эгалик қилиш, дунёга ёвузлик уруғини сочиш каби бузғинчиликлардан иборат.

"Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини доимо юксак кадрлаймиз... Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда"<sup>46</sup>, - деган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов.

Диний экстремистик гуруҳлар, ислом динини ниқоб қилиб олиб, унинг қонун-қоидаларини бузиб талқин қилиш орқали одамлар онги ва тафаккурини заҳарлашга уринар экан, уларнинг ҳар қандай даъватини диний ва одамийлик нуқтаи назаридан ҳам оқлаб бўлмайди, қолаверса, уларнинг бундай хатти-ҳаракати ислом динини обрўсизлантиришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Қуръони каримнинг "Моида" сураси 33-оятда "Дарҳақиқат, Оллоҳ ва унинг пайгамбарларига қарши жанг қилганлар ва ер юзида бузгунчилик қилиб юрувчиларнинг жазоси – ўлдириш, чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томонидан кесилиши ёхуд ердан (Ватандан) қувғин қилиш ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалик ва охиратда улар учун улкан азоб (ҳам бор)дир",<sup>47</sup> дейилади. Демак, уларни шу биргина оятга асосланган ҳолда ислом динидан юз ўгирган жаллодлар, деб аташимиз мумкин.

Диний экстремизмга қарши курашиш, унинг асл башарасини очиб ташлаш биз, зиёлиларнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бунинг учун эса ёшлар куйидагиларга амал қилиши лозим:

диний экстремизмнинг инсоният кушандаси эканлигини англаб этиш;

бузгунчи мафкуравий ғояларнинг жамиятга суқилиб киришига йўл қўймаслик;

миллий ғоя тарғиботида фаоллик кўрсатиш;

диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаш;

Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, тинчлик-барқарорлик йўлида тинимсиз изланиш;

халқ орасида маънавий-маърифий ишларни тарғиб қилишда фаол иштирок этиш;

миллий, диний кадриятларга юксак эҳтиром билан назар ташлаш ва оғишмай амал қилиш.

"Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқча туюлар, лекин мен огоҳлик ва огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш

<sup>46</sup> Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Президент И.Каримовнинг "Туркистон пресс" ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари // Халқ сўзи, 1999 й. 16 март.

<sup>47</sup> Қуръони карим, А.Мансур таржимаси, - Т.: "Чўлпон", 1992. 76-бет.

воқеаларни назарда тутаяпман. Нега деганда бир бегуноҳ одамнинг ўлими – бу кечирилмас фожиа. Чунки, инсон табиати ноҳақ, зулми қабул қилмайди”<sup>48</sup>, - деб кўп таъкидларди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов.

Биз зиёлилар, авваламбор, огоҳ бўлмоғимиз ва бошқаларни ҳам огоҳликка чорлашимиз шарт. Шундагина диний экстремизм сингари иллатлар жамиятимиз тинчлигига хавф сололмайди. Диний экстремизм ва терроризм, жаҳон ҳамжамияти барқарорлигига кўрсатаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий, руҳий, ижтимоий таҳдидларига қарши курашмоқ барча онгли кишиларнинг, шу жумладан, биз, зиёлиларнинг асосий вазифамиз бўлмоғи шарт. Шундагина осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, элимиз фаровон ҳаёт кечиради.

---

<sup>48</sup> Халқ ишончи – олий саодат. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови: қарорлар мувожаатлар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 316-бет.

## ХУЛОСА

Ўзбек халкининг буюк шоири, забардаст олими ва таниқли давлат арбоби Алишер Навоий ўзининг лирик шеърини ва насрий, шунингдек кўпгина илмий асарларида маънавий таълим-тарбияга доир, келажак авлод учун муҳим, илғор ғояларни олға суради ва бу ғояларни амалга ошириш учун бутун умрини бахшида этади. Алишер Навоий ақл, илм ва маънавий тарбия инсоннинг зарурий фазилятларидан биридир, шунинг учун ҳар бир инсоннинг энг муҳим бурчи маънавий тарбия олишдир деб ҳисоблайди, шу билан бирга илмсизлик нодонлик, жоҳилликка олиб боради, деб саводсизликни қаттиқ қоралайди.

Ёш авлодга маънавий тарбия беришда маърифатпарвар Абдулла Авлоний ҳам қимматли фикрларни мерос қилиб қолдирган. Хусусан, унинг маънавий таълимга оид асарлари ичида "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" номли асари катта аҳамиятга эга. Бу асарнинг ҳар бир бўлими ақлий ва ахлоқий тарбия масалаларига бағишланган. У ўзининг мазкур асарида таълим билан тарбиянинг узвий бирлиги тўғрисида фикр юритар экан, шундай дейди: "Дарс билан тарбия ўртасида биров фарқ бўлса ҳам иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабидир"<sup>49</sup>. У Ватан ва оилани бир-бири билан узвий боғлайди. "Кишини кеча ва кундуз тиндирмасдан... меҳнат ва машаққатларга кўкрак кериб ишлататурган нарса Ватан ва бола-чақаларнинг меҳр-муҳаббати эмасми?"<sup>50</sup>.

Буюк давлатнинг нозу неъматлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни бизга ҳеч ким ҳады этмайди, дастурхонимизга четдан олиб келиб қўйилмайди. Эзгу мақсад-муддаоларимизга биз фақат ўзимизнинг астойдил ва ҳалол меҳнатимиз туфайлигина эриша оламиз. Келажакда барпо этадиган буюк давлатимизнинг пойдевори бугун яратилмоқда. Унинг қаддини ростлаб пойдеворини мустаҳкамлашда ёш авлоднинг роли катта. Келажак ёшларники. Буюк давлатимиз, биринчи навбатда, ёшлар меҳнати туфайли қад

<sup>49</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. 15-бет.

<sup>50</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. 39-бет.

қўтарар экан, келажакда ҳам ана шу мамлакатнинг истиқболи ёшлар қўлида бўлади.

Шундай экан, ҳозирги кунда буюк давлатга муносиб ёшларни тарбиялаш, уларни маданий-маънавий етук, маърифатли инсон, янгича фикрлаш маданиятини мукамал эгаллаб олган юқори даражали мутахассис қилиб етиштириш устида фаол ишламоғимиз лозим. Ёшларимизнинг қиёфаси, дунёқараши, маданияти, инсоний фазилати, қобилияти нималардан иборат бўлишини яхши фаҳмлаб, ана шу фазилатларни шакллантириш устида тинмай амалий иш олиб бориш жамиятимизнинг, биринчи навбатда, тарбиячилар, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, олимлар, барча зиёлилар ва кенг жамоатчиликнинг олдида турган долзарб масала, деб эътироф этишимиз керак.

Таникли файласуф олим, академик Жондор Туленов ўзининг "Фалсафий маданият ва маънавий камолот" китобида ёшлар тарбиясига доир фикр-мулоҳазаларини шундай баён қилган эди: "Буюк давлатнинг ёшлари ўзларида умуминсоний қадриятлар, замонавий фан ва техника ютуқлари билан бир қаторда миллий маънавий одоб-ахлоқ ва анъаналаримиздаги энг олийжаноб хислатларни мужассамлаштирган, юксак маданиятли, маърифатли, инсонпарвар, ўз Ватанига фидойи, етук мутахассис бўлишлари керак. Таълим-тарбия ишлари, ўқув жараёни ана шу мақсадга қаратилмоғи лозим. Миллий онгимиз, кишиларнинг маданий, маънавий савияси қанчалик юқори бўлса, олдимизда турган муаммолар тез кўчади, қудратимиз шунчалик баланд, қўлимиз шунчалик узун бўлади. Маънавий баркамол инсонни тарбиялашда мустақил давлатимизнинг фуқароларида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусини қарор топтириш жуда муҳимдир"<sup>51</sup>.

Маънавий баркамол инсон юксак ахлоқий фазилатлари билан ажралиб туради, у ўзига лойиқ кўрмаган бирон бир ножўя ишни ўзгаларга ҳам раво кўрмайди, ҳеч бир кишига жабр-зулми хоҳламайди, бирор жонзотга озор бермайди. Ватанга ва миллатга содиқлик ҳам маданиятлилик, ҳам маънавий баркамоллик, ахлоқий покликнинг белгиларидан ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий, жисмоний соғлом бўлмай туриб шахс баркамол бўлолмайди. Шу боис маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишини ташкил этади.

<sup>51</sup> Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: «Меҳнат», 2000. 176-177-бетлар.

"Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Кишилар қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адодатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак"<sup>52</sup>, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов.

Инсоф ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик, хушмуомалалик ва хушхулқлик бу инсон маънавий баркамоллигининг намоён бўлиш шакллари дир. Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Ҳар қандай миллий тикланиш миллий уйғониш заминидагина муваффақиятли амалга ошади. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида миллий онг, инсоннинг маънавий, ахлоқий камолотида юз беради. Маънавий камолот фақат ўтмишни тушуниб олишгина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам иборат дир. "Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак.

Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти дир"<sup>53</sup>.

Аждодларимизнинг маънавий мероси асосида халқимиз маънавий баркамоллигини шакллантириш устида гап кетганда, бу борада олимларимиз олдида турган масалаларни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди, албатта. Академик Жондор Туленов фикрича, "Ўрта Осий мутафаккирларининг асарларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, уларни она тилимизда чоп этиб, халқимизга етказиб бериш, республика олимларининг олдида турган биринчи вазифа бўлса, Шарқ фалсафаси ва миллий кадриятларимизга асосланган янги, замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиб, ёш авлодни миллий кадриятлар асосида тарбиялашни йўлга қўйиш иккинчи вазифа дир"<sup>54</sup>.

Шундай экан, миллий кадриятларни юксалтириш борасида барча соғлом кучлар билан ҳамкорликни кучайтириш катта аҳамият касб этади. Халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини тиклашда зиёлилар, имом ҳатиблар, маҳалла ҳамда гузарларнинг оқсоқоллари

<sup>52</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: «Ўзбекистон», 1995. 53-бет.

<sup>53</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: «Ўзбекистон», 1995. 46-бет.

<sup>54</sup> Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. - Т.: «Мехнат», 2000. 177-178-бетлар



якиндан ёрдам беряптилар. Уларнинг ташаббуслари ва фаол иштироклари билан янгидан-янги мактабу олийгоҳлар, масжиду мадрасалар курилиб, ишга тушириляпти. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида миллий меъморчилигимиз услубида бунёд этилган "Минор масжиди" бунга ёрқин мисолдир. Наврўз, Ҳайит сингари байрамларнинг тикланиши ва бошқа хайрли ишларда ҳам уларнинг салмоқли улуши бор. Бундай ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиришимиз, такомиллаштиришимиз зарур.

Шуни мамнуният ва ифтихор билан эътироф этиш керакки, миллий кадриятларнинг тикланиши туфайли бугун жонажон Ватанимизнинг "ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этипти ва бундан фахрланияпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз"<sup>55</sup>.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар ўз кадр-қимматларини теранрок англай бошлаяпти, бунинг натижасида Ватан, ватандошлар туйғуси эски мафжуравий қобиклардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топмоқда.

Халқимизнинг бой тарихий маданияти, урф-одат ва анъаналарини чуқур билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, уларни муттасил ошириб боришга интилиш мамлакатимиздаги элат ва миллатларнинг келажаги буюк давлатни барпо этишдек муаззам мақсад йўлида жипслашишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик каби маънавий тамойилларнинг роли, ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда тобора ортиб бормоқда. Кишиларнинг ватанпарварлиги ҳамма замонларда ҳам ўз халқининг, юртининг шон-шарафи, кадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатида ўз ифодасини топиб келган ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлмоқда. Ўзбекларнинг миллий ғурурини, маънавиятини юксалтириш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликда тинч-тотув яшашга интилиш давлатимиз сиёсати эканлигини устоз-мураббийлар, педагог-ҳодимлар талабалар онгига сингдиришлари лозим.

<sup>55</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. 4-бет.

Миллий кадриятларни такомиллаштириш ёшларни умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз доирасида чегараланиб қолмасдан, бошқа халқлар томонидан тўпланган тажрибалардан оқилона фойдаланган тақдирдагина тараққиёт йўлига туша олади. Буни биз мамлакатимизнинг ҳозирги ҳаёти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бугунги кунда ҳам ҳур ва озод халқимиз маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилоқда.

Ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, унинг бахт-саодати кадриятлар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб вазиятда миллий ва умуминсоний кадриятларни янада яқинлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда мамлакатлар, халқлар ўртасида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш катта ўрин тутишини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Ёшлар – юртимиз келажакнинг пойдевори. Шундай экан, уларни Ватанга садоқат, миллий кадриятларга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Фикримизча, ушбу вазифа ижросини таъминлаш учун **биринчидан**, ёшларнинг соғлигига эътибор қаратилмоғи шарт. "Соғлиқ – бу тўлиқ жисмоний, руҳий хотиржамлик ва ижтимоий фаровонлик бўлиб қолмай, фақатгина касаллик йўқлиги ҳолати маъносини англатмайди. Айни тиббий нуқтаи назардан – бу организм ички муҳитининг барқарорлиги, яъни фаолияти муҳим шароитлари (доим ўзгариб турадиган) ва одамнинг ўз организмига бўлган муносабатига боғлиқ ҳолда, биологик фаол моддалар мувозанатидир"<sup>56</sup>. Бунда ёшларнинг соғлом турмуш тарзига, яъни жисмоний, руҳий, маънавий ва ижтимоий соғлигига жиддий эътибор қаратилмоғи керак. Чунки инсон умри узоклиги "сифати"нинг 40 фоизи айнан турмуш тарзига боғлиқ.

**Иккинчидан**, "ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда

<sup>56</sup> Иргашев Ж.Б., Турсунхўжаева Л.В. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида гиёҳвандликка қарши профилактик тадбирлар. -Т.: "Шарк" НМАК, 2006. 8-бет.

кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш даркор"<sup>57</sup>. Бошқача қилиб айтганда, маънавиятли авлодни вояга етказиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

**Учинчидан,** ёшларнинг бегоналашувига йўл қўйилмаслиги шарт. "Хўш, бегоналашув нималарда намоён бўларди? Биринчидан, у ёки бу шахсда ижтимоий фаолиятсизлик (танбаллик)нинг юзага келиши жамиятга дахлдорлик хиссининг йўқолиб боришида кўринади. Афсуски, бу ўта хавфли иллат ҳисобланади. Зеро, бошқа одамлардан бегоналашув, пировард натижада у ёки бу йигит-қизда ўзгаларни ўзининг душмани сифатида кўриш руҳиятини туғдиради"<sup>58</sup>. Бегоналашувга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёшларни ўзини англашига, Ватанини, халқини, урф-одатларини, маънавиятини улуғлашга ўргатиш талаб этилади.

**Тўртинчидан,** ёшларни "оммавий маданият"нинг ҳар қандай кўринишларидан асраш, уларни миллий ахлоқ ва маънавият асосида тарбиялаши, ҳар томонлама етук этиб вояга етказиши керак.

**Бешинчидан,** энг аввало, фуқаролик масъулиятини ошириш ҳам ёшлар тарбиясининг муҳим бўғини бўлиб, жамият фуқароларининг кенг дунёқараши, кучли мафкуравий иммунитетга эга бўлишлари умуммиллат манфаатларини шахсий манфаатлар билан бирлаштира олишлари уларнинг ягона ижтимоий мақсад атрофида бирлашишларини таъминлайди.

**Олтинчидан,** ҳозирги мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароит шахснинг толерант онг ва дунёқарашга эга бўлишини талаб этмоқда (толерантлик деганда маълум бир миллат, динга мансуб бўлган шахснинг ўзи яшаётган жамиятдаги бошқа миллат ва динга мансуб бўлган кишилар билан ўзаро ҳамжиҳатликда яшашлари тушунилади). Бунинг учун ёшларни доимо ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ва маънавий-ахлоқий нуқтаи назарга эга бўлишини таъминлаш керак. Шунда ёш авлод жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмайди, улар жиноят ва террорчиликка нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлади. Чунки толерантлик бефарқлик эмас, балки инсоний қалб амридир.

<sup>57</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максалимиз. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. 9-бет.

<sup>58</sup> Маврулов А. Боланинг бегонаси бўлмайди. Маърифат. 2010 йил 24 июнь.

Еттинчидан, ёшларни баҳс, мунозарага кириш, адабиёт ва мусиқа асарларидан завқ ва илҳом олишга ўргатиш, бадиий-эстетик идрок этиш қобилиятини шакллантириш, ҳар томонлама билимли этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланиши шарт.

Бундан ташқари, ёшлар қалбида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ҳамда таъсирчанлигини ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ислохотлар, қабул қилинган фармон ва фармойишлар, қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини ҳамда она юртга мухаббат, истиқлолга садоқат, дунё ҳамжамиятида ўзининг ва миллатининг салоҳиятини кўрсатиб бера олиш, аждодларимиз билан фахрланиш, миллий ғурурга эга бўлиш туйғусини шакллантириш талаб этилади.

Юқоридаги устувор вазифаларнинг ижроси таъминланиши натижасида замон талабига мос ҳолда янгича фикрлайдиган, мустақил дунёқарашга эга бўлган юксак маънавиятли янги авлод вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар эртанги кунимиз, эртанги тақдиримиз бўлиб, улар бугун оддий шахслар эмас, балки жамият таракқиётида фаол иштирок этувчи ижтимоий куч ҳисобланади. Айниқса, аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистон учун маънавий таълим-тарбия ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бу мураккаб вазифанинг ижроси эса кўп жиҳатдан биз, педагоглар фаолиятига боғлиқ эканлигини унутмайлик. Шунда биздан авлодларимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, баркамол авлод қолади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Шарқ», 1998.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
8. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: “Шарқ”, 1998.
10. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. –Т.: «Шарқ», 1997.
11. Примова Ф. Миллийлик ва умуминсонийлик. –Т., 1998.
12. Ўрмонов М. Муқаддас "Авесто". Халқ сўзи, 1998.
13. Амир Темур – буюк давлат арбоби. Тошкент молия институти (илмий-назарий конференция материаллари), 1995.
14. Амир Темур ўғитлари. –Т., 1992.
15. Азиз Қаюмов. Аҳмад Фарғоний. –Т.: «Чўлпон», 1998.
16. Қосимов Б. Ватан ва миллат муқаддасдир. –Т., 1994.
17. Жумабоев Й. Инсон ҳаёт мазмуни. "Фан ва турмуш", 1996.
18. Зайнутдинов З. Фарзанд бурчи. "Тошкент оқшоми", 1996 йил 19 февраль.
19. Зуннун Ш. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. –Т.: «Ўқитувчи», 1996.
20. Иброҳимов А. Поклик – миллий тикланиш куртаги. "Тафаккур", 1996, № 6.

21. Мирзакалон Исмоилий. Инсон одоби. –Т., 1989.
22. Оила ахлоқи ва одоби /тўплам/. –Т., 1995.
23. Жондор Туленов. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: "Меҳнат", 2000.
24. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: "Ўқитувчи", 1992.
25. Толстой Л.Н. Уруш ва тинчлик. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
26. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <http://lex.uz>. 2017 йил 7 февраль.
27. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу-билик. –Т.: "Фан", 1972.
28. Жондор Туленов. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: "Меҳнат", 2000.
29. Иргашев Ж.Б., Турсунхўжаева Л.В. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида гиёҳвандликка қарши профилактик тадбирлар. –Т.: "Шарқ" НМАК, 2006.
30. <http://uza.uz>. <http://lex.uz>. <http://kun.uz> ва бошқа интернет сайтлари.

## МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

### I БОБ. МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

- 1.1. Маънавият тушунчаси, унинг ривожланиш хусусиятлари ва маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш жараёнлари..... 6
- 1.2. Маънавиятнинг тарихий, назарий, илмий, амалий заминлари ва илдизлари (Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари)..... 22
- 1.3. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш омиллари..... 39

### II БОБ. МАЪНАВИЙ БАРҚАМОЛ ШАҲС ТАРБИЯСИ – ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИ

- 2.1. Шахс маънавияти мезонлари ва унинг маънавий фазилатлари..... 60
- 2.2. Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро bogliqligi..... 74
- 2.3. Миллийлик ва умуминсоний маънавият ҳамда унинг сиёсат, ҳуқуқ ҳамда ҳокимиятдаги ўрни..... 87

### III БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – МАЪНАВИЯТГА ЭЛТУВЧИ КУЧ

- 3.1. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари ва негизлари 102
- 3.2. "Миллий истиқлол ғояси" фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва уни ўрганишнинг аҳамияти..... 113
- 3.3. Миллий истиқлол ғоясининг турли хил фикр, ғояларга муносабати, ижтимоий-маънавий ҳаётда ўрни..... 119
- Хулоса..... 133
- Фойдаланилган адабиётлар..... 140

**Агамуратов Мурат Утепбергенович,  
Примова Фотима Абдурахимовна**

# **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**(Монография)**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2018**

Мухаррир: Ш.Кушербаева  
Тех. мухаррир: А.Мойдинов  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаххиха: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

**E-mail: [tipografiyacent@mail.ru](mailto:tipografiyacent@mail.ru) Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Нашр.лиц. АI№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 18.06.2018.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 8,75. Нашр босма табоғи 9,0.  
Тиражи 500. Буюртма №367.**



**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.  
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**